

ПОЁН РАВШАНОВ

ДАГАР ПОЛВОН

Тарихий қисса

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2007

«Дагар полвон» тарихий қиссаси яқин кечмишимизнинг маҳзун қутбларини эжонлантиради. Ғузурлик алл паҳлавоннинг элпарварлиги, одамлар оғирини енгил қилиши, ноҳақ қатагонга учраши, хонадон тақдиридаги аянчли эврилишлар бадиий йўсинда, архив ҳужжатлари асосида ёритилади.

ISBN 978-9943-08-027-0

© Поён Равшанов «Дагар полвон». «Янги аср авлоди», 2007 йил.

КЕЧМИШГА БИР НАЗАР

*Ғузор гуё тошлар ичра дур, гавҳар
Янглиг хислати-ла эътибор тортар.
Улкан бир чинорнинг ўқ илдизидек,
Дунё кечмишида ўз кечмиши бор.*

*Ўтмишига эртаклардан бўйлайман,
Элатининг аждодларин ўйлайман.
Табиатин сўлимлиги, жаҳонда —
Тутган ўрни ҳам мавқеин куйлайман.*

Ортиқжон Жўраев

Юртимизнинг қадимий гўшалари харитасида Ғузор ва унга қарашли кўпгина қишлоқлар ҳам бор. Милод бошларида, тоғ олди ҳудудларида кишилиқ манзиллари кўпайиб, уларнинг айримлари йириклаша боради. Қадимшунослик илмининг эътирофига кўра, араблар босқинига қадар бўлган даврда вужудга келган шундай аҳоли яшаш жойлари сирасига Ғузор (ҳозирги Ғузор), Субаҳ, Искифагн манзилларини киритиш мумкин. Бу жойлар номлари араб муаррихлари ва сайёҳлари Ибн Хавқал, Сомъоний ва Ёқут асарларида тилга олиб ўтилади. Жумладан, академик В.В.Бартольд Ибн Хавқал зикр этган Сунаж қишлоғини аслида Субаҳ манзили билан бир жой деб ҳисоблайди ва араб муаррихлари асарларига асосланиб, Ғузор ҳақида: «Субаҳ, Навқад-Қурайш ва Искифагн шаҳарлари жойлашган Ғузор вилояти муҳим аҳамиятга эга бўлган. Субаҳ, Истахрийнинг айтишича, Насафдан Балхга элтадиган асосий йўл бўйида, ундан бир манзиллик масофада, Ибн Хавқалнинг маълумотига кўра эса Кешдан 2 фарсах узоқликда жойлашган. Шунга асосланиб, Субаҳни ҳозирги Ғузор («Ғузор» деб ёзилиши тўғрироқ) ўрнида бўлган деб кўрсатиш мумкин. Сомъонийнинг зикрича,

Насафдан Субаҳга қадар 6 фарсах йўл бўлган», деб ёзган эди. Искифагн билан Субаҳ оралиғи бир фарсахлик йўл эди. Искифагн, олимлар фикрича, ҳозирги Эскибоғ қишлоғи номида сақланиб қолганлиги эҳтимол.

Акад.В.В.Бартольд ўзининг «Туркистоннинг суғорилиши тарихига доир» деган асарининг 8-бобини «Қашқадарё» деб номлаган. Шу қисмда таниқли олим яна Субаҳнинг жойлашиш масаласига қайтиб, «суғорилиш ишлари яхши йўлга қўйилишига қарамай, шаҳар ҳаёти Қашқа воҳасида кам тараққий этган эди. Пойтахтдан (Насафдан) ташқари, ҳаммаси бўлиб учта шаҳар бўлган. Улардан иккитаси Ҳузордарёда, бир-бирига яқин масофада қад ростлаган: Субаҳ (Ҳузор ёки Ғузур ўрнида) ва Искифагн (Бухородан бир масофа жануброқда). Учинчи шаҳар Навқад-Қурайш, тахминан Кеш ва Нахшабнинг ярим йўлида, биринчисидан беш фарсах ва иккинчисидан 6 фарсах узоқликда бўлган», деган фикрни билдиради. Бу ўринда Бухоро билан Искифагн оралиғи бир фарсах дейилганлигини эътибордан қочирмаслик лозим. Бир фарсах масофа Субаҳ ва Искифагн оралиғига тааллуқлидир.

Қашқадарё археология-топография экспедицияси томонидан ўтказилган тадқиқот ишлари қадимги Субаҳ шаҳри ўрни, ҳозирги Ғузур шаҳри жойлашган ердан 8 чақирим шимоли-ғарбдаги Улуқтепада бўлганлигидан далолат беради. Улуқтепа (Улуғтепа) қадимда жуда катта майдонни эгаллаган. Шаҳристоннинг номутаносиб тархи 22,5 таноблик саҳни эгаллаган. Қалъа жойлашган ер бир таноб атрофида бўлган. Субаҳ шаҳри жойлашган умумий майдон С.Б.Лунианинг ҳисобига кўра, 100 танобга етган. Улуқтепада олиб борилган археологик қазув ишлари чоғида топилган сопол парчалари бу шаҳарчада ҳаёт IX асрларда ҳам қизғин давом этганлигини кўрсатган эди.

Қадимий Нахшаб билан Субаҳ оралиғи, М.Е.Массоннинг аниқлашига кўра, 44,5 чақирим. Бу XII аср араб олими Сомъонийнинг Субаҳ билан Нахшаб ўртасидаги масофа 6 фарсах келади, деган фикрига тўғри, монанддир. Кеш (Шаҳрисабз) билан Улуқтепа (Субаҳ) ўртасидаги йўлнинг узунлиги 67 чақиримга тенг. Бу ҳам Истахрийнинг Кеш билан Субаҳ оралиғидаги масофани икки манзил (икки кунлик йўл) деган фикрини исботлайди.

Фузорнинг қадимий шаҳарларидан иккинчиси бўлган Искифагн харобасини (9 чақирим) Фузордан узоқликда бўлган Хожа Бузруктепа мисолида кўриш мумкин. Хожа Бузруктепа-Искифагн юқорида зикр этилган Улуқтепадан 8 чақирим олисроқда жойлашган. Искифагн шаҳарчасининг қадимий майдонини эндиликда аниқ белгилаш жуда мушкул. Ўз вақтида шаҳар 60-70 таноб келадиган майдонни эгаллаган. Хожа Бузруктепада олиб борилган қадимшунослик ишлари бу жойда милоннинг VI-VII асрларига оид кулолчилик намуналари сақланиб қолганлигини аниқлаган эди. Шу билан бирга, Улуқтепада бўлгани сингари Хожа Бузруктепада, яъни қадимий Искифагн шаҳрида ҳам ривож топган ўрта асрларга тегишли кулолчилик ашёлари қолдиқлари борлиги эътироф этилди. Бу далил Искифагн шаҳрининг кейинги асрларда ҳам ҳаёт тарзи давом этганлигини кўрсатади. Бинобарин, Субаҳ ҳам, Искифагн ҳам ҳозирги Фузордан қарийб бир хил олисликда — 8-9 чақиримлик масофа нарида жойлашган бўлган. Акад.В.В.Бартольд Фузор билан қадимий Субаҳни бир жой деб талқин этганда, нималарни кўзда тутган, аниқ айтиш қийин.

XI асрнинг буюк тилшуноси Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девони луғотит турк» асарида Хузур шаҳрини тилга олиб ўтади. У, жумладан, «Хузур — турк шаҳарларидан бўлган бир жой исми», деган фикрни зикр этади. Маҳмуд Кошғарий Хузур ҳақида гапирганида Турк хоқонлиги даврида кўзга кўринган бир шаҳар хусусида сўзлаган бўлиши мумкин. Хузурнинг тарихи бевосита Турк хоқонлигининг шу теварак-атрофдаги жойлар учун муҳим ҳисобланган шаҳри кечмиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган бўлса, ажаб эмас.

Хузурни Субаҳ билан бир жой деб қарашга қадимшунос С.Б.Лунина эътироз билдиради ва қадимшуносларнинг бу жойларда олиб борган тадқиқотларига асосланиб, Субаҳнинг ўрни Улуқтепада, деб ҳисоблайди. Қадимшунослик изланишлари Фузор ва унинг қадимий обидалари тарихига ҳали кўп янгиликлар киритади. Муҳими, бу ерда қайд этилаётган Субаҳ қишлоғининг юртимиз тарихидаги ўзига хос ўрнини ойдинлаштиришдадир. Бу, араблар истилоси ва унга қарши кураш тарихида Субаҳнинг, аниқроқ айтиладиган бўлса, ҳозирги Хузур ҳудудида яшаган қадимий аждодларимизнинг юрт озодлиги учун курашларида тутган ўрни масаласига бориб тақалади. Араб исти-

лочиларига қарши кураш яловбардорлари Нахшаб ва Кеш аҳолиси бўлган. Тарихда «Оқ кийимлилар» деб ном олган, араб халифалигига катта хавф солган бу ғалаён узоқ давом этган. Озодлик курашига Муқаннанинг келиб қўшилиши унинг уюшган, кучли ҳаракат бўлишига сабаб бўлади. Муқанна Марв яқинидаги ўз қишлоғи Козадан Кеш вилоятига, унга қарашли Субаҳ деган манзилга келиб ўрнашади. «Бухоро тарихи» асарида Наршахий бу воқеа ҳақида шундай ҳикоя қилади:

«Муқанна ҳали Марвда турган вақтидаёқ ҳар ерга вакиллари юборди ва кўп халқни йўлдан оздирди... Дастлаб Муқанна динига кирган ва унинг динини юзага чиқарган қишлоқ Кешнинг Субаҳ номли қишлоғи бўлиб, у қишлоқ аҳолисининг улуг кишиси Умар Субаҳий эди. Улар қўзғолон кўтардилар».

Муқаннанинг Марвдан Субаҳ қишлоғига келиши 775 милодий санага тўғри келади. Қиссадан ҳисса шундаки, VIII аср охирида Субаҳ анча танилган, гавжум кишилик манзилларидан бўлган. Бу жойда диловар, мард кишилар яшаган. Эрк учун курашга тайёр бўлган субаҳликлар Муқанна лашкарининг қарор топишида, арабларга қарши шиддатли курашлар олиб боришида пешқадамлик, ташаббус кўрсатганлар. Ота-боболар қонидан ўтган жўмардлик Фузор аҳлини кейинги асрларда ҳам босқинчиларга, адолатсизликларга қарши курашга неча бор даъват этади.

Фузор ҳамма даврларда ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳарбий нуқтаи назардан диққат эътиборда бўлиб келган. 1396 йилда Темуррий маликалар, Шоҳруҳ Мирзо беш йиллик юришидан зафар билан қайтиб келаётган Амир Темур Соҳибқиронни айнан Фузорда қарши олишга шай турадилар. Фузорнинг бутун тевааракатрофи обод қилинади, кутиш тантанаси кунлари ғолибларнинг ранг-баранг байроқлари тўлиб кетади.

Бу воқеадан бир мунча вақт олдин Фузор аҳолиси даҳшатли ёвузликни бошдан кечирган эдилар. 1387 йилда Амир Темурнинг сафарда эканлигидан фойдаланган Тўхтамиш Дашти Қипчоқдан келиб «Бухорони босиб олишдан ожиз бўлганидан кейин, у ердан жўнаб қолишга мажбур бўлади ва Занжирсаройга ўт қўяди. Улар Қарши, Фузордан то Кўҳитанггача ва Амударёнинг соҳилигача бўлган ерларни таладилар», дейди «Зафарно-

ма» муаллифи Шарафиддин Али Яздий. Кўҳитанг Ғузор билан Келиф оралиғидаги қишлоқ ва дарёчанинг номи.

Ғузорнинг Шайбонийлар талотуфлари даври тарихи ҳам мунгли. Муҳаммад Шайбоний Ғузорни қўлга киритиш учун катта қўшин тортади. Бу ҳақда Муҳаммад Солиҳнинг (XVI аср) «Шайбонийнома» достонида шундай сартлар мавжуд:

*Сўрдиким, қайда эрур шаҳри Ғузор?
Ким тошинда бор эмиш элга ҳисор.
Бор эмиш асру қалин эл анда,
Черикимиз бойир ул қўргонда.
Дедилар, асру яқиндур ул шаҳр,
Зоҳиран тушгай анго шуълаи қаҳр.*

«Шайбонийнома» достонида зикр этилгани сингари, XVI аср бошлари Ғузор ва унга туташ жойларда аҳоли кўп бўлган. Аҳолининг асосий тирикчилик манбаи чорвачилик ва деҳқончилик эди. Табиатан қулай жойда, савдо-сотиқ чорраҳасида жойлашган Ғузор ўтган асрларда Бухоро амирлигида катта мавқега эга бўлган. XVIII асрда яшаб ижод этган Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ал-асрор» (1640) асарида қайд этилишича, Аштархонийлар даврида Мовароуннаҳр Бухоро, Самарқанд, Соғарж, Ура тепа, Шаҳрисабз ва Ғузор вилоятларига бўлинган. XVIII аср ўрталарига келиб, Ғузор қалъаси энг мустақкам истеҳкомлардан бири саналган. Манғитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳим 1751 йилда Ғузор қалъасини қамал қилиб, уни олишга муваффақ бўла олмаган. Афтидан, у Искифагн — Эскибоғни (бу пайтда ёзлик чорбоғ мақомида бўлган) ишғол этади ва Ғузор қалъасидагиларни сувдан маҳрум қилишга бел боғлайди. Шу йўл билан голибликни қўлга киритади.

Манғитлар сулоласи даврида Ғузор аҳолиси ҳаёти қандай кечган, аниқ далиллар манбаларда учрамайди. Лекин бир фикрни ишонч билан айтиш мумкинки, манғитлар ва кенагасларнинг тожу тахт талашишларидан ғузорликлар ҳам четда қолмаган. Аниқроқ айтилса, Ғузорда анъанага кўра амирнинг фарзандлари ҳокимият тепасида бўлган ва

улар кенагасларга қарши курашда лашкар тўплаш, жанг-ларида қатнашиш каби масъулиятни бўйинларига олганлар.

1868 йилда Ғузорда амир Музаффарнинг катта ўғли Абдул Малик тўра (Катта тўра) ҳоким бўлиб турган эди. Абдул Малик тўра ёш бўлишига (1848 йилда туғилган) қарамай билимли, шижоатли, ватанпарвар шаҳзода эди. Чор Россиясининг Туркистонни босиб олиш режалари эълон қилинмаган уруш воситасида амалга оширилаётганлиги уни қаттиқ безовта қилади. Отаси амир Музаффарнинг жангларда катта талафотлар эвазига ортга чекинаётганлигидан дарғазаб бўлади. Ношудлик, калтабинлик амир қўшинларининг Каттақўрғон остоналарида ҳам мағлуб бўлишига олиб келади.

Ғузор XIX аср учинчи чорагида ҳам сиёсий воқеаларнинг маркази бўлиб, босқинчиларга қарши кураш ташкил этилган озодлик кураши ташаббуси туғилган, етилган табаррук жой сифатида тарихий аҳамият касб этган йирик шаҳар ҳисобланарди.

Китобимиз қаҳрамонлари тақдири ҳам айнан шу даврларга тўғри келади. XIX аср учинчи чорагидан эътиборан амалга оширилган Чор Россияси босқини, ундан сўнг юз берган қизил салтанат — Шўроларнинг ҳокимиятга келиши Туркистоннинг сиёсий харитасинигина эмас, юртдошларимиз тақдирини ҳам ўзгартиб юборди. Бир асрдан ортиқ давом этган оқ, қизил салтанат юртнинг талон бўлишига, мутеликка тушишига, одамларимиз қонининг дарё бўлиб оқишига, хунрезликларга, қатағонларга боис бўлди. Бирон хонадон йўқки, қизил салтанатдан шикаст топмаган бўлса. Элимизнинг гулларини хазон қилган салтанат умри, ҳайрият, узоққа бормади. Ватанда Мустақиллик тантана қилди. Қадриятлар тикланди, тарихга ҳурмат қарор топди. Аждодларимизнинг пок руҳлари шодмон бўлди.

Ғузор фарзанди, эл ичида катта обрў-эътиборга ноил бўлган Дагар полвон Достонқул ўғли қиссаси ҳам шу жиҳатдан аҳамият касб этади.

ЮРТ ПАҲЛАВОНИ

Турон ўлкаси ҳали исломни қабул қилмаган асрларда, бу юртда паҳлавонлик мартабаси жуда баланд бўлган. «Сўғд Баҳодири» унвонини олиш учун ҳар йили бир вақтда мусобақа ўтказилган. Мамлакатнинг турли жойларидан келган талабгор паҳлавонлар олдинги йилда ғолибликни қўлга киритган баҳодирга қарши курашга чиққанлар. Улар ўз вилоятда даъвогарларни мағлуб этиб, пойтахт Самарқандга, ҳукмдор парваришида бўлган паҳлавон билан куч синашиш учун келганлар.



Сулола асосчиси –
Дархон оқсоқол

Баҳодирлар кураши шоҳона андозада, тантанавор ўтказилган. Қуролсиз олишув фожеали яқун бўлган ҳоллар ҳам истисно этилмаган. Араб муаллифларидан Ат-Табарий ўзининг «Ат-Табарий тарихи»да шундай мусобақалардан бири тўғрисида қуйидагича маълумот беради:

“Ҳижрий 85 (милодий 704) йилда Самарқандда Тархун подшоҳлик қилиб турган пайтда унинг ҳузурига араб қароқчилари тўдаси бошлиғи Мусо ибн Абдуллоҳ паноҳ сўраб келади. Тархун унга ҳурмат-этибор кўрсатиб, Самарқандда яшаб туришга ижозат беради. Сўғд аҳолисининг ҳар йили айни бир кунда юртнинг энг сара паҳлавони шарафига дастурхон тузаш одати бор эди”. Дастурхонга анвои неъматлар, ёғлик гўштлар, шароблар қўйиларди. Бу неъматларга Сўғд баҳодиридан бўлак кимса қўл уришга ботина олмасди. Нозу неъматлар фақатгина унинг насибаси ҳисобланарди. Мабодо, кимдир юрак ютиб, дастурхонга яқин келса ва бирон нарса тамадди қилса, паҳлавон уни якка курашга чақирар эди. Рақиблар жангги ўлим билан яқун топарди. Кимки ғолиб бўлса, дастурхондаги таомлар уники бўларди.

Мусонинг одамларидан бири паҳлавон шарафига ёзилган дастурхонни кўриб ҳайратга тушади ва сабабини сўрайди. Унга тушунтирадилар ва кимки талабгор бўлса, дастурхонга қўл чўзади, деб таъкидлайдилар. Мусонинг паҳлавони бу гапни эшитиб, «дастурхондаги таомлар албатта меники бўлади, мен Сўғд паҳлавони билан куч синашаман ва агар уни ўлдирсам, уларнинг баҳодири бўлиб қоламан», дейди.

Бу талабни Сўғд паҳлавонига етказадилар. У ниҳоятда ғазабланиб, «эй араб, қани, мен билан курашга чиқ!» дейди. Кураш қаттиқ ва узоқ давом этади. Ҳолдан тойган Мусо паҳлавони ҳийла ишлатади ва Сўғд баҳодирини ўлдиради. Бундан ғазабланган подшоҳ Тархун Мусога қараб, «мен сизларга жой бердим, ҳурмат кўрсатдим, аммо, паҳлавонларинг номардлик қилиб, баҳодиримни ўлдирди. Агар сизларга дахлсизлик ҳақида сўз бермаганимда эди, бу қилмишларинг учун ҳаммангни битта қолдирмай қириб ташлардим. Иззатни билмаган, ҳийлакор меҳмоннинг бу юртда қолиши мумкин эмас», дейди. Шундай қилиб, қароқчилар тўдасининг бошлиғи Самарқанддан чиқариб юборилади».

Тарихий манбаларда Сўғднинг атоқли паҳлавонлари ҳақида жуда кам маълумотлар берилади. Кураш ҳалол, ҳеч бир қуролсиз, фақат кучга таянилган ҳолда амалга оширилган. Мағлуб бўлаётган баҳодир енгилишдан кўра ўлимни афзал билган. Шу сабабдан сўнгги нафаси қолгунча кураш майдонини тарк этишни ор билган. Қароқчилар тўдаси паҳлавони учун кураш қоидаларининг аҳамияти бўлмаган. У нима қилиб бўлса-да, енгиши, умрида кўрмаган таомларга эгалик қилишга нафси устун келган. Тархун подшоҳи эса бағрикенглик қилиб, уларни мамлакатдан чиқариб ҳайдаш билан чекланган. Ўйин қоидаларини бузиш, номардлик қилиш мисли кўрилмаган тубанлик ҳисобланган.

VIII аср бошларида Фурс ас-Сағад деган киши Сўғднинг энг зўр паҳлавони ҳисобланган. Баҳодир Сағаднинг довуғи бутун мамлакатга ёйилган. Юрт паҳлавонининг машҳурлиги, подшоҳона илтифотларга ноиллиги сабаби, бир жиҳатдан, унинг эл осойишталигига қалқон эканлигида эди. Номдор паҳлавони бор юртга бошқа мамлакатлар ғаразли мақсадда дахл қилишга ботина олишмаган. Бундай паҳлавонлар жангги кўп ҳолларда лашкарлар бажарадиган ғалабага тенг саналган. Дейлик, талаб солиб келган душман паҳлавони билан юрт баҳодир курашиб, уни енгса, рақиб сўзсиз орқага қайтишга, мағлубиятни тан олишга мажбур бўлган. Паҳлавонларга бўлган эътибор, шоҳона ситойиш, давлат аҳамиятига моликлик боиси шунга бориб тақалади. Ўзбек халқ дostonларидаги паҳлавонлик тараннуми илдизлари ҳам аслида қадимиятнинг ана шу анъаналари билан боғлиқдир.

Замонлар ўтиши билан юрт баҳодири мақоми ҳам ўз маъносини ўзгартира борган. Босқинларнинг кўлами, жангу жадалларда қуролларга зўр бериш якка курашдек мардона рақобатга аста-секин чек қўя боради. Бироқ, қадим Сўғда милоддан олдинги асрларда шаклланган дастурхон ёзиш анъанаси «товоқ қўйиш» русуми кўринишида сақланиб қолади. Полвонларнинг ортиб бориши билан товоқлар сони ҳам кўпаяди. «Биринчи товоқ»нинг обрў-этибори, барибир, катталигича қолаверади. Паҳлавонларга ҳурмат сабаблари фақат жисмоний кучга эҳтиром нишонаси бўлиб қолмай, давлат ҳимояси, эл муҳофазаси билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий омилларга дахлдорлиги билан аҳамият касб этади.

Қашқа воҳаси азал-азалдан полвонлар, чавандозлар юрти ҳисобланади. Қашқадарёнинг сувини ичган эр йигитлар илиги тўқ, кучли, чаптаст, бақувват бўладилар. Тўйларда, кексалар давраларида кўпинча, полвонлар ҳақида баҳс кетади. Амирнинг полвонини кўтариб урган фалончи ҳақида, унинг авлоди борасида қизгин гурунглари ёшларни маҳлиё этиши табиий. Қайси қишлоқда бўлманг, шу жойнинг атоқли полвони бўлади, бунга суҳбатларда ишонч ҳосил қиласиз. Одамлар, ҳатто, асрлар ўтса-да, ўз полвонларини, чавандозларини унутмайди. Паҳлавонлар табиатан мард, бағрикенг, эл корига ярайдиган кишилар бўлади. Уларнинг яхши сифатлари, одамларга қилган яхшиликлари нақлларга сабаб бўлади. Шундай ҳоллар бўладики, полвон номи айтилса, нафақат у мансуб бўлган қишлоқ, балким, бутун туман, вилоят ҳам тушунилади.

Дағар полвон Достонқул ўғли ана шундай доврўкли, элу юрти ҳурматиغا сазовар бўлган номдор паҳлавонлардан бири эди. XX аср бошларида етишган ўзбек паҳлавонлари орасига Дағар полвон ўзининг бемисл кучи, беназир одамлиги билан алоҳида ажралиб туради. Орадан бир асрга яқин вақт ўтаётган бўлса-да, Ғузорнинг бу валлома ти номи ҳаммиша яхшилик билан тилга олинади. Унинг авлодини ғузорликлар «Дағар полвон набираси, эвараси, чевараси...» деб ҳурмат билан зикр этадилар. Дунёда, табиийки, полвонлар кам эмас. Ўзини ўйлайдиган, вақтида машҳурлик касб этган айрим куч соҳиблари оламдан ўтиб кетгач, биров на ўзини, на уруғ-аймоғини эсламайди.

Дағар полвон собиқ Шўро давлати дунёни алғов-далғов қилган қалтис даврда яшади. Унинг ота-боболари чорвачилик, деҳ-

қончилик ва касб-кор билан машғул бўлишган, ҳалол меҳнатлари билан ўз ризқ-рўзларини топганлар. Фузорнинг Чаноқ қишлоғи азалдан танти одамлари билан юртга танилган. Дагар полвон шу Чаноқ қишлоғида таваллуд топган.

Чаноқ қишлоғи Фузор шаҳрининг шарқида жойлашган. Ўтган аср бошларида қишлоқда 60-70 хўжалик истиқомат қилган. Эндиликда Чаноқ қишлоғи Гулшан деб аталиб, анча катталашган, хўжаликлар сони ҳам кўпайган. XX аср бошларида И.Магидович деган олим қўнғиротларнинг «тортувли» шахобчасида «чаноқ» уруғи борлигини аниқлаган эди. Тожикистонда яшайдиган лақайларнинг «бодроқли» бўлимидаги «қизилбой» уруғининг қорачаноқ, оқчаноқ тармоқлари ҳам борлиги маълум. Чаноқ — этноним бўлиб, қўнғиротларга ва лақайларга хос уруғ номини англатади. Хуллас, Чаноқда қўнғирот уруғининг бир гуруҳи азал-азалдан яшаб келган. Қўнғирот қавмидан Алпомишдай алплар, мардона полвонлар, абжир чавандозлар етишиб чиққан.

ДОСТОНҚУЛ ДОСТОНИ

*Ҳузур, сендан мазлум, донолар ўтган,
Қисмати кечмишининг йўлида бўртган...
Бағрида донолар етишиганидан —
Фурур-ла зотларга кўйлайди достон.*

Ортиқжон Жўраев

1866 йилнинг апрели Бухоро амирлиги учун оғир келади. Амир Музаффар дин аҳли ва толиби илмларнинг қистови билан Сирдарё бўйларига келиб қолган Чор Россияси қўшинларига қарши лашкар тортишга мажбур бўлади. Қўқон хонлиги аллақачон ҳарб майдонида ўз кучини синаб кўраётган, мағлубият аламини тортаётган ҳам эди. Учала хонликнинг умумий ёвга қарши бирлашиб курашиши амалга ошмагани сингари, бу пайтда — ҳаёт ё мамот масаласи ҳал бўлаётган дамларда улар ўртасидаги азалий ихтилофлар барҳам топиш ўрнига, янада кучаяди.

Шу йили Сирдарёнинг Ержар деган жойида, 20 майда Бухоро ва Чор Россиясининг қўшинлари тўқнашади. Амир лашкарлари сон жиҳатдан бир қадар устун бўлишига қарамай, руслар-

нинг ракета мосламалари, ўқотар қуроллари жанг тақдирини ҳал қилади. Бунинг устига, амирнинг қора чериги ҳеч бир ҳарбий тайёргарликка эга бўлмаган эди. Бундай лашкарни қириб ташлаш русларга айтарли қийинчилик туғдирмаган. Ҳарбий тайёргарлик, қурол-аслаҳа бобида хонликлар Овруподан, шу жумладан, Чор Россиясидан жуда орқада қолиб кетган эди. Уруш тақдирини сон эмас, қурол сифати ҳал этадиган давр кириб келганди. Қилич ва шоплар, найзалар ўрта аср алмисоқларига айланиб улгурган эди.

Ержар муҳорабасида, манбаларда айтилишича, амир қўшинида 40 минг сарбоз бўлган. Руслар уларга қарши 14 та рота пиёдаларни ва 5 эскадрон казакларни қарши қўйган. Амир лашкарлари Ержардаги мағлубиятдан сўнг ўзини ўнглаб ололмади. Руслар эса Туркистондан забт этган ерлар, шаҳар-қишлоқлар ҳисобига 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлигини, яъни рус подшоҳлиги ҳокимиятини ўрнатади. Амир Музаффар орадан икки йил ўтказиб, 1868 йилнинг 1 майдан Самарқанд елкасида, Чўпонота дўнгликларида яна руслар билан жанг бошлайди. Бу кураш ҳам босқинчилар фойдасига ҳал бўлади. Амир Музаффарнинг шармандали мағлубияти ватанпарвар кучларни шакллантиради. Ҳарбий сусткашлик, қатъиятсизлик, парокандалик юртнинг мард, жасур кишиларини оёққа турғизади. Амирдаги ношудликдан норози бўлганлар орасида унинг тўнғич ўғли, Фузор тўраси Абдул Малик ҳам бор эди. Шаҳрисабз ва Китоб бекликларида амирнинг руслардан кетма-кет енгиланганлиги ор-номусни жунбушга келтиради. Шаҳрисабз ва Китобдан Сирдарёга ёрдамга етиб келган кучлар амир томонидан қайтариб юборилади. Бу хилдаги айирмачилик бориб турган ҳарбий калтабинлик эди. Оқибатда, амир Музаффардан норози бўлган кучлар Абдул Малик тўра — Катта тўра атрофида жам бўла бошлайдилар...

Фузор сарҳадлари Абдул Малик туғи остида жанг қилишга аҳд қилган Бухоро, Нурота тарафлардан келаётган тожик ва туркман кўнгиллиларига тўлиб кетади. Амирга қарши кайфиятда бўлган Жўрабек ва Бобобеклар Катта тўра ҳузурига ишончли кишиларни юбориб, Тахти Қорача довони олдида ўз қўшинларини кўриқдан ўтказётганликларини хабар қилган эдилар.

Абдул Малик тўра Самарқандда мустаҳкамланиб олган рус гарнизонига ҳужум уюштиришни мўлжаллайди. Бу пайтда руслар-

нинг асосий қўшинлари Зирабулоқ, Каттакўрғон атрофларида бўлиб, амир билан ҳал қилувчи жангга ҳозирлик кўриб турарди.

Абдул Малик тўра билан отаси, амир Музаффарнинг ораси бузилиши сабаблари ҳам Самарқанд билан боғлиқ эди. Амир Музаффарнинг русларга қарши юришида бошқа беклар қаторида Абдул Малик тўра ҳам бўлган. Амир қўшини Жиззахда қаттиқ мағлубиятга учрайди ва жуда оз сонли кишилар, кўпи ярадор ҳолда Самарқандга бир илож қилиб етиб оладилар. Абдул Малик тўра ҳам чап қўлидан енгил жароҳат олган, хориб-толиб Самарқанддан қўним топган эди. Жиззах муҳорабасида Аллоҳёр девонбеги манғит, Одил додҳо хитой, Абдусаттор иноқ, Хусанбой тўқсабо, Жўён Хожа, афғон генерали Искандархонлар ҳалок бўлган эдилар.

Амир Музаффар Самарқандда бир муддат туриб, талафот кулфатидан ўзини қўярга жой тополмай, ниҳоят, Карманга жўнашга қарор қилади. Самарқанддан жўнаш олдидан амир ўзининг катта ўғли, ўн саккиз ёшга тўлган, Ғузорда ҳокимлик қилиб турган Абдул Малик тўрани Шерали иноқ ҳузурида қолдиришга кўндиради. Самарқандда Ҳисори Шодмон ҳокими Раҳмонкул парвоначи ҳам муқим туриши амр этилади. Шерали иноқ амир Музаффар даврида Самарқанд аҳолисини ўз зўравонлиги билан қаттиқ норози қилган, амирнинг хавфи агар руслар Самарқанд сари босқин қилиб келгудек бўлсалар, ўзини халқ қўллаб-қувватламайди, деган фикрда эди. Абдул Малик тўра ёш бўлса-да, одамларнинг кўнглиги йўл топа олар, зарурат туғилса, ёвга қарши курашни ташкил этар, деган умид амирни шундай тадбир кўришга ундаган эди.

Шерали иноқ амир Музаффар Самарқанд дарвозасидан чиқар-чиқмас, шаҳар аҳолисини, муҳтарам кишиларни қаттиқ қийноққа солади. Энг ёмони, Ғузор ҳокими, Самарқандда ёрдамга қолдирилган Абдул Малик тўрани ёмон отлиқ қилишга жазм этади. Амир Музаффарга туҳматдан иборат хат йўллаб, «Катта тўра катта фалокатни бошлади, одамларни Сиз жаноби олийларга қарши гиж-гижлаб, тахтни тортиб олиш учун ғалаён кўтармоқ тараддудига тушди» дейди. Амир туҳматга лаққа учиб, ўғлини Ғузорга чиқариб юборишни буюради. Шу воқеадан ўн беш кун ўтиб, 1283 йилнинг ражаб ойида (1866-67 й.) Оқ подшоҳ қўшинлари Самарқанд этакларига бало-қазодек ёпирилиб киради.

Амир Музаффарнинг ўглига эмас, зулмкор Шерали иноққа ишониши, унинг гапи билан Абдул Маликни беобрў қилиб Ғузорга қайтариши, шубҳасиз, Катта тўрага ва унинг яқин надимларига қаттиқ таъсир қилган эди. Бу нарса, охир-оқибатда, ўғилнинг мамлакат тизгинини тобора қўлдан чиқазаетган, эътибори кундан-кунга тушиб бораётган амирга — отага қарши чиқишига сабаб бўлади...

Достонқул Катта тўранинг топшириғи билан юмушни уdda-лаб, хуфтонда Чаноқ қишлоғига кириб келган эди. Тоғлар бағрида жойлашган қишлоқларнинг оқсоқоллари, эшонлари тўранинг ғазот қилиш қарорини маъқуллаб, қўлларидан нима келса, шуни бажо этишга тайёр турадилар. Тўра уларга Достонқулни юбориб, отлардан қарашишга даъват этган эди. Достонқул ҳафта давомида тиним билмай, Айғиркўл, Алдайқишлоқ, Арнакўл, Бандикучук, Бешқўрғон, Биясигмас, Бойвичакон, Бошчорбоғ, Жалампир, Кўрдаҳна сингари жойларни кезиб, аминлар, элбегиларга тўранинг мактубларини етказди. Сурхон тарафларга ҳам чопарлар аллақачон етиб, орқага қайтган эдилар. Арслонбойи, Арғун, Боймоқли, Бандихон, Бозорли, Бойбўри, Боймоқли, Бойовул, Бойсун, Вахшивор, Вохтамғали, Газа, Дарбанд, Денов, Зарабоғ, Какайди томонлардан ҳам яхши хабарлар кела бошлаганди. Бу ёғи туркман тарафлардан, Женов, Помуқ ва Чандир қишлоқларидан ҳам Катта тўрага байъат билдириб, элчилар оёғи узилмаётган эди. Хуллас, Ғузорга Китоб ва Шаҳрисабз ҳокимлари Жўрабек ва Бобобек келиб-кетганидан ўн кун ўтиб Абдул Малик тўра лашкарлари сони ортганидан ортиб, Самарқанддаги руслар гарнизонига ҳужум режаси деярли етилиб бўлган эди. Энди гап Умар Хожа эшонда қолган эди.

Умар Хожа эшоннинг Сарқандда эътибори жуда кучли эди. Унинг атрофига амирдан норози бўлган, Шерали иноқ зулмидан азият чеккан фуқаролар жам бўлганди. Улар чор аскарларига қарши қулай фурсат кутиб, жангга шай турар эдилар. Абдул Малик тўра билан у Самарқандда турган пайтида аҳду паймон қилинган эди. Тўра Самарқандга, Умар Хожа эшон олдида хос одамини юбориши, ҳужум муддатини аниқлаши керак эди, холос. Тўра сафардан чарчаб қайтиб келган Достонқулни шу сабабдан йўқлатаётганди. Достонқул тўра одамлари келиб кетганидан кўп ўтмай, арк олдида пайдо бўлади. Дарвозадан ки-

рар экан, нағалли этигини тошга уриб, чангини қоққан бўлди. Абдул Малик тўра уни бетоқат кутар эди.

Достонқул тиз букиб тўрага таъзим бажо қилди. Тўранинг «Ишларни битказиб, эсон-омон қайтдингизми?» деган сўзларига бош эгиб, тасдиқ ифодасини қилди. Мамнун бўлган Катта тўра:

— Достонқул, Аллоҳ ишимизни ўнгласун! Ота-боболарингизга Ҳақнинг раҳмати ёғилсун. Сизни оғам десам, ёшимиз тенг, иним десам, қадрингизга етмаган бўлурман. Келинг, бўйинсам деб айтсам, кўнглингизга яқин бўлурман. Сизга бўлган камоли ишончим сабаб, тагин бир юмуш айтишга зарурат сезурман. Шу тун яримлаганда, ёнга икки сарбоз олиб, Самарқанд сари, аниқроғи, Ургутга йўл олурсиз. Анда Сизни ҳазрат Умар Хожа эшоннинг одамлари кутиб турурлар. Мактубни сизга ноибим Бурҳониддин Хожа топширур. Уни кўз қорачўғидай авайлаб-асраб, Хожа илтифотига етказиш лозимдур?!

— Бош устига, жаноби олийим! — Достонқул яна бош эгиб таъзим қилди. У ташқарига чиққанида уч сарбоз уч отнинг жилонидан ушлаб турардилар. Достонқул улар билан сўрашиб, тўранинг ноиби ҳузурига кириб, хатни олиб чиқди. Вақт ярим кечадан ошганда уч отлиқ чанги босилган сўқмоқ бўйлаб кун чиқар томонга кетиб борардилар.

Орадан тўрт кун ўтиб, Достонқул ва унинг ҳамроҳлари Самарқанддан қайтиб келдилар. Умар Хожа эшон жанг кунини, муҳораба чекларини батафсил битиб юборган эди. Бундай алоқалар Шаҳрисабз ва Китоб беклари ўртасида ҳам бўлиб ўтган, Жўрабек, Бобобек ва Катта тўра бир вақтда ҳаракат қилишга келишиб олган эдилар.

Самарқандга юриш бошланишидан бир ҳафта олдин Бухородан Абдулкарим девонбеги Ғузорга махсус топшириқ билан келади.

Амир Музаффар айғоқчилари Ғузор — Шаҳрисабз — Китоб ва Самарқанд тил бириктирувидан хабар топган, тўранинг русларга қарши кураш бошлаши — амирнинг тахтдан ажралиши билан баробар эканлигини хабардор қилишган эди. Айғоқчи Абдул Малик тўрани ғазотга ундаётганлар унинг ёнида яганиб олган Худоёр тўқсоба чўчқа қора манғит, Ибодуллобек тўқсоба оқ манғит, Иброҳим тўқсоба тўқманғитлар эканини ҳам пайқаб етадилар. Абдулкарим девонбеги нуроний ёшдаги, бо-

обрў киши эди. У эндигина 18-19 ёшга кираётган тўрани ёнидаги беклар қутқусидан қутқариши, унга насиҳатлар бериши ва, пировард натижада, русларга қарши алоҳида ҳужум уюштиришдан қайтариши лозим эди.

Тўқсобалар ҳам ғоят айёр, амирнинг найрангларида кўзи пишган кишилар эди. Абдулкарим девонбегининг нима мақсадда келаётганини билишиб, Ғузор арки дарвозасини маҳкам беркитиб оладилар. Улар Девонбегини тўра билан ёлғиз суҳбатлашишга қўймадилар. Мабода, шундай бўлганда, Абдулкарим девонбеги тўрани ёнидаги маслаҳатгўйлардан жудо этиб, Қаршига жўнатишга эришган бўларди. Тўқсобалар Қаршига жўнатилдими, бас, қалъада дорга осилган бўлардилар. Тўра билан учрашувда Девонбеги асосий гапни айтмайди. Бироқ, Худоёр тўқсоба юзинг-кўзинг демай, унинг келиши сабабларини ҳамма олдида ошкор айтиб ташлайди. Абдул Малик тўра тўқсобалар сўзидан чиқа олмайди. Тўқсобалар унга Бухоро тахтини нақд қилиб қўйган эдилар. Девонбегига рухсат берилади.

Абдулкарим Девонбеги Арк дарвозасидан хомуш чиқиб келаётганда дарвоза ортида пойлаб турган уч-тўрт одам унга ташланади. Чамаси, уларни Худоёр тўқсоба қўйган, Девонбегининг Бухорога эсон-омон егиб боришини у хоҳламаган. Худоёр эшикоғобоши мулоҳазали одам бўлганлиги сабабли, ўзи кузатиб келаётган Девонбегини улардан ажратиб олади. Тўранинг ишончли кўрчиси Достонқулни ўн отлиқ қилиб, Абдулкарим девонбегини Қаршига етказиб қайтишни тайинлайди. Достонқулнинг кузатиб бориши дарагини билган баъзи кимсалар ортдан етиб, ҳужум қилишга ботина олмадилар. Достонқул Девонбегини Қарши қалъасининг Тутак дарвозасидан киритиб, хайр-хўш қилади. Абдулкарим девонбеги Қаршидан Карманага йўл олиб, амирга бўлиб ўтган воқеаларни баён қилади.

Мирзо Абдулазим Сомий «Тарихи салотини Манғитийя» (1324 ҳижрий, 1906 милодий йилда ёзилган) асарида “Абдул Малик тўра бирлашган кўшини Самарқандга Тахти Қорача довони орқали юзланганда амир Музаффарга қарши Каттақўрғонда Кауфман аскарлари жангга шай турарди. Самарқанддаги рус гарнизонида керакли даражада сипоҳилар қолдирилганди. Уларни Аркда Самарқанд яҳудийлари ва эронийлар тўдаси ўраб турарди”, деб ёзади.

Тўра қўшини русларни қамал қилади. Тез орада Эшон Умархон Махдуми Аъзам ўз лашкари билан Катта тўрага келиб қўшилади. Хитой-қипчоқ, қорақалпоқлар, Самарқанд тожиклари ҳам Абдул Малик тарафида туриб жангга кирадилар.

Достонқул бошчилигидаги гуруҳ Арк деворини бузишга саъй қилади. Уч кеча-кундуз бетиним қилинган меҳнат, ниҳоят, самара беради. Деворнинг бир неча жойи тешилади. Рус аскарлари бундай матонатдан донг қотиб, кўлидаги милтиқларини ташлаб, асирга туша бошлайди. Қанча яҳудийлар ҳам тутқун бўлади. Ғалаба аён бўлиб қолганди. Бироқ, тақдир чархи тескари айланади...

Амир Музаффарнинг Каттақўрғондаги мағлубиятидан кейин Хоразмга қочиш режаси пайдо бўлади. Бунинг устига Самарқандда Абдул Маликнинг амир деб эълон қилиниши уни тамомила қарахт қилиб қўяди. Бухоро аркида қамалиб ётган Шукурбой иноқ амирнинг жонига ора киради. У қочиш эмас, руслар билан иттифоқ тузиш фикрини ўртага солади. Негаким, русларга ҳозир амирдан кўра Абдул Малик тўра хавфлироқ, — дейди у, — шундай экан, руслар билан сулҳ тузиб, Катта тўрага қарши кучларни бирлаштириш энг мақбул йўл бўлади.

Абдул Малик тўрага қарши энг қабиҳ усул — иғво йўли танланди. Қарши лашкарбошиларидан бўлган, айёрлиги, қирриқлиги билан донг чиқарган Мўмин тўқсобага нима қилиб бўлсада, Абдул Малик тўра қўшинларини тарқатиб юбориш вазифаси топширилади. Мўмин тўқсобанинг иғво, туҳмат уюштиришга суяги йўқ эди. Унинг шу феъли учун одамлар «поки» лақабини бергандилар. Мўмин поки, Абдул Маликнинг лашкарбошиларига алоҳида-алоҳида хат ёзиб, «Амир Музаффар руслар билан иттифоқ тузди, энди устиларингга рус ва амир лашкарлари бостириб боради, замбарак ва тўплардан биронганг омон қолмайсан, эсинг борида этагингни йиғ», дейди у жонкуярлик қилиб. Туҳматчилар ишини қилади. Жўрабек ва Бобобек сингари соҳиб тажриба беклар ҳам унга лаққа ишонадилар ва сарбозларини айириб, мулкларига қайтиб кетадилар. Ватанпарварлик ҳисси билан узоқ-яқиндан тўпланган қўшинлар ими-жимиди Катта тўра билан хайр-хўш қилмасдан, изларига қайтишни маъқул кўрадилар.

Умар Хожа эшон Махдуми Аъзам Катта тўранинг чодирисида ўтириб, ишнинг ёмонга эврилганини пайқаб етади. Унинг қўлига

Мўмин покининг лашкарбошиларига ёзган хатини келтириб бердилар. Хатни олиб келган йигит Достонқул эди. Эшон Ҳазратлари уни кўриб дарров танийди. «Эй бўтам, сенмисан. Муҳорабадан аввал ҳузуримга келган эдинг-а, шундайми? Боракалло, йигит йўлидан қайтмайди, дебдур машойихлар. Тўрангнинг этагидан қўйиб юборма. Номардликнинг ҳамшиша жазоси муқаррар бўлғай. Ҳали бу кофирларни мағлуб этгунимизча, кўнглимиздаги кирни тозалашимиз даркор бўлғай, бўтам», — дейди у. Достонқул тўра ёнида қолган саноқли йигитлардан бири эди. Бу гап-сўзлар Катта тўранинг Дарғом бўйидаги чодирда бўлиб ўтади. Эшон Умар Хожанинг дуойи фотиҳасидан сўнг Катта тўра минг изтиробда Ғузор томонга йўл олади.

ДОСТОНҚУЛНИНГ ОМАДИ

*Ҳамон таърифлайди элининг тили,
Тўлган яхшиликка лиммо-лим дили.
Ортиқжон Жўраев*

Каттақўрғон ва Зирабулоқ ялангликларида юз берган мағлубият амир Музаффарни руслар билан шармандали битим тузишга мажбур қилади. Битимга кўра вассал мақомини олган амирлик амалда Чор Россиясининг муте бир мулкига айланиб қолади. 500 000 сўм ҳажмида тўланадиган товон хазинани қоқлаб кетади. Бироқ, Оқ подшоҳ вассали бўлган амирга ўртадаги келишув унинг ўз душманларидан, биринчи галда, ўғли Абдул Малик тўрадан ўч олишига катта имкониятлар очади.

Сулҳдан кўп ўтмай амир Музаффар итоатдан чиққан Қарши ва Ғузор аҳолисини, исёнкор ўғли Катта тўрани жазолаш учун тиш-тирноғига қадар қуролланган беҳисоб қўшин билан Қарши тарафга йўл олади. Амир Хожа Муборакка етиб, бир-икки кун шу ерда тин олади. У Йўлдош эшикоғобоши ва Тоғаймурод эшикоғобо-



Сулола давомчиси –
Достонқул
Дархон ўғли

шиларни бир неча чапдаст сарбозлар билан пинҳона Қарши ва Ғузорга юбориб, Абдул Малик тўрани ушлаб келишни буюради. Қарши ҳокими Нуриддинхон тўрага ҳам одам юбориб, қандай қилиб бўлмасин, ғалаёнчи Абдул Маликни асирга олишни мактубида алоҳида таъкидлайди. Нуриддинхон тўра ўз навбатида ихчам қўшин ҳозирлаб, Йўлдош ва Тоғаймурод эшик-оғобошилар қуршовида Ғузорга, Катта тўрани ушлашга чиқади.

Шу тариқа яқингинада Абдул Малик тўрага бўйсунган, уни қўллаб-қувватлаган Қарши лашкари Бухородан келган амир лашкарлари билан бирлашиб, Ғузордан бир фарсах нарида бўлган Фанотепада Катта тўрага жанг талабини солиб турарди. Ғузор сипоҳилари сон жиҳатдан жуда оз эди. Шунга қарамай, ота ва ўғил лашкари тўқнашади. Икки тарафдан ҳам одамлар қирилади. Кун чошгоҳдан оққанда Абдул Малик тўра чекиниб, қалъага киради. Йўлдош ва Тоғаймурод эшикоғобошилар мағлуб бўлган тўра изидан Ғузор қалъасининг Дарёобод дарвозасига келиб, қамалми ёки бирор-бир битимга келиш масаласини маслаҳат қиладилар.

Абдул Малик тўранинг ёнида Худоёр эшикоғобоши ўз йигитлари билан Ғузор теварак-атрофидаги қишлоқлардан сараланиб қолган қорачерикдан бир тўпи Достонқул бошчилигида мудофаага шай турарди. Бухоро эшикоғобошилари қамал билан иш битмаслигини, тўранинг ёнидагилар осонликча таслим бўлмаслигини яхши билади. Шу сабабли, тўрага имкониёт беришга қарор қиладилар. Шарт шу эдики, “Абдул Малик тўра икки-уч кун ичида Шаҳрисабз тоғларига чиқиб кетишни ихтиёр қилсин ва ҳокимият ишларига дахл қилмасин. Биз (яъни эшикоғобошилар) бу вақтда амир жаноби олийларини ғазабдан тушириш йўлини қиламиз. Тўранинг кучи етарли эканлигини, уни асирга олиш мушкуллигини уқтирамиз...” Тўрага киритилган хат мазмуни шундай эди. Абдул Малик тўранинг қўйилган шартни қабул қилмасдан ўзга иложи йўқ эди.

Ихтилофлар барҳам топиб, қамал қилгувчилар Қарши сари йўл олгач, тўранинг ёнида қойилмақом бўлиб турган сафдош саркардалар биринчи бўлиб жуфтакни ростлайдилар. Уларнинг изидан хос навкарлар ҳам ими-жимида жўнаб қоладилар. Амир-

нинг ғазабидан қўрққанлар боши оққан томонга кетиш йўлини тутадилар.

Абдул Малик тўра кўч-кўронини тайёрлаб, Шаҳрисабз тоғлари томон йўлга тушганида унинг карвони изидан 400 дан ошиқроқ кўнгиллилар эргашган эди. Кенагас ҳокимлари Катта тўрага Тошқўрғонга бориш ижозатини берадилар. Ғузор яна амир Музаффар қўлига ўтади. Амир исёнкор Ғузорга собиқ Шеробод ҳокими (уни Абдул Малик тўра куч устида бўлганида қўнғиротлар ҳайдаб юборган эди) Каримқул иноқни бошлиқ қилиб юборади.

Афтидан, амир Музаффарни Эшикоғобошиларининг тўра билан тузган битими қониқтирмаган. Дарғазаб амир тўнғич ўғлини орадан кўтармагунча тинчиёлмас эди... Воқеаларнинг бундан кейинги ривожини узундан-узоқ тафсилотларни ўз ичига олади. Уларни вақти соати билан ҳикоя қилиш мавриди келар. Биз бу ерда сўзни мухтасар қилиб, Достонқул билан боғлиқ жиҳатларгагина тўхтаб ўтамиз, холос.

Абдул Малик изидан тушган амир Музаффар Шаҳрисабзга томон юриб, Тезобкентга етиб тўхтади. У, Шаҳрисабз ва Китоб ҳокимлари Бобобек ва Жўрабекларга хат ёзиб, тўрани ушлаб беришни талаб қилади. Бу икки ҳоким жуда жўяли қилиб, “ўзини ҳурмат қилган одам меҳмонини тутиб бермайди», деган жавобни бериб, орани очиқ қилади. Шу орада амир Музаффарнинг сафарда эканлигидан фойдаланган қозоқ саркардаси Сиддиқ тўра Бухорони эгасиз билиб, Ғиждувон, Кармана, Хатирчи ва Нарпайни босқин қилади. Амир Музаффар ўғлини таъқиб этишни йиғиштириб, шошилинич Бухорога қайтади.

Абдул Малик тўра билан Сиддиқ тўранинг гапи бир эди. Сиддиқ тўранинг юриши Катта тўрага яна журъат бағишлайди. У Тошқўрғондан тушиб келиб, яна ёнига қайтган кенагас баҳодирлари билан отаси ортидан қувиб боради. У Абдул Мўмин тўқсоба ва Достонқул тўпига Ғузорни босишга ва ҳоким Каримқул иноқни қўлга олишни амр қилади. Абдул Малик тўра Қаршини эгаллайди. У энди аввалгидан-да кучайиб кетади. Тўранинг туғи остида жам бўлаётганлар сони баъзи кунларда ўн мингга етган, деб ҳисоблайдилар. Абдул Малик тўра хавфи нечоғлик катта эканлигини руслар ҳам ҳис қила бошлайди. Амир Музаффарнинг ёрдам сўраб қилган мурожаатига жаво-

бан 10 минг рус қўшини ажратилади. Амирнинг ўзи ҳам 10 минг қўшинни шайлаб, унга Тўхтамиш иноқ ва Яқуб қушбегиларни бошлиқ қилади. Рус қўшини Қаршига Қўнғиртов тарафдан, амир лашкарлари эса Косон саридан ҳужумга ўтади.

Абдул Малик саркардаларидан Йўлдош эшикоғобоши шижоатини кўриб, милтиқлар, ракета мосламаларига эга бўлган ёвнинг ўзи ҳам қойил қолади. У икки минг кишилик сарбозлари билан жон бериб — жон олади. Шу жангда Достонқулнинг чап қўли қаттиқ жароҳатланади. Барибир, ўқотар қуроллар жанг тақдирини амир Музаффар фойдасига ҳал этади. Абдул Малик тўра чекинади. Мағлуб шаҳзодани Жўрабек ва Бобобек ҳам хушламайди. Унга Шаҳрисабз ва Китоб ҳудудларини четлаб ўтиш писанда қилинади. Абдул Малик тўра энди ҳаммаси тамом бўлганига ишонади. Ёнида қўлини осиб олган Достонқулга қолган одамларни тўплашни тайин қилади. Тўранинг садоқатли саркардаларидан Худоёр эшикоғобоши аллақачон Қаршини тарк этиб, Самарқандга борган, манғитларга қўшилган эди. Олмосбой эса Китобга, Жўрабек ҳузуридан паноҳ истаб кетган эди. Достонқул барча хайрихоҳларини жам қилгач, Абдул Малик тўра бўз оти устида уларга миннатдорчилик билдириб, нутқ сўзлайди. Воқеа Қорабоғ қишлоғида бўлиб ўтади. Тўра аслида Қорабоғдан Шаҳрисабзга ўтмоқчи эди. Лекин Шаҳрисабз ва Китоб ҳокимларининг шаҳарни четлаб ўтиш ҳақидаги огоҳлантириши унинг фавқулодда қарорга келишига сабаб бўлади. Қорабоғда қарийб 4 мингга яқин сипоҳий жам бўлган эди. Тўра уларга ташаккур билдириб, уй-уйларига, яхши кунларга қадар тарқалишга рухсат беради. Тўра қолган-қутган бисотини уйларига хомуш қайтаётган кишиларга улашади. Достонқул отига ортилган хуржун бўшаб қолади. Тўра ёнида яна ўша содиқ 400 киши қолади.

Абдул Малик Қорабоғдан Тошқўрғонга чиқишга ҳозирланиб турар экан, садоқатли қурчиси Достонқулни ёнига имлаб, от жилловини тепалик тарафга буради.

— Достонқул, хизматингиз бизга кўп бўлди, — дейди тўра маъюс оҳангда, — Аллоҳ хоҳиш қилса, ишларимиз ўнгланар, иншооллоҳ. Биздан қайтмаса, Худодан қайтар, деб умид қилурмен. Энди йўлимиз айро тушадиган шекилли. Сиз оғир жароҳат олгансиз, менинг борар жойимнинг эса тайини йўқ.

Энг мушкул юмушларни Сизга ишонганмен. Ҳаммасини сидқидилдан адо этгансиз. Ёнимда сиздек марду майдонларим кўп бўлганда эди, бугун юзим шувит бўлиб, ватан таркини ўйлаб ўтирмасдим. Начора. Аллоҳнинг хоҳиши шул экан. Энди, айбга қўшмайсиз. Мановини сизга атаганман, олинг. Оз бўлса кўп ўрнида кўрарсиз...

Катта тўра гапини гугатолмади. Бўғзига тиқилиб келган алам қуралай кўзларида ёш халқалантирди.

Достонқул тўра узатган ипак киссани кафтида гижимлаб узоқ ўйлаб қолди. Ўзини тутиб олган Абдул Малик унга қараб, «Энди хайр-хўш қиламиз. Сизнинг қари онангиз бор. Ярани даволатинг. Мен сизга амалу мартаба, ер-сув, мол-ҳол инъом этолмадим. Ер-сув берганимда ҳам ановилар тортиб олиб қўйишарди, тўранинг одами бўлган деб. Шу арзимас ақчага замон тинчигандан сўнг, ер-сув, мол-ҳол оларсиз...» деди. Катта тўра от жиловини ўзини кутиб турган кўч-кўрони томон бурди. Отлиқлар тўпи Тошқўрғон сари илдам юриб кетди. Тўранинг хотин-халажи Қаршида амир Музаффарга тутқин бўлган эди. У билан 200 киши бирга кетади.

Тошқўрғонга етган тўрани амир Музаффар тинчитмайди. Унинг ортидан Усмон эшикоғобоши қўшин тортиб боради. Тошқўрғонда қолиш хавfli бўлгани сабаб, Абдул Малик тўра яна йўл танобини тортади...

Амир Музаффар бу орада Қаршига учинчи ўғли Абдул Мўминни ҳоким қилиб қўяди. Фузорга эса Яқуб қўшбеги ҳоким қилиб юборилади. Қарши ва Фузор бир неча ойлар давомида Абдул Малик тўра тарафдорларини тутиш ва жазолаш майдонига айлантирилади. Яқуб қўшбеги уйда хасталаниб ётган Достонқулни ҳам аяб ўтирмайди. Ясовуллар бориб ҳали яраси битмаган чап қўлини ўнгига танғиб, ортига боғлаб Аркка ҳайдаб олиб келадилар.

Омадни қарангки, ўша кунлар Фузорда Абдулкарим қўшбеги билан аллома Аҳмад Дониш меҳмон бўлиб турган эди. Аниқроғи, Аҳмад Донишни Фузор қозиси қилиб тайинлаш фикри амирдан чиққан, шу баҳонада Абдулкарим девонбеги ҳам ташриф буюрганди. Лекин қозилик масаласи нима сабабдандир бироз кейинроққа қолади. Эҳтимол, Аҳмад Донишнинг ўзи буни хоҳламагандир. Аммо, вақти соати етиб, у зот Фузорда уч йил қозилик лавозимини адо этади.

Яқуб қушбеги — Ғузур ҳокими имдоди билан оёқ-қўлларига кишан урилган ўн-ўн беш чоғли гуноҳкор арк дарвозасидан яланг майдонга олиб келинди. Уларнинг ҳар бирининг исми шарифи, кимлиги, қаерданлиги, Абдул Малик тўра ёнига қачон келганлиги, шунга яраша айби айтилиб, жазога мустаҳиқ этила бошланди. Кимдир дорга буюрилди, кимнингдир молу мулки девоний қилинди, кимдир калтак остида жон берди. Навбат оқ куйлак-иштонли, норғул одамга келди. Унинг маллатоб соқол-мўйлаблари ўсиб кетган, чап қўлидаги ярасидан қон сизиб турарди. «Достонқул элбеги, Ғузур беклигининг Чаноқ қишлоғидан, Катта тўранинг қурчиси — қуролбардори, яъниким, энг ишонган кишиларидан бўлган...» баланд овозда гапира бошлади сарой надими. «Унга дорга осиб ўлдириш жазоси берилган» — янада бақириброқ сўзлади надим. Оломон сув қўйгандан жи-миб қолди.

Яқуб қушбегига нималарнидир маъқуллатиб ўтирган Абдулкарим девонбеги сўнгги сўзлардан сесканиб, ўртада боши қўйи солиниб турган гуноҳкорга қаради. Девонбеги уни таниб қолди. Бу ўша, ўзига Арк дарвозасида уч-тўрт одам ҳужум қилганда орача қилиб, уни то Қаршининг Тутак дарвозасига қадар кузатиб келган йигит эди. Абдулкарим девонбегининг амир Музаффар олдида обрўси катта, айтгани айтган эди. Девонбеги яхшилиқни биладиган, инсофли одамлар сирасига кирарди. У дарҳол қушбегининг тиззасига секин уриб, қулоғига энгашиб деди:

— Яқуббой, иним, шу гуноҳкорни менга бағишланг, ўзим адабини берурман!

Катта тўра устидан қозонилган ғалаба нашидасини сураётган, амирнинг ўғли ўрнига Ғузурдек маъвога ҳокимлик қилиш бахтига ноил бўлганидан боши осмонга етган Яқуббек қушбеги Абдулкарим девонбегининг гапини икки қилолмаслигига ақли етарди. Шу боис, «Девонбеги жаноблари, бош устига», деб юборди. Достонқул томон келаётган ясовуллар бошлиғини чақиртирди-да, унга гуноҳкорни бўшатиш амр қилинди.

Достонқулнинг ўша кунни омади чопди. Тўра одами сифатида қатл қилиниши муқаррар эди. Яхшилиқ энг оғир дамда қайтгани камдан-кам кузатиладиган ҳолат. Абдулкарим девонбеги жойлашган уйга уни бошлаб келдилар. Девонбеги анча қариб қолган эди. Девонбеги ийманиб, бошини қуйи со-

либ ўтирган Достонқулдан ҳол-аҳвол сўради-да, чой-пой ичирди. Бир муддат орадан ўтгач, хизматкор чол бир қучоқ кийим-кечак кўтариб кириб келди. Достонқул уст-бошини алмаштирди. Шу орада Ҳасан овчини ҳам топиб келдилар. Унда ярага малҳам бўладиган дорилар бўларди. Ҳасан овчи яхши табиб ҳам эди. Достонқулнинг яраси қорақўтир бўлиб, битай деб қолганди.

«Иним, сен яхшиларнинг фарзанди экансан, — деди Девонбеги, — энди минбаъд сипоҳилик қилма. Ота-бобонг касбини тутиб, қўй қил, мол асра. Еринг бўлса, деҳқончилик қил. Ҳарқанча талашсанг, ер билан талаш. У сени тўйдиради, кийдиради. Яхшилик қилишдан тортинма, буни қилганларнинг охири обод бўлмай. Қани, бир дуо қилайлик. Илоҳо, омин! Шу инимнинг охири обод, авлодлари сержамоат бўлсин! Алҳамдулиллоҳ!».

Достонқул бу ишлар тушида бўлаётирми, ўнггида юз бераётирми, билолмай карахт эди. Девонбеги илтифоти билан ҳаёти сақлаб қолинди. Отга миндиришиб, Чаноққа элтиб қўйишди. Девонбегининг хос кишилари у миниб борган йўрғани қолдириб, «бу сизга Девонбегининг инъоми», дейишди...

Юртга бостириб келган ёвга қарши курашганлар сафида бўлган Достонқул достони шу ерда ниҳоясига етади. Достонқул қўлдаги яраси битиб соғайиб кетгач, уйланиш, ер-сув харид қилиш фикрига тушади. Абдул Малик тўра ҳада этган ёрмоққа қўй-қўзи, сигирлар сотиб олади. Чаноқнинг қаровсиз ётган еридан 300 танобча ерни сотиб олиб, унга дов-дарахт экади, боғ барпо қилади. Достонқул паҳлавон келбатли, ишлаб чарчамас одам эди. Уни одамлар Абдулла Қодирийнинг Обид кетмонига қиёс қиладилар. Бир сўзли, имон-эътиқодли, садоқатли бу инсон меҳнати билан Ғузор беклигида ҳурмат-иззат топган кишилар сирасидан эди.

Достонқул бобо номини унинг фарзанди Дагар полвон янада улуғлади. Дагар полвон қисмати ҳам икки тузум тўқнашган даврга тўғри келди. Дагар полвон XIX асрнинг охирлари — XX аср бошларида Ғузорда етишган диловар инсон сифатида доврўқ ёйган эди.

ҲУЗОР ПАҲЛАВОНИ



Дагар полвон
Достонқул ўғли

Достонқул Девонбеги паноҳида қишлоғига қайтганидан сўнг Ҳасан овчиникига қатнаб турди. Жароҳат битиб, чап қўли қувватга кира бошлагач, овчи-табиб «Ўғлим, олти-етти ой қўлингни авайлаб юр, худо хоҳласа, кейин олишсанг ҳам панд бермайди», дейди. Овчи бобо тўғри айтган экан, қўл икки-уч ойда аввалги ҳолатига келди. Абдул Малик тўранинг Тошқўрғондан чиқиб, тарки ватан қилганига ҳам саккиз-тўққиз ой бўлиб қолган. Тўра бошидан кўп сарсончиликларни кечирди-да. Хоразмда ҳам туролмай, Афғонми, Ҳиндми томон кетган эмиш. «Тўранинг ёнида бўлишим керакмиди?» — ўзича ўйлаб қолади баъзан Достонқул. Яна ўйлайди, «Тўра мард, дангал йигит эди. Аҳволимни билди, жароҳат билан унга ҳамроҳ бўлишим қийин эди. Онамнинг қаруви етгани ҳам у зотнинг назаридан қолмади...»

Достонқулнинг отаси Дархон полвон у ҳали вояга етмасидан вафот этган эди. Тоғалари элда таниқли чавандозлардан бўлиб, жиянларидан хабар олиб туришган. Бир куни катта тоғаси келиб, онаси билан маслаҳатни пиширди. Кўп ўтмай Достонқул ўз хешларининг сулув қизига уйланди. Тўй яхши ўтди. Катта тоға йўриғи билан аввал ўн танобча ер сотиб олиб, эрмак қилган бўлди. Ўша йили тўйлар кўпайди. Амирнинг руслар билан олиб борган жанггу жадаллари сабаб, қишлоқларда тўй-ҳашамлар тўхтаб қолган эди. Достонқулга Абдулкарим девонбеги туҳфа қилган тўриқ улоқчи чиқиб қолди. Юрагида ўти бор, кўпкари, олиш деса чироғи ёнадиган Достонқулни қишлоқнинг гапга етарманлари бирга олиб кетишарди. Қиш бўйи тўй-тўйлаб, қўноқлар еб тўйчилар Чаноққа бир сурув сарка, қўчқорлар ҳайдаб келишарди. Сурувда Достонқулнинг улуши ҳамманикидан кўпроқ бўларди. Йиллар кетидан йиллар ўтиб борарди. Абдул Малик тўра кетган йилнинг издиҳомлари ортда қолган, Достонқул шу ўранинг таниқли чавандози ва полвони сифатида доврўқ ёя бошлаган эди. Уйланганидан бир йилдан зиёд вақт ўтиб, у ўғилли бўлди. Қишлоқнинг сўфиси чақалоқнинг қулоғига азон айтиб, исми шарии

фини кўйиб бериб кетди. «Отасидай ботир, қўрқмас. сурувнинг олдида борадиган дагар қўчқордай белгили полвон бўлсин, Илоҳо. Омин, оти қут-баракали Дагарга мансуб бўлсин», деди сўфи Достонқулга жилмайиб.

Қиссамизнинг шу ерида Чаноқ қишлоғида яшаб келаётган хотираларга ўрин берамиз. 1868 йилдан буён чаноқликлар ёддан кўтарилмаган эсдаликлар Достонқул ва унинг ўғли Дагар полвон ҳақида илиқ таассуротлар уйғотади.

«Достон бобо Дархон ўғли бадавлат киши бўлган. Сурув-сурув кўйлари, қорамол ва йилқилари, боғ-роғлари, узумзорлари, қанчадан-қанча мевали дарахтлари, марварид тутлари бўлган. Айтишларича, Достонқул бобо ерларига гўнг, пори беришдан эринмаган. Натижада, унинг пайкалларида ноз-неъматлар бисёр бўлган. Полвон бованинг иш қуроллари ҳам соз бўлган. Омоч, кўша-кўша ҳўкизлар ерни вақтида шудгор қилиш имконини берган. Ёз бўлди дегунча, Достонқул полвоннинг мол-қоллари тоққа олиб чиқилган. Чўпон-чўлиқлар, подачилар узун саратонни Деҳқонобод, Кўкбулоқ тоғлари қияларида ўтлатганлар.

Достонқул бобонинг уруғи қўнғиротларга мансуб бўлган. Бу қавм вакиллари бўйдор, паҳлавон келбатли, мард, танги кишилар сифатида шуҳрат тутганлар. Яна дейдиларки, бу қавм қийинчиликларга бардошли, ўктам, қадди-басти келишган, ҳар қандай изғиринларда ҳам юз очадиган гулларга монанд бўларкан. Достонқул бобо ҳар қанча ўзига тўқ бўлса-да, кошона-қасрлар қурмаган. У ҳам қишлоқнинг одамлари каби, чўпкори уйда яшаган. Оддийгина, ҳаловатли, ризқу рўзли хонадонда бирин-кетин фарзандлар туғилиб, вояга етганлар. Достонқул бобонинг аёли ҳам ўн-ўн бешта сигирни соғиб чарчамайдиган меҳнаткаш, ито-аткор хотин бўлган.

Тўнғич фарзанд Дагарнинг кейинчалик кураги ерга тегмайдиган полвон бўлиб етишувида оилавий муҳитнинг таъсири жуда катта бўлган. Достонқул бобо ували-жували киши эди. Дагар 16 ёшидан бошлаб, тўйчиларга эргашиб бу ёғи Самар-қанд, нарёғи Туркманистонга қадар бориб, аввал катта полвонларларнинг кураш тушишига маҳлиё термулган. Аста-секин отасининг тарбиясида, кураш ҳадисини ўргана бориб, тенгқурларига талаб солиб чиқа бошлаган.

Қишлоқ этагидаги тепалик болаларнинг ўйингоҳи, чиниқиш жойи эди. Дагар болаликдан бўлимли, абжир бола эди. Ўн олти-

ўн етти ёшларида ҳар бармоғи ўқловдай келарди. Бўйи басти нақд икки метрга яқинлаб борарди. Унга унча-мунча йигит юрак ютиб, «кел, олишайлик», дейишга ботина олмасди. Дагарнинг от билан қиладиган машқларини томоша қилишга баъзан бутун қишлоқ аҳли чиқарди. Унинг узун бўйли бўлишига қарамай, отнинг тагидан у ёқдан бу ёққа ўтиши жуда ҳайратомуз эди. Югуриб бораётган от устида бундай машқни амалга ошириш ниҳоятда хавфли эди. Қишлоқ амини бир куни отаси Достонқулга. «Полвон, болангга айтсанг-чи, кўзига қараб иш қилсинда. Бўйи болордай бўлса, калласига отнинг туёғи тегиб кетса нима бўлади», дейди. Достонқулнинг юраги катта бўлишига қарамай, ўша куни ўғлига бундай «қилиқ»ни қайтиб қилмасликни тайинлайди. Дагар, «бу осон-ку», дейди-да, қайтиб от остидан айланиб ўтиш ҳунарини такрорламайди. Бир-икки бола шу машқни қиламан деб, отдан оғиб, оёқ-қўли чиқиб, майиб ҳам бўлиб олган эди. Аминнинг танбеҳи ўз вақтида бўлган эди.

Дагарни кураш илмидан хабардор қилган одам аслида Уста Намоз бўлади. Уста Намоз вақтида Бухорои шарифда ишлаганми ё таҳсил олганми, билмадик, аммо қўли гул уста эди. Қишлоқдаги чўпқори уйларни у қурган эди. Ёғочларга безак бериш санъатига ақл бовар қилмасди. Шундай чиройли ғалтаклар ясардики, неча ботмон тупроқ ортсанг ҳам оғирлиги билинмасди. Дагар ҳам тенгқурлари қатори уста ишлаётган жойдан нари кетмасди. Унга қарашиб юборар, уста ҳам эринмай йигитга ҳунари сирларини ўргатарди. Унинг кўп шогирдлари бўларди. Уста Намоз кўнгли оқ, бағрикенг уста эди. Аксар усталар инжиқ — билганини бировдан сир тутадиган бўлади. Уста Намоз бўлса қўли очиқ, сахий киши бўлган. Қишлоқда бирор ночор рўзғор бўлса, дарров ҳашар уюштирар, уч-тўртта одамни тоққа, арча кесиб келишга жўнатар, қарабсизки, бир-икки ойда уй битиб, бечора киши унга кўчиб кирарди. Чаноқ қишлоғида оқибатли кишилар кўп бўлиб, уларнинг бошқаларга таъсири бўларди. Уста Фулом, Уста Этан, Уста Шерали, уста Рустамларнинг номлари ҳали ҳануз қишлоқдошлар ёдидан кўтарилган эмас. Дагар отаси билан қишлоқдошларига кўшилиб тўй-тўйлаб юрганида Эшпўлат ва Омон чавандозларнинг маҳоратларига қойил қоларди. Отасининг жийронини арпага қамаб боқар, сўнг уни эринмай совутар эди. От тобга келгандан кейин қишда кўпқари тўйлари мавсуми бошланиши олдидан Эшпўлат ва Омон чавандозлар

отда кўп машқ қилишарди. Достонқул бобонинг ҳурмати туфайли ва Дагарнинг мулойим табиатлик эканини ёқтириб қолиб улар йигитни ёнларига олишди. Аслида бу чавандозлар унча-бунча, мана-ман деганлар билан қўшилиб, олис-олисларга тўй-тўйлаб кетишмасди.

Ўша пайтларда барча қишлоқларда қўноқ¹ ли тўйлар бўлган. Тўй қилувчи имкониятига қараб, яна чавандозу номдор полвонларига эътибор қилиб, Бухородан Ҳисорга қадар бўлган оралиқдаги халқни базмга чорлаган. Тўйнинг хабари етгандан кейин, тўйчилар бир тўда отлиқ бўлиб, бостирмаларини улоқчи бўлмаган отларга ортиб, йўлга тушганлар. Тўйхонага етиб, «қуллуқ бўлсин» маросимини адо қилганларидан сўнг, уларга «қўноқ жой» тайин қилинган. Тўйчиларнинг кўп-озлигига, обрў-ҳурматига қараб меҳмонларга жой тайин этилган. Қўноқликка жонлиқ ва ҳатто отларига ем ҳам берилган. Қўноқларнинг гурунги ҳаддан ташқари қизиган. Мавзу ҳамиша полвон, чавандоз, от бўлган. Бир вақтлар ўзи ҳам улоқ чопган, эндиликда отнинг парвариши билан машғул бўлган кекса алплар бири қўйиб, бири амирнинг фалон полвонини «кўтариб урган» фалон жойлик фалон» ҳақида нечанчи маротаба эринмай, яна қўшиб-чатиб, бежаб ҳикоя қилиб, ҳаммани оғизга қаратганлар. «Эй баччағар, — дерди бири ёнбошлаб олиб, — фалон йилнинг чилласида шундай қор ёғдики, отнинг ўмганидан келади. Тўйга айтилганмиз, борамиз-да. Қават-қават чопон, унинг устидан Ўра Тепанинг босмасидан кийганмиз, совуқ изиллаб баданни тешиб боради. Қош қорайганда қишлоққа етиб келибмиз. Ўртароқда уч-тўрт олов кўринди. “Ҳайданглар отни шу ёққа”, деди Каримқул оқсоқол. У ёмонам фаросатли одам эди-да. Нақ тўйхонадан чиқсак бўладими? Шу оқшом Шарбатбой деганнинг уйида бўлдик. Шарбатбой деганларича бор экан, дастурхонни қора майиз, катта майиз, сариқ майиз, кўк майизларга тўлдириб ташлади. Тўй эгасининг бергани урвоқ ҳам бўлармиди? Ўзи оғилдаги ҳўкиздай келадиган қўчқорлардан бирини ағнатиб сўйди. Қани энди гўштни ейдиган одам. Эндиги чавандозлару полвонларнинг бари чимхўр бўлиб кетган, қорни кичкина. Бизлар ердик ҳам, олишардик ҳам,

¹ «Қўноқ» дегани меҳмон, олисдан келиб уйга қўнган каби маъноларни англатган. «Қўноқли тўй» деганда кураши, кўпкариси бор тўйлар тушунилган.

улоғам чопардик...» Оқсоқол бу гурунгни атайлаб даврада ўтирган қўноқхонанинг эгасига эшиттириб сўзларди. «Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» қабилладаги бу ҳикоя уй соҳибига ижобий таъсир қилмай қолармиди?! У ҳам елиб-югуриб, қўноққа берилганларга ўзидан қўшиб, кўнгил овлаш пайдан бўларди. Дагар болаликдан шундай муҳитда тарбия топган эди. У ёшлигидан таниқли полвонлар, чавандозлар даврасида «назарий таълим»ни интиҳосига етказганди. Ҳалоллик, эпчиллик, кучлилик, илм олиш каби фазилатларни ана шундай суҳбатларда ўзлаштирган эди. Курашдан ёки улоқдан сўнг оти катта зот айирган кишининг уйида «така пиширди» бўларди. Оғирлиги 50-60 кило келадиган, от туёқлари остида роса эзилиб пишган ташланди така баҳонасида ўтган тўй таҳлил этиларди. Олд паҳлавон, абжир чавандозлар баҳоланарди. Ютуқлар, камчиликлар далиллар билан исботланарди. Энг муҳими, ҳалоллик асосий мезон қилиб олинарди. «Ҳисорлик кал полвон, ҳой, оти нимаиди Дагарқул, — сўрарди ёнида чой қўйиб турган ўспиринга мурожаат қилиб, — кекса чавандоз, фириб ишлатаркан-да, бўлмасам, анови бухоролик уни илиб отарди...» Кейин ана шу «фириб» нимаиди, оромида тушунтирарди.

ДАРЁБОДДАГИ ДОК¹ ЎЙИНИ

Фузор тўраси Сайид Акрамхон 25 ёшга кирган бўлиб, от чоптиришга, пойгага, курашга ишқибоз эди. У от ўйинларини тез-тез уюштириб турарди. Тўра қўшни қишлоқлардан тенгқурларини чорлатиб, ҳафтанинг аниқ бир куни расмана мусобақа ташкил қиларди. От устидаги машқларда тўранинг олдида тушадигани топилмасди. У катта тезликда чопиб бораётган от устидан узоққа қамчинини улоқтирар ва яна елиб келиб уни илиб олиб кетарди. Қанча талабгорлар бу машқни бажаролмай хуноб бўлиб, уйларига қайтардилар.

¹ Док ўйини ҳақида бирор қўлга илашадиган маълумот учрамайди. Айтишларича, док ўйини ҳозирги кататэнинг бир тури бўлган. Ўйин икки тарафга бўлинган кишиларнинг ким ҳаммадан кучли эканлигини аниқлашга қаратилган.

Дагарқул ҳам бу ҳафтадан кейингисигача отасининг қистови билан айнан шу машқни қишлоқ яланглигида бажарар, отилган қамчинни ердан ололмай, қизариб-бўзариб, аламини ичида ютиб қайтарди. Уч-тўрт ойлик муттасил ҳаракат ниҳоят натижа беради. Дагар охир-оқибатда, қамчинни эмас, ҳатто тангани ҳам от устидан илиб кетиш ҳадисини олади. Тўранинг навбатдаги мусобақасида қамчин отиш машқини аъло даражада бажарганлиги учун унга ўнта ҳисори қўй ҳадя этилади. Тўра уни жуда яқин олиб, арқда меҳмон қилади. Шу воқеадан кейин Дагарнинг тенгқурлари орасида обрўси жуда ошиб кетади.

Дарёбод — Ғузур аркининг дарвозаларидан бири бўлиб, унинг ортида катта яланглик майдон бўларди. Тўра мусобақаларни доимо шу дарвоза ёнида ташкил этарди. Бир гал шу жойда док ўйини ўтказилди. Бу ўйинда ота-бола Достонқул ва Дагарқуллар ҳам иштирок этадилар. Достонқул бобо деяртаганимиз ўша пайтларда 42-43 ёшларда бўлган. Қадди-басти ҳамон бўз йигитларникидай бўлган Достонқул док ўйинининг пири эди. Шу босидан унинг ўнг оёғига қизил белбоғ боғлаб қўйишади. Бу ўйин пайтида ўнг оёқни ишламаслик шарти эди. Ота-бола док ўйинида енгиб ҳамма мухотифларни тўранинг кўз ўнгида даврадан чиқариб юборадилар.

Саид Акрамхон тўранинг саъй-ҳаракати билан Ғузурда чавгон ўйини ҳам расм бўла бошлайди. Узун қўй жунидан ниҳоятда пишиқлаб юмалоқланган митти коптокчалар муайян белгиланган икки тарафдаги чуқурчаларга туширилиши керак эди. От устидан учи эгри сургичларни ушлаган чавандозлар рақиб томонга коптокни суриб борар, бири қўйиб, бири сургичларни ҳавола қиларди. Дагарқул от устида тангани илиб олиш ҳадисини олган эмасми, бу ўйинда ҳам ғолибликни ҳеч кимга бермасди. Ўйин тарқагач, тўра Дагарни ёнида олиб қоларди. Дам олишиб, кечга тортиб яна қир тарафга чиқишар, яна машқлар бажарардилар. Дагар кўпинча тўрага қарашар, ундан ўзиб кетмасликка интиларди. Бу шундай уқув билан адо этилардики, тўра моҳиятни пайқаб етмасди. Шунинг учун ҳам, унинг иззат-нафсига тегишни сира истамасди. Дагар, ўзи билиб-билмай, тўранинг хос полвонига айланиб борарди. Бу эса жуда катта масъулият талаб қиларди.

МУНАВВАР ОЙИМ

Ўғлининг Ғузур тўраси Сайид Ақромхон назарига тушиб, суворийлар маҳоратини эгаллай бошлаганида Достонқул тўйга тараддуд кўраётган эди. Достонқул бу пайтда қишлоқнинг олд бойларидан ҳисобланарди. Ер-суви кўпайган, мол-ҳоли бир неча сурувга ортган ва боғ-роғлардан келадиган даромад ҳам чакки эмасди. Лалмикор ерларга экиладиган буғдой-арпадан оморлар тўла бўларди.

Достонқулнинг бир одати бор эди. Ўрим-йигимдан кейин хирмон совуришга қишлоқдошларни чорларди. Буғдой-арпа чош қилиб ўйилгандан сўнг, ҳашарга келган қариндошми-бегонами қатъи назар эшаги кўтарганча дон-дун берар эди. Бир хирмон шу йўлда сарфланар экан, одамлар бундай жўмардлик ҳамманининг ҳам кўлидан келавермаслиги ҳақида гапиришарди.

Достонқул бир куни, пайшанба оқшоми қишлоқнинг улуғларини уйига чорлайди. Думбасини кўтара олмайдиган кўчқор сўйиб, маслаҳат оши қилади. У Дагарқулнинг бошини иккита қилиш ниятини айтади. Қариндош-уруғлари бамаслаҳат «полвон полвонга қуда бўлади-да, мана Шерали полвонда Барчинойдай қиз бор, сизда Алпомишдай ўғил бор, тўйни қиламиз-қўямиз-да», дейишади.

Шерали полвоннинг Мунаввар исмли ойдай сулув, қадди сарвдай дуркун қизининг бўйи етиб қолган эди. Достонқулнинг кўнглида ҳам шу фикр кўпдан ўралашиб юрарди. “Ўғлим нима дер экан? Энасига айтамиз, юрагини билиб беради”, деб хулоса қиларди ота. Дагарқул мўминваш, ота-она измидан чиқмайдиган йигит эди. Онаси унга Шерали полвон хонадони ҳақида гап очиб, қизини тилга олаётганидан билдики, тўй яқин. У Мунавварни уларникига меҳмонга борганда илк бор учратганди. Хушбичим, оқ юзли, қора сочли бу қиз унга маъноли қараб қўйганини ҳам сезмай қолмаган. Негадир кейинги пайтларда у-буни баҳона қилиб Шерали полвонникига боргиси келаверарди. Онасининг гапи кўнглидагини топиш бўлган эди-да. Дагарқулнинг кулимсираши оқила онаси учун кифоя эди...

Тўй кузак бошларида бўлиб ўтади. Чаноқ қишлоғига тева-рак-атрофнинг кўзга кўринган, ҳурмат-эҳтиромли одамлари етиб келади. Бир-бирини танийдиган полвонлар, чавандозлар

тўйда учрашиб, ҳол-аҳвол сўрашади, яйраб гурунг қилишади. Достонқул чиройли томошалар уюштиради. Бир қирда улоқ чопилади, боғ олдидаги катта майдонда кураш қизийди. Зотга қўйилган туя, от ҳўкиз ва кўчқорлар сонини неча юз ҳисоб қиладилар.

Достонқул билан Шерали уста болаликдан дўст бўлганлар. Иккаласи ҳам Абдул Малик тўра хизматида эътиборли кишилар ҳисобланган. Иссиқ -совуқ, яхши-ёмонни бирга бошдан кечирганлар. Тўй дўстлик ришталарини мустаҳкамлаши, асрларга олиб ўтиши керак эди. Улар янглишмаганди. Мунаввар ойим билан Дагарқул жуда муносиб рўзғор соҳиби бўлган эдилар. Дагар полвонни Аллоҳ таоло фарзандлардан ёрлақолган эди. Олти ўғил ва тўрт қизни оқ ювиб, оқ тараш бахти уларга насиб қилган эди.

Мунаввар ойим ёши улғайган сари қишлоқнинг энг оқила, кайвони аёлларидан бири сифатида обрў-эътибор топади. Ойимнинг маслаҳати ва иштирокисиз бирон тўй ўтмайди. Табиатан оқ кўнгил, мулоҳазали Мунаввар ойимни кўрган-билганлар кўнғиротнинг улуғ эналарига қиёс қилганлар. Бундай оналардан Ал-помишлар туғилган.

Дагар полвон биринчи фарзандига Абдул Малик деб исм беради. Бунда катта маъно бор эди. Отаси Достонқул билан Абдул Малик тўра жуда яқин дўст бўлган, буни у отасининг армонли ҳикояларидан яхши биларди. «Агар кўлим жароҳатланмаганда борми, ҳозир Абдул Малик тўрам билан Афғондами, Пешавордами юрган бўлардим», дерди отаси. Тўнғич фарзандига тўранинг исми дўстлик ҳурматига қўйилган эди... Мамадамин, Мамарайим, Маманазар, Абдусаттор, Абдурайим каби ўғиллар, Рўёбой, Мақсадой, Хулкар ва Дилдора каби қизлар Дагар полвон оиласига файз ва кўрк берган дилбандлар эди.

ДОВРУҚ

Дагарнинг от устидаги машқларни зимдан кузатиб юрадиган Достонқул унинг жисмидаги куч томирлаётганлигини ҳам ҳис қилиб турарди. Баҳор кезларида мол ҳайдаб чиққан болалар даладашда кураш тушиб чарчамасдилар. Дагар ўн ёшидан бошлаб машқларга жуда берилган эди. Достонқул унга эринмай кураш илмидан сабоқ берарди. Қоқмани қандай бажариш керак, елка-

дан ошириб уриш амали қандай бўлади, бирин-кетин ўргатар, ўғли билан расмана олишиб, машқларни эринмасдан такрорлаб кўрсатарди.

— Кучинг бир сари — илминг ўн сари, — дерди ота машқ пайтларида, — кучинг бўлса-ю, илминг бўлмаса, сен полвон эмассан. Даврага тушдингми, ақлингни ишлат, аввало, қара, майдон қандай: текисми, қиями, шунга қараб оёқ бос. Бировнинг ёқасидан олишдан олдин, уни яхшилаб кузат, сер сол: ҳаяжони борми, ҳадиксираяптими-йўқми, шуни бил. Қўрқмай, писанд қилмай кураш тушмоқчи бўлгандан қўрқма, у ўзига ҳаддан ортиқ ишонган бўлади. Бундай полвон эҳтиёт шартни унутади. Уни йиқитиш, хом жойини топиш осон кечади. Эҳтиёткор, шошмас рақибдан ҳушёр бўлиш керак. У пихини ёрган полвон бўлади. Унинг кучи сеникича бўлмаса ҳам, пайт пойлайди, бўш жойингни топиб, танг қолдиради. «Қаловини топган қорни ёндираш», деб бекорга айтмайдилар. Илм билан қорни ҳам ёндириш мумкин экан, нега икки куч муқобил келганда уни ишлатмаслик керак. Мана, филни ол. Унинг кучи одамникидан минг ҳисса кўп. Лекин ким зўр? Одам албатта. Бу баҳайбат ҳайвонни одам ўз измига сола олади. Кураш ҳам ақлга қарайди. Полвон ақлли ҳам дейлик. Лекин унда ғурур бўлмаса, оқибати яхши бўлмайди. Дагарқул ўғлим, шу уч нарсани эсингдан чиқарма: куч, ақл, ғурур. Полвонни полвон қиладиган, донггини чиқарадиган шулар. Бу уч жиҳатга эътибор қилмайдиганлар аста-секин кураш қоидаларини унутади, фирромлик қилади, мардликка зид ҳунарларни ишлатади. Курашнинг асосида ҳалоллик ётади, ўғлим». Ота-бола ана шундай суҳбатлар билан машқларни давом эттирардилар.

Бир куни сайилда тўра катта кураш берадиган бўлди. Бухорою Ҳисордан атоқли полвонлар чорлаб келинди. Дарёобод шу куни одам кўргандай бўлди. Бир томонда савдо-сотик қизигандан қизиган, бир томонда карнай-сурнай, дарвозлар томошаси, ҳофизлар ялласи. Қирларга узундан-узун дастурхонлар ёзилган, қур тўкиб ўтирган кишиларга шўрва, ош тортилмоқда. Одамлар тамадди қилиб, гурос-гурос бўлиб кураш майдонига шошиладилар. Ер тошлироқ бўлгани учун неча ўнлаб кигизлар тушалган. Тўранинг парвоначиси узуклари ялтираб турган қўлини баланд кўтариб, қичқира бошлади:

— Халойиқ, тўрамизнинг давлатидан бугун катта кураш бўлади, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар тайёргарлигини кўравер! Кураш қоидаси шундай: ҳалол олишасан, ҳалол зотингни оласан! Талаб солган полвондан қайтиш йўқ! Чиқмаган йиқилган деб саналади ва зоти талабгорга берилади! Курашга марҳаматли тўрамизнинг ўзлари ташриф буюрганлар. Оқсоқоллар, ҳар қавмнинг жойи аниқ белгиланган. Энди, курашни бошлаймиз. Бисмиллоҳир Раҳманир раҳим!

Сайид Акромхон ўтирган жойдан сал берироқда ёзилган гулдор гилам устига учта шойи дастурхон келтириб қўйилди. Бу катта ва нафис дастурхонга ўралган биринчи товоқ усти очиб қўйилди. Унда анвойи ноз-неъматлар жамулжам эди. Иккинчи товоқ нисбатан кичикроқ шоҳи дастурхонга ўралган, унинг ҳам усти очилди, учинчи товоқни ҳам халойиққа намоиш этилиб, жойига қўйдилар.

Парвоначининг яна овози баланд янгради:

— Ҳой, узоқ-яқиндан келган қариндошлар, полвон биродарлар, товоқлар сизларга мунтазир! Шеркелбат, доврўқли полвон биринчи товоққа чиқади! Қани, ким?! Бормисан, қўнғирот! Манғит полвони доғда қолма! Қани, жуз баҳодирини? Тўқсон икки ўзбек полвонлари, даврага, чиқ!

Ғузорлик повонлар кун чиқиш тарафда қур тўкиб ўтирардилар. Кўпни кўрган Суюн оқсоқол, Аҳмад жебачи, Қулназар мирохўр Достонқул билан ёнма-ён, «қани, кўрайликчи», деган қабилда томоқ қириб турардилар. Ёшлиқда от чопиб, кураш тушмаганларми, елкалари учиб, «чиқ!» деса, даврага чиқиб кетгудай шаштда эди улар. Суюн оқсоқол кечадан бери қаердан қандай полвон келди сер солиб, пайхас қилиб юрганди.

— Достонқул, — деди у ёнида ўтирган полвонга, — Дагарни чиқар, кесадиган пичоқнинг қиндан чиқиш вақти келди!

Достонқулнинг юраги ҳаприқар, ўғлига ишончи комил бўлсада, оталиги тутиб, иккиланиб турарди. Достонқулни Абдул Малик тўра ёнида кўп кўрган, мардлигига қойил бўлган Қулназар мирохўр ҳам чидаб туrolмай, «Полвон, аввало Аллоҳ, сўнг йигит пирлари қўлласин! Дагар полвонни чиқаринг, биринчи товоқ Чаноқники бўлиши керак», — деб ортга ўгирилди. Дагар чолнинг орқасида ўтирарди. Икки елкасига икки одам ўтиргудай Дагар полвон йигирма икки ёшга тўлган, девқомат, алп йигит бўлганди. Вужудида билинар-билинемас титроқ бор, қандайдир

куч уни ўрнидан туришга, биринчи товоқни ҳаялламай олиб келишга даъват этаётган эди. Мирохўрнинг гапи далда бўлди, чоғи, Достонқул ўғлига имо қилди. Аҳмад жебачи дуога қўл очди: «Ўғлим, Худо ёр бўлсин! Олгин, олдирмагин, омин!».

Дагар полвон ўрнидан туриб, даврага қадам босиши билан ҳамма дувва ўрнидан туриб кетди. «Ким, ким экан биринчи товоққа талабгор?»-деган овозлар баралла эшитилди.

Иккинчи, учинчи товоқ талабгорлари ҳам маълум бўлди. Парвоначи даврага энг кекса полвонларни чорлаб, курашни бошлаб беришни сўради. Қотмадан келган, ёши саксондан ўтган, бош яланг Ўроз полвон даврани айланди. Ҳар айла нишда қўлларини кўтариб, гуё талаб солган бўлди. Бироздан сўнг қариган бўлса-да, салобатини йўқотмаган Норим полвон кураш майдонига чиқиб келди. Бу икки полвон бир-бирини яхши биларди. Ўроз полвон Дўстберди тарафдан, қушчилардан эди. Норим полвон кенагасларнинг елкаси ерга тегмаган алпларидан бўларди. Кекса полвонлар кураш маҳоратини, унинг таъсирчан илму амалини ёшларга намойиш эта бошладилар.

Полвон боболарнинг суяги енгил, бир-бирига қўл ўйнатиб яқин кела бошладилар. Уларнинг ёқа тутишларига ҳавас қилмай бўлмасди. Улар бир муддат «кўприк» бўлишди, суяшди. Илму амалларини ҳам синовдан ўтказдилар. Ўроз полвоннинг ёшлардай ғайрати жўш урарди. Парвоначи қизиб бораётган курашни тўхтатишга жазм қилди.

— Халойиқ, иккала полвон ҳам ғолиб! — деб бақирди у.

Кекса полвонлар бир-бири билан қучоқлашиб кўришиб, ажралдилар. Одамларнинг кўзидан ёш чиқиб кетди... Эл гуриллаб тўрани дуо қилди.

Бир муддат теварак-атрофнинг ёш-яланг полвонлари даврани қизитди. Ниҳоят, навбат учунчи товоқ соҳибига келди. Ундан кўп ўтмай иккинчи товоқни олган полвон давра айланди. Ҳисорлик полвонни кўрган томошабинлар унга ҳам талабгор бормикан, деб тургандилар. Ҳар давра айланганида ер ларзага келар, оғирлиги ҳам камида йигирма ботмон келарди. Ҳисорлик полвон даврани тўрт-беш марта айланди ҳамки, даъвогар чиқмади. Парвоначининг тоқати тоқ бўлиб, «Халойиқ, полвоннинг қирилиб битдими? Туя билан тиллолар Ҳисорга кетаверадими? Ҳамиятинг бўлса, чиқ-да?!» — дея бақира бошлади. Унинг

гапи иккиланиб турганларга куч бағишлади, шекилли, давранинг қуйи тарафида бир йигитнинг ечинаётганлиги кўринди. Ҳамма унга томон қараб, кимлигини билишга ошиқди. Ҳисорлик полвон ортидан жуссаси унга нисбатан жуда кичик, аммо, шеркўкрак бир йигит давра айланишга тушди.

— Касбилик полвон Қорахон, — эълон қилди парвоначи, — ҳисорлик Бобош полвонга талаб солди! Аллоҳ иккала полвоннинг ҳам омадини берсин! Омин! Давра гувиллаб «омин» деди.

Бобош полвон амирликнинг олд курашчиларидан бири эди. Бухорода ҳар йили Наврўзда ўтадиган сайилларда у пешқадам бўлар, амирнинг ёрлиқларига неча бор мушарраф бўларди. У даврани айланиб, Қорахонга рўбарў бўлгунича, унинг оёқ олишига зимдан разм ташлади. «Чакки эмас, пишиқ олишадиган кўринади...», — ўйлади ичида у. Қорахон таваккулни Худога қилган эди. Ундан ёши ҳам кичик, жуссаси ҳам. Уни ғайрат ва шижоат, ор-номус майдонга олиб чиққан эди. Полвонлар бири-бирига таъзим бажо айлаб, қўл олиб кўришдилар. Парвоначи имоси билан бир-бирининг билакларидан тутдилар. Бобош полвон шошилмасди. Қорахоннинг яқинлаб келишини кутарди. Қорахон унга тутқич берадиганлардан эмасди. Чаққон, вазни енгил Қорахон ҳисорлик полвонни анча толиқтириб қўйгандек эди. Бобош полвон оғир-боссиқ олишарди. Унинг бундай номутаносиб полвон билан кураш тушмаганлиги аён бўлиб турарди. Одамлар бири қўйиб бири «Қорахон чил сол, бос» деб қичқирар эди. Қорахоннинг илму амали ярим соат туриб беришга кифоя қилди. Бу орада Бобош тадбирни пишиқтирди. Қорахонни яқин келтириб, қучоқлаб олди-да, ерга улоқтирди. «Ҳалол!» - қичқирди парвоначи.

Шу орада яна майда полвонлар даврага тушиб, шиддатли курашни намойиш эта бошладилар. Орадан бир қанча фурсат кечиб, ҳамма интизорлик билан кутган биринчи товоқ полвони майдонга тушди.

Елкасига елвагай тўн ташлаб олган Дагар полвон ўз тўпининг оқсоқолларидан дуо олди-да, юзига фотиҳа тортиб, даврага тушди. У Сайид Акромхон ўтирган томонга эгилиб, таъзим бажо қилди. Аҳли томошабинга эгилиб салом берди-да, даврани айлана бошлади. Унинг одоби, ўзини туттиши ҳаммага мақбул бўлган эди. Одамлар, айниқса, ёш-яланг уни олқишлаб, кўнгилни кўтарадиган сўзлар айтиб қичқаришарди. Дагар пол

вон кўп тўйларда кураш тушган, даврани айланиб рақибини кутган. Аммо, бугунгиси бошқача эди. Тумонат одам, булар бариси қаердан йиғилиб келдийкан? Томошабиннинг олди-орти кўринмайди. Дагарқул даврани бир-икки айланиб, парвоначи турган тарафга қаради, ҳеч ким кўринмайди. Тантанали кураш баковуллари безовта бўлаётгандек эди.

— Фузорлик полвон Дагар Достонқул ўғлига талабгор борми? Биринчи товоқдан умид қилган ким? Эй, полвон, бормисан, қаердан келган бўлсанг ҳам, ким бўлсанг ҳам тортинма, майдон мардники! — дея парвоначи овозини баланд қўйиб қичқира бошлади.

Давра гувилларди. Сал бундайроқ ҳаракат бўлса, оломон ўша ёққа ёпирилиб қарарди — қайси полвон чиқишини ҳамма сабрсизлик билан кутарди.

Бирдан ҳамма беихтиёр қийқариб юборди. Даврага ҳисорлик полвон Бобош элга таъзим адо этиб кириб келарди. Одамларни ҳайрат ва орият чўлғаб олганди.

— Бу ёғи қандай бўлади, — деди парвоначи ёнидаги ёрдамчи баковулга ўгирилиб, — Дагар полвоннинг изидан ким бор, Худо кўрсатмасин, агар бир кори ҳол бўлса, ориятига ким чиқади?

— Ўғли йиқилса, ана отаси, Достонқул қариб қолгани йўқ-ку, деди унга ёрдамчи баковул пинагини ҳам бузмай

Полвонлар давра айланиб, парвоначи олдида тўхтадилар. Каримқул парвоначининг маросимлар ўтказавериб кўзи пишиб кетган эди. У, Дагар полвонни овозини баланд қўйиб таништира бошлади:

— Халойиқ, эшитмадим дема, ўнг томонимда турган полвон Фузорнинг Чаноғидан бўлади. Отаси Достонқул полвонни яхши биласизлар. Дагар полвон отнинг устидан тангани оладиган абжир чавандоз ҳам. Чап томонимда турган полвонни танидингизлар, Ҳисор бегининг атоқли полвони Бобош бўлади. Кураги ер искамайдиган полвонлар наслидан...

Одамлар гувиллаб овоз бердилар. Курашга ижозат берилди.

Иккала полвон устларидаги елвагай тўнларини ташлаб, кураш яктаклари билан даврани оҳиста айландилар-да, бир-бирига яқинлаб келдилар. Бобош шу даврада касбилик Қорахон полвонни мағлуб этган, унда ҳаяжон деган гапдан асар ҳам йўқ эди. Дагар эса, ҳаяжонланмаслик учун отаси ўтирган томонга

қарамасликка ҳаракат қиларди. Мана, ниҳоят, улар ўзаро таъзим қилишиб, қўл олишдилар. Бобош қўлларини пирпирак қилиб, ўйнатиб кела бошлади. Дагар ўзини босиб олган, сал энгашиброқ унинг чап қўлидан маҳкам ушлади. Бобош худди Қорахонга ишлатган усулини қўлламоқчи бўлиб, уни кўкраги сари тортган эди, уддасидан чиқолмади. Шу аснода у қўйиб олишни сўради. Дагар орқага тисарилиб, унинг қўлини қўйиб юборди. Бир муддат давра айланган Бобош яна талаб солиб кела бошлади. У ташаббусни қўлида сақламоқчи, ёш полвон юрагига ғулгула солмоқчи эди. Дагар ҳам «синов даври»ни ўтаб, ўз кучига ишонч ҳосил қилгач, дадил ҳаракатга киришди. «Қандай усул қўллаш керак? Бобош полвон вазни оғир, унга қоқма кор қилмайди. Елкадан ошириб ташлаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Нима қилиш керак? Сусткашлик қилсам, уни умуман йиқита олмайман. Фақат тезлик менга ёрдам бериши мумкин. Бошқа усул ҳам, йўл ҳам йўқ» — Дагар шундай қарорга келган эди.

Бу сафар қўйиб олишни Дагар полвон сўради. Давра айлана туриб, тўра ўтирган томонга қия назар солди. Тўра ўрнидан туриб кетган, қаттиқ безовта эди. Дагар ўзида бошқача бир куч сеза бошлади. Унинг вужудида қон гупириб айлана бошлади. Орқасида шунча одам ва тўранинг ўзи турган экан, нимадан қўрқади. Бирдан у шиддат билан «Ё пирим» деб муҳолифига сиртлондай отилди. Бунини Бобош полвон кутмаганди. Дагар полвон кўз очиб юмгунча уни мисли қанордек тўнкариб ташлади. Фолибни одамлар олқишлай кетишди. Тўра ўрнидан турганича, «Офарин, офарин», деб бақирарди.

Дагар полвоннинг устига дарҳол банорас тўн ёпиб, тўра ҳузурига элтдилар. Сайид Акромхоннинг кўзларидан ёш чиқиб кетган, фақат «офарин» дерди, холос. У полвонни кучоғига олдида, икки юзидан ўпди. Кураш маромига етди. Одамлар анча вақт тарқалмай, бўлиб ўтган воқеаларни муҳокама қила бошладилар. Аввало, Достонқулнинг таърифи тилдан тушмади. Дагарни биладиганлар, танийдиганлар уни маҳобат қилиб мақташга тушдилар. Бобошнинг кучи ҳам эсдан чиқмади. Унинг кимларни қандай мағлуб этганлиги тавсиф этилди. У қанча мақталса, хулоса Дагар полвон фойдасига бўлиб чиқарди.

Шу куни кечқурун Ғузор аркида тўранинг хос меҳмонларга зиёфати берилди. Бухородан келган девонбеги, улуғ эшонлар,

Қарши ҳокими Нуриддинхон, Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи беклари, Қарши мирлари, Денов, Сарносиё, Ҳисордан келган бойбаёнлар, қоравулбегилар, мирохўрлар, тўқсобалар, додҳолар, аминлар, қишлоқ оқсоқоллари ва атоқли полвонлар базмда ҳозир бўлган эдилар. Сайид Акромхон ёнида Дагар полвонга махсус жой ҳозирланган эди.

— Элимизнинг зўр полвонларини Ғузор тупроғида кўрганимиздан мамнунмиз, — сўз бошлади Сайид Акромхон, — «полвонли юртни қолқонли юрт», деб бежиз айтмаган машойихлар. Бизнинг арзимас йиғинимизга узоқ-яқиндан келган ҳамма улўларга ташаккурлар билдирамиз. Худо хоҳиш қилса, келгуси йил наврўзида Бухоройи шарифда бўладиган сайил курашида яна юз кўришайлик! Бугундан эътиборан Дагар Достонқул ўғли бизнинг ҳузуримизда бўлғай...

Сайид Акромхон ниҳоятда шинаванда одам эди. Достонқул ўғлининг бунчалик обрўга ноил бўлишини кутмаган эди. Унга қуйироқдан жой текканди. Бир вақт парвоначи унга томон юра бошлади.

— Достонқул полвон, — деди у ҳаллослаб, — тўра ҳазратларининг марҳаматларини қабул этгайсиз!

Достонқулнинг устига банорас тўн ёпилди. Отага бундан ортиқ бахт бормиди? Ўғли сабаб тўранинг даврасида шундай иззатга ноил бўлиб турибди-я?! Бир қанча вақт бурун шу аркда унинг қўллари боғлиқ, дорга тортилиш хавфи муқаррар бўлган эди. Бугун эса... Ҳа, ҳамма нарса ниятга яраша бўлади.

ТЕГИРМОН ТОШИ

Сайид Акромхон жума намозидан кейин қишлоқ оқсоқолларини ҳузурига чорлатди. Дастурхон ёзилиб, тамадди қилинганч, у одатига кўра, қишлоқ оқсоқолларидан, ҳол-аҳвол сўрай бошлади. Дастлаб, Аблазиз, Авғонбоғ қишлоқлари оқсоқоллари тўрага фуқораларининг тинчлиги, емоқ-ичмоқининг борлиги, бирон-бир нарсада танглик йўқлиги, аҳоли соғ-саломат эканлиги ҳақида маълумот бердилар. Сўнг, бирин-кетин Газарма, Олачиқ, Олашўр, Батош, Ярғунчи, Чуғуртма, Чўмичли, Шерали, Ўтари, Чавган, Тайлоқ, Қарайли сингари катта-кичик қишлоқ оқсоқоллари навбатма-навбат сўзлаб, қўл остидаги эл аҳволини баён этдилар.

Шерали қишлоғининг оқсоқоли Хўжамбой охун «одамларимиз тегирмондан қийинчилик тортаётир», деб айтиб ўтди. Бу гапни эшитган тўра ноибларидан бирига ўгирилиб, «Тошгузардан олиб келиниши лозим бўлган тегирмон тошлари нима бўлди?», деб сўраб қолди. Ноиб, чамаси, жавобни мажҳул қилди, шекилли, тўранинг аччиғи чиққани сезилди. Оқсоқолларга жавоб бўлди.

Тўра саройининг хос кишиларини қаттиқ қистовга олди. «Сабаб надурким, Фузор қуйисида барпо этилажак тегирмон неча ойким, чала, битмайдур? Буюрилган тегирмон тошлари тайёр бўлгани хабари келганига ҳам ҳафта бўлаётир. Хожа Абдураҳмон, ким монёлик қилди ишнинг битмоғига?» — чиройли қора қошларини чимириб сўради тўра.

Ноиб Хожа Абдураҳмон бошини эгиб, сукут қилди. Тўра яна салмоқлаб, сўзда давом этди:

— Тегирмон тошини Харкушдан ёки Сангишкондан олиб келмаётирсиз-ку, ёинки, тош судраган ҳўкизлар Ойтўқайда ботиб қолдимиз? Фуқаро ёрғичоқда ун тортаман деб азият чекади, биз Аркда роҳати жоним деб, қорнимизни тебратмаймиз?! Шу инсофданми?!

Хожа Абдураҳмон хижолатдан қизариб-бўзариб, «бош устига, тўрам, биздан ўтди, ҳафта ичида тошларни келтириб, тегирмонни юргизадурмиз», деди.

Шу гаплар бўлиб ўтганига ҳафта эмас, ўн беш кун ўтди ҳамки, Тошгузардан тегирмон тошлари олиб келинмади. Тошга кетган одамлардан дарак бўлмади. Тўра бетоқатланиб, Дагар полвонни чорлатди. Полвон Тошгузарга жўнайдиган бўлди. У ёшлигидан кўпнинг орасида бўлганиданми, ҳарқалай, қўлидан унча-мунча ишлар келарди. Устачиликка ҳам эпи бор, қассоблик ҳам қилар, ҳунари бисёр эди. Йўл олис, даралардан ўтиб келиш керак. Юк олиб келишга ноқулай-тошдан йўнилган матоҳ жуда оғир. Туяга ортиб бўлмайди. Арча ёғочларига танғиб, ҳўкизга судратиш, чамаси, натижа бермаган. Хожа Абдураҳмон эпчил одам, бундай ишларни пайсаллаб ўтирмасди. Бир кор-ҳол бўлган, тошларни ортишда синдириб қўйишганми, Худо билсин?! Дагар полвон шуларни мулоҳаза қиларкан, хаёлига лоп этиб, «тегирмон тошларни эшакларга матаб олиб келардик», деган бир гап тушиб, ўйлаб қолди. Қаерда, кимдан эшитгани ёдида йўқ, аммо, шундай гурунг бўлувди. Тошгузар

анча узоқда. Ўттизта эшак жам қилса, уларни учтадан матаса, ўнта жуфтлик бўлади. Ҳар қайси уч жуфтлик тошларни беш чақиримдан кўтаришга чидаб берса, насибки, икки-уч кунда тегирмон тошлари Ғузорда бўлади, ҳисоб қилди у.

Полвон таниш-билишлардан зўр ҳангиларни уч-тўрт кунга сўраб олди. Уларга ҳақ учун қишлоқ арпа берадиган бўлди. Ёнига тўртта ёрдамчи олди-да, Тошгузар қайдасан деб, йўлга чиқди. Тошгузарга етиб борганида Хожа Абдурахмоннинг бир илож қилолмай, Мосуво бўлиб ўтирганлари устидан чиқди. Уни кўриб Хожанинг рангига қон югурди. «Келинг-эй, полвон, — деди у маҳзун овозда, — номусларга қолдим-да, ука. Туяга ортиб иложини қилолмадим, ҳўкиз қўшиб, эpidан чиқолмадим. Нима қилсам деб бошим қотиб, гаранг бўлдим, зап келдингизда».

Кела-келгунча арпадан тўйган ҳангилар бири қўйиб, бири аюҳаннос соларди. Уларни шу кеча ҳам арпадан тўйдирдилар. Эртасига ҳар учта эшакни бир-бирига маҳкам чандиб, устларига калта қирқилган арча ёғочларини текис қилиб тахладилар. Сўнг, тўрт киши тегирмон тошини арчалар устига қўйиб, тўрт тарафдан маҳкам танғидилар. Тош на орқага ва на олдинга силжимайдиган ҳолга келтирилди. Ўн беш-ўн олти ботмон келадиган тегирмон тошлари ортилган эшакларнинг бели букилмади. Бу юкни улар кўрдим ҳам демади. Хожа Абдурахмоннинг бу ишга оғзи очилиб, шу иш хотирига келмаганидан ичини ит тирнарди.

Дагар полвон мўлжал қилганидек, уч кеча-кундуз йўл босиб, Ғузорга етиб келдилар. Усталар тошларни ўрнатиб, тегирмонни юргизиб бериб кетдилар. Ариқ тўлиб оқиб келаётган сув тошларни ғириллатиб айлангириб юборди. Жонлиқ сўйилиб, худойи қилиб берилди. Қуръони карим тиловат қилиниб, одамлар тегирмонга барака тиладилар. Дагар полвон ҳақиқа ҳам дуо қилинди. Одамлар унинг топқирлигига қойил бўлиб, ақлу донишига таҳсин айтдилар.

Айтишларича, Дагар полвон саъй-ҳаракати билан минг машаққат чекиб олиб келинган тегирмон тошлари Шўро тузуми ўрнатилгандан сўнг ҳам, то қирғин-барот уруш бошлангунга қадар элу халққа хизмат қилиб турган...

ҚЎҚОН АРАВА

Дагар полвон ҳовлисидан чиқиб, аркка боргунича от устида ўйланиб, нималаргадир ечим топмоқчи бўлди. Тошгузардан бе-сунақай тегирмон тошларини олиб келиш қийин кечди. Хожа Абдурахмон топшириқни адо этолмагани учун жавобини олди. Энди унинг вазифасини Дагар полвон адо этиб турибди. Кун бўйи аркда ўтириб қишлоқлардан арз билан келувчиларни тинглаш, улар ўртага қўйган талабларни уйдлаш осон эмасди. Бу ишлар полвоннинг жини суюдиган хилидан эмасди. Зиқна бой ёллаган одамнинг ҳақини бермайдим-ей, яйлов ва қудуқлар устида жанжал бўладими-ей, хуллас, Полвон уларни ҳал этиши, тинчителиши керак эди. Унинг обрў-эйтибори иш берарди. Муҳтож бўлиб қолганларга ўз ҳисобидан ёрдам бериб юборган пайтлар кўп бўларди. Полвон хизмати юзасидан тез-тез Бухорога бориб турарди. Пойтахтда руслар, уларнинг Янги Бухорода — Когонда амалга ошираётган ишларини кўриб, аввало, ҳайратга тушди. Сўнг, ўзича ўйлаб, одам боласининг ақлу заковатига бу ҳам оз, инсон осмонга қўл узатса етиши керак, деган фикрга келди. Руслар қурган уйлар шинам, ромлари кўп, ичи ёруғ, каталакдай эмас, улкан. Ана шундай уйларда яшасанг-да. Кийинишини демайсанми? Ихчам, ярашиқли. Бундай либос билан ишлаш ҳам, юриштириш ҳам кўнгилдагидай бўлади.

Амирга совға қилинган фойтунлар полвонда катта қизиқиш уйғотган эди. Қандай ясалди экан деб, кўп разм солди. Одам боласи қилган ишни одам қилади-да, деб ўзига тасалли ҳам берди. Бугун Аркка яқинлашиб келар экан, яна кўз ўнгидан фойтунлар ўтди. Эшитгани бор, Қўқонда отга қўшиладиган аравалар яшаш қачонлардир урфга кирган экан. Шунини ўрганиб келса бўлмайди, деган фикр уни йўл бўйи беҳаловат қилган эди.

Кун чошгоҳдан ошганда тўранинг ҳузурига кириши тайин бўлди. Сайид Акромхон салом-алиқдан кейин Полвонга, «эшитмоқдаманким, Фузор бозорига чор атрофдан кўп ушоқ мол келиб, сотилмоқда экан. Бир-икки қинғирлик, нохуш воқеалар юз берибдур. Узоқдан келган қўйчилар азиат чекиши бизга обрў келтирмайдур. Бир тафтиш қилиб, назорат ўрнатсангиз?!» деди. Полвон «бош устига», деб қуллуқ қилиб чиқмоққа тараддуд қилаётган эди, тўра «бир гапингиз борга ўхшайди», деб жилмайди.

— Ҳазрат тўрам, — деди Дагар полвон унғайсизланиброқ, — камина фақирни маъзур тутгайсиз. Яқинда Бухорои шарифга бориб, у ерда бўлаётган қурилиш, йўллар, фойтунлар, хуллас, ўзгаришлар ақлимни олди. Нега бизда шуларни қилиш мумкин эмас, деб ўйлаб келдим. Қўқонда арава ясаб сотишларини яхши биламан. Устачиликка озроқ эпим бор, агар ижозати олийингиз бўлса, у жойларга бир муддат бориб, шу ҳунарни ўрганиб қайтсам, девдим.

Полвоннинг гапидан тўра жиддий тортди. У беклик ҳудудида тўрт от ёнма-ён юра оладиган йўллар борми ўзи, деган ўйга ҳам борди. Қаерга боқма суқмоқ, арава деганига кенгиш йўл керак бўлмайдими? Бу полвон бало, эртани кўра билади. Тошгузар нима бўлибди, қўл узатсанг етадиган жой. Нақл қиладиларки, катта боболаримиздан амир Насрулло тўп олиб келаман деб, Бухородан Балхга қадар арава йўли қурдирган экан. Бухородан Санкт-Петербургга бориб келган биродарларимиз кўрган-билганларини айтганларида бовар қилмай, хато қилибмиз. Оврупо тараққиётда Осиеъни ортда қолдирганига қанча бўлди ўзи? Кўп, жуда кўп йиллар бўлди. Полвон ҳақ, илму амалга ривож бермай, биргина чорва, ер деб яшаб бўлмайди...

Сайид Акромхон хаёлга ботганидан хижил тортди, Полвон унинг амрига мунтазир бўлиб турарди. Ниҳоят, тўра кулимсиради-да, «Полвон, Сиздан ҳамиша яхши фикр, яхши иш матлуб бўлади, истагувчилар бўлса, ёнингизга тўрт-беш шогирдпешаларни олиб, бозор ишини саранжом қилгандан сўнг, Қўқонга рухсат этгаймиз, бориб ўрганиб келинг», деди.

Биз воқеалар кечишидан бироз олдинроққа кетиб, бир ҳолат ҳақида муҳтарам китобхонларга маълумот бериб ўтишни лозим топамиз.

Ғузур мол бозори XIX аср охирлари — XX аср бошларида амирликдаги энг катта савдо маркази ҳисобланган. Бозорга Шарқий Бухородан, Балх, Лабаб, Марвдан, Қарши, Косон ва бошқа теваарак-атрофлардан сон-саноқсиз моллар, қўй-эчкилар, туялар, отлар, эшаклар келтириб сотилган. 1915 йилга оид маълумотларда, масалан, тоғлик Шарқий Бухородан 20721 бош, Ғарбий бекликлар ва Бухоро чўлларидан 15425 қорамол, 620855 бош ушоқ моллар сотилганлиги қайд этилади.

Бозор назоратчилари учун, олиб келиб сотилаётган сигирлар, қўйларнинг касалга чалинмаслиги муҳим муаммо бўлиб

қолади. Дагар полвон шу соҳага масъул сифатида тўранинг қўллаб-қувватлаши орқали Ғузор темир йўл бекати ҳузурида рус ветеринария хизматини ташкил эттиришга кўп куч сарфлайди. Бухоро ва Самарқандга неча бор қатнашлар пировардида, ниҳоят, Қашқадарё ҳудудида биринчи ветеринария хизмати пункти очилиши амалга ошади. Пункт қорамоллар ва қўй-эчкилар ўртасида тез тарқаладиган юқумли касалликлар олдини олишда кўп ишларни амалга оширади.

Энди, Қўқон сафари ҳақида тўхталиш мавруди келди. Дагар полвон ёнига қариндош ва қишлоқдошларидан беш кишини олиб, Қўқонга жўнаб кетади. Қўқонга етиб, бир неча кун карвонсаройда тунаб, бозорларни айланади, усталар расталарига бориб, улар ишини бирма бир кузатади. Уста халқи синчков бўлади-да, Азимбой дегани уч-тўрт кундан бери устахонасига келиб, араваларни кўздан кечириб юрган қорувли йигитга қизиқсиниб қолади. У, бу одам харидор бўлса керак, деб ўйлайди. Келади-кетади, араваларни ушлаб кўради, олай демайди. «Қизиқ одам экан-ку», ўзича ўйлайди, Азимбой, — ё бирон нияти бор эканми-а?».

— Келинг, меҳмон, — дейди у Полвонга яна бир келишида, — араваларимизни ёқтириб қолдингиз, шекилли?

— Ёқтириш ҳам гапми, уста, — жавоб қилади Дагар полвон, — Сизга шогирд тушай деб айтишга ийманиб юрибман. Ўзимнинг ҳам шундай аравалар яшашга ҳавасим баланд.

— Ниятингиз қатъийми, — уста ишонинини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай сўради, — аслини олганда, бу унчалик қийин иш эмас. Ҳафсала ва қунт бўлса, бас. Манови, темир-терсакни топиш, тахтасини тилиш демаса, иккита чўпни тикка қилиш унча ақл талаб қилмайди.

— Филдираги-чи, уни яшаш ҳаммасидан мураккаб бўлса керак, — деди ҳайратланиб Дагар полвон, — қарайман, ҳеч ақлим бовар қилмайди.

— Ўқини йўниш қийин эмас, ҳамма гап гупчагида, — деди уста Азимбой, — пишиқ ёғоч бўлмаса, иссиқ-совуқни кўриб, ёрилиб кетиши ҳеч гапмас.

Уста Азимбой кўнгли очиқ одам эди. У касби корининг сирларини жўнгина қилиб айтаверарди. Дагар полвон ва у билан бирга борган ўспиринлар Қўқонда уч ой қолиб кетдилар. Шу вақт давомида арра-теша қўлларидан тушмади. Дагар полвон

уста Азимбой билан Тошкентга икки-уч марта бориб келди. Му-стақил ишлаш учун асбоб-ускуналар харид қилиб, қопчиқларга жойладилар.

Олдин уста Азимбой шогирдлари билан бирга ҳафтада битта арава чиқарар эди. Дагар полвон кўмаги билан эса беш кунда арава тайёр бўла бошлади. Полвон ўзи бирга олиб борган ёшлар билан ясаган синов аравасини саккиз кунда уддалади.

— Ишингиз пишиқ, — деди уста Азимбой Полвон ясаган ара-ванинг у ёқ-бу ёғига ўтиб, — шуни Ғузорга миниб кетсангиз ҳам бўлади.

— Ижозат этсангиз, ношуд шогирдингиз келгуси ҳафта бо-шида тарки Қўқон қилмоқчи, — деди Дагар полвон.

— Аравани қуруқ олиб қочмаслигингизга ишончим комил, — деди жавобан уста Азимбой мутойиба қилиб, — сиздай дилкаш одам билан танишганимдан, нон-туз бўлганимдан хурсандман.

Дагар полвон миниб борган отларини галма-гал кўшиб, Қўқон-дан аравада келган биринчи ва ким билади, энг охири ғузорлик эди. Арава, уста Азимбой айтганидай, ниҳоятда пишиқ ишланган экан. Олис йўлда на ғилдираклар, на гупчаклар панд бермади.

Қўқондан харид қилган совғалар, қанд-қурслар анчагина эди. «Бунга ўнта тегирмон тошини ортса ҳам, бир от тортиб келаве-ради», ичида ўйлади полвон.

У қишлоққа қайтган куни Чаноқда байрам бўлиб кетди. Қиш-лоқнинг катта-ю кичиги унинг ҳовлисига йиғилиб келганди.

Достонқул бобо бешта боқма кўчқорни сўйдириб, қишлоқ-дошларига катта дастурхон ёзди. Ўғлининг «шу арвани ўзимиз ясадик» деган гапларидан боши осмонга етди. Бола-чақа арава атрофидан нари кетмасди. Дагар полвон шогирдпешалардан бирига «болаларни аравага миндириб, бир айлангириб кел», де-ганда уларнинг қувонганини демайсизми!

Узоқ йўлдан ҳориб келган полвон бироз даммини олди-да, Ар-кка, тўра ҳузурига йўл олди. Қўқондан атайлаб олган совға-са-ломини бир хуржун қилиб, парвоначига узатди.

Сайид Акромхон полвон билан қучоқлашиб кўришди. «Яшанг, Дагар полвон, — деди у севинчини яшира олмай, — энди исми шарифингизга «уста» деган нисбат ҳам қўшиладиган бўлди-да. Хунарга, дейдиларки, шоҳлик мартабаси ҳам тенг кел-мас экан. Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари демишлари ёдин-гизда бўлса керак. Ул карамли зот, хунардан нақш боғлаб, умр-

гузаронлик қилганлар, хунарнинг нони ҳалол бўлади, баракалла!».

Сайид Акромхон полвон Қўқондан қайтган кунларда Бухорога бориб келган, Шаҳрисабзга ҳокимликка тасдиқ бўлган эди. Улар кўришиб, айна вақтда, хайрлашдилар ҳам. Тўранинг кўч-кўрони тахт бўлиб турарди. Дагар полвон туяларга, отларга ортилиши мўлжал қилиб қўйилган юкларга назар ташлаб, гап бошлади:

— Тўрам, бир илтимосим бор эди, — деди тамоғига бир нарса тиқилгандай бўлиб, — Қўқондан ўзим ясаган аравани олиб келдим, ижозатингиз бўлса, шу аравани тухфа этсам...

Сайид Акромхон ёнидаги надимларига кулимсираб қаради. Улар «Полвоннинг раъйини қайтарманг, тўрам!» — дедилар. Шу куни тўранинг анжомлари ортилган карвон бошида Дагар полвон ясаган арава борарди.

Тўра ўрнига унинг ўғли Султонхон Ғузор ҳокими бўлиб қолди. Султонхон ёш бўлишига қарамай, отаси йўриғини яхши ўзлаштирган, одамларнинг қадрига етадиган ҳоким эди. Дагар полвонни кўп сўраб-суриштирар, унга устачилик бобида шароит яратиб беришга интиларди. Хусусан, отаси билан келишиб, Шаҳрисабздан арава ясашда асқотадиган оғоч ва анжомлар олишни йўлга қўйиб берган эди. Чаноқда, шу тариқа, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Қўқон аравачилигининг ўзига хос бир шубҳаси, аниқроқ айтиладиган бўлса, Дагар полвон аравасозлик мактаби вужудга келган эди.

Аравасозлик ва аравакашлик бу авлод тақдирида муҳим аҳамият касб этиши сабаблари шундай эди.

ОБРЎ ВА БОЙЛИК КАЛИТИ

XIX аср охирида бораётган эди. XX асрнинг биринчи йили ҳам одамлар учун унчалик хосиятли бўлмади. Устма-уст қурғоқчилик деҳқонлар тинкасини қурита бошлади. Бунинг устига, амирликнинг Оқ подшоҳнинг Тошкентдаги кўз-қулоқлари билан муносабатлари яхшидан ёмонга тортиб борарди. Шаҳрисабз ва Китобда Бухорога итоат қилмаслик ҳаракати газаклаб, савдо-сотик ишларида мушкулликлар кундан-кунга кўпайиб кетаётганди. Вақтида Жўрабек ва Бобобек билан бирга кетган бообрў, таниқли кишилар Самарқандда, Тошкентда, Қўқонда хорлик тортиб, ўз юртларига қайта олмай, сарсон-саргардон эдилар.

Дагар полвон Шаҳрисабзга, Сайид Ақромхонни янги ҳокимият билан қутлашга бориб келганида, тўранинг кайфияти унчалик чоғ эмаслигини англаган эди. Сайид Ақромхон унга, «Полвон, Сиз хушёр одамсиз, Султонхондан бохабар бўлиб турунг, у ёш, замона тез ўзгармоқда, тожу тахт талабгорлари ҳам ғужғон ўйнаб чиқмоқда», деган эди. Тўра, эҳтимол, «Ёш бухороликлар» ва ўзларини жадидлар деб атаётган зиёлилар ҳаракатларини кўзда тутиб, шундай дегандир. Полвон ўшанда, «Тўрам, Аллоҳга шукурки, бизнинг томонларда офият, ҳамма ўзининг ишига машғул», деганди. Тўра ҳам унинг гапига кулимсираб, бош чайқаган эди...

Қўқондан қайтиб келганидан кейин Дагар полвон ишга боши билан шунғиган эди. Ўз ҳовлисида аравасозлик устахонаси очишга кўп меҳнат ва маблағ сарфлади. Сайид Ақромхоннинг мадади билан Тошкентдан ғилдиракка кийдириладиган темир тасмаларни, миҳларни олишга эришади. Буюртмачи ҳам, ишқибоз ҳам кўп эди. Бир йил ўтар-ўтмас Ғузор бозорини от қўшилган Қўқон аравалар безаб турарди. Одамлар араваларга сават-сават узумлар ортишар, ғалла, дон-дун юклашарди. Полвоннинг кашфиёти савдо-сотик, қишлоқ хўжалиги тараққиётига ўша пайтда бемисл ҳисса бўлиб қўшилди.

Достонқул бобо анча қартайиб қолган эди. Султонхон тўра бир гал, Балхдан меҳмонлар келганда полвонни ҳам саройига йўқлатган эди. Зиёфат охирида у Дагар полвонни ёнига чорлаб, «Полвон падари бузрукворингизга айтиб қўярсиз-да, Пешаворда дўсти Абдул Малик тўра бандаликни бажо келтирибди», деганди.

Бу воқеа 1909 йилда юз берганди. Дагар полвон уйга қайтгандан сўнг, отасига гапни ётиғи билан айтди. Достонқул бобо Қуръон тиловат қилиб, дуойи фотиҳа ўқиди-да, узоқ вақт кўзини юмиб, жим қолди. Чол ичида эзилаётган эди. Омади юришмади-да бу тўранинг. Амир Музаффар ўлим тушагида бир йилга яқин қийналиб ётганида, яна тожу тахтга талаб солиб кўрди, бўлмади. Уни қўллайдиган мард топилмади. Укалари ҳам ўзимбўлайчилик йўлини тутдилар. Оқ подшоҳга бир вақтлар ўзига қўл кўтарган шоҳзодадан кўра, итоатли, гапини қиладиган валиаҳд керак эди-да, шу хислати билан Абдул Аҳад тўра уларнинг назарига тушди, отаси ўрнига тахтга чиқди-да... Достонқул бобо халёлга чўмиб, кўнгли бузилиб ўтирар экан, кўз олдидан 30-40 йил аввал кечган воқеалар бирин-кетин ўтди.

Абдул Малик тўранинг вафоти Достонқул бобони чўктириб қўйганди. У тўрани жон-дилидан яхши кўрарди. Эшитиб юрибди, амир Абдул Аҳаднинг ҳам соғлиги яхши эмас, ўрислардан ҳам бешиб қолган дейишади. Бухорони ташлаб Карманада макон тутган эмиш. Тўрам ўзини сақлаганда борми, Худо билади, Бухоро тахти уники бўлармиди? Асли тахт уники бўлиши керак эди-да. Одамлар, халқ уни яхши кўрарди. Худонинг хоҳиши шу эканда... Достонқул бобо фарзандлари туфайли эъзоз ва ҳурматда яшади. Абдул Малик тўра вафоти хабари келганидан бир йилга бормай, бандаликни бажо қилди...

Дагар полвон отаси маъракасани ўтқариб, ўғилларини ёнига олди-да, ҳар қайсисига аниқ ишлар тайин қилди. Ким савдо-соғтиқ, ким чорва, ким деҳқончилик, ким усталик, ким полвонлик қилади, ким ем-хашак, ўтин йиғишга мутасадди бўлади – аниқ-тиниқ қилиб белгилади.

Фарзандларининг ҳаммаси ҳам эсли-хушли, қобил болалар эди. Мадаминнинг устачиликка, арава ясашга эпи кўпроқ эди. Бу соҳа унга бадал қилинди. Дагар полвоннинг имкони катта эди, кураш соҳасида устоз даражасига кўтарилган, юздан ошиқ шогирдлар атрофида парвона эди. Шогирдлар белгиланган вақтда машқлар қилар, олишар, от устида машқлар бажарарди. Бўш вақтларида эса устахонада ишлашарди. Арава борган сари харидоргир бўлаётган, теварак-атроф туманлардан ҳам буюртмалар қалашиб ётарди. Дастлаб ҳафтада битта арава ясалган бўлса, эндиликда ҳафтада ўнта арава эгаларига етказиларди. Дагар полвоннинг иқтисодий ҳаёти фақат шу устачиликка қараб қолмаганди. Унинг ерлари 300 танобга етган, боғ-роғлари кенгайган, мол-ҳоли чамадан зиёд эди. 70-80 дан ортиқ ҳосилдор тутлари бўлган. Полвон табиатан саховатли киши бўлгани учун шогирдлари ҳеч нарсага зориқмаган. Улар меҳнатига яраша ҳақ олганлар.

Ҳар йили тут пишиғи пайтида полвон боғи ёнида «тут сайили» ўтказилади. Сайилда қишлоқ аҳли жам бўлиб, тутхўрлик қилган, ўйин-кулги, томоша авжига чиққан. Полвон сайилда қишдан илиниб чиққан қишлоқдошларига кийим-кечак, озиқ-овқат, ун, ғалла тарқатган. Сайилда, табиийки, қишлоқ болаларининг кураш мусобақаси ҳам қизиган. Полвон йиқитганга ҳам йиқилганга ҳам зот улашган. Ўзи баковул бўлиб, курашни бошқариб борган. Ёшлар учун бу кураш тадбири ҳақиқий синов эди. Бўладиган болаларни у ёнига олиб, уларнинг ейиш-Хусанбой ҳам қуда-

ичиши, кийим-кечаги, касб-хунар ўрганиши билан шуғулланган. Ўша йилларда Чаноқда биронта бекорчи ўспирин бўлмаган. Қўшни қишлоқлардан ҳам Полвонга шогирд тушай деб келадиганлар кўп бўлган. Дагар полвоннинг режали ишлари, шу сабабдан самарали эди. У Шаҳрисабзга, Сайид Акромхон отлари учун сара арпаларни юбориб турган. Султонхон тўра дастурхонига тортиладиган аъло навли мевалар, узумлар Полвоннинг боғидан олиб бориларди. Зарурат туғилганда, Дагар полвон Ғузор тўрасини маблағ билан ҳам таъминларди. Бу ўринда ҳар йили бериладиган улоқчи отлар, боқма қўчқорларни гапириб ўтирма-са ҳам бўлади.

Дагар полвонни элда машҳур қилган жиҳатлар унинг ўта меҳнаткашлиги, ақллилиги, сахий ва бағри кенг, қўли очиқ инсон бўлганлиги билан белгиланар эди. Бир сўз билан айтганда, обрў ва бойликнинг калити ақл ва ҳунарда эди. Унинг болаликдан кўз очиб ўрганган ҳунари полвонлик ва чавандозлик эди. Улғая боргани сари устачиликка меҳр қўйиб, уни ҳам рисоладагидай ўзлаштиради. Отаси жамғарган ер-сувни кўпайтириб, қўйга қўй, молга мол қўшади. Табиатан саховатли бўлганидан элнинг дуосига мушарраф бўлди. «Хасиснинг боғи кўкармас», деб халқ бежизга мақол тўқимайди-да. Сахийнинг давлати ортиб, обрў-эътибори зиёда бўла боради. Бунинг ёрқин мисоли Дагар полвон босиб ўтган ҳаёт йўлидир.

ҚИРҚ УЙ ҚУДА БЎЛСА



Мамадамин Дагар
полвон ўғли

Ўтган асрнинг 10 йилларида ҳокимият сарҳадларида эсган изғиринлар Ғузорни четлаб ўтди. Султонхон 1917 йилга қадар ўз ўрнида мустаҳкам туради. Замон ўзгараётган эди. Шерободда деҳқонлар ҳосилдор ерларни тортиб олаётган Оқ подшо корчалонларига қарши ғалаён кўтаради. Шаҳрисабз ва Китобда ҳам мустамлакачилардан норозилик ҳаракати хавфли тус ола бошлайди. Бу норозиликни тинчитиш учун амир Олимхон Абдул Жалилбекни қўшин билан жўнатишга мажбур бўлади.

Ҳокимиятга қизилларнинг зўравонлик билан келиши Туркистонда ҳам катта нотинчликлар келтириб чиқарди. Бухорода Колесов бошчилигидаги қизил кўшин амирликни йиқитиш учун ҳужумни бошлаб беради. 1920 йилнинг 23 августида Инқилобий кўмига ва Бухоро комфирқаси Соқорбозорда одамларни амирликка қарши ғалаёнга бошлайди. Амирликка қарши кураш ғалаёнлари Шаҳрисабз, Китоб, Қарши ва Фузорда ҳам уюштирилади. Фузорнинг сўнгги ҳокими Муҳаммад Мубинхон кўчкўрони билан шаҳардан чиқиб кетишга мажбур бўлади...



Ҳайдар Даминов

XX аср бошларида Фузор амирликдаги энг тинч, ривож топган бекликлардан бири ҳисобланарди. Дагар полвон ва унинг хонадони ҳам бу йилларда элнинг олди бўлиб яшайди. Оилада кўп тўйлар ўтади. Айтишларича, Дагар полвон 1900 йилда ўғли Мамадаминни уйлантиради. Тўй жуда кўнгилдагидай, ажойиб ташкил этилади.

Дагар полвон умрида бойлик, обрў билан бир қаторда кўп дўстлар ҳам орттирган эди. Полвон билан чавандознинг таниши ҳам, дўсти ҳам кўп бўлади. Дагар полвон мол-ҳол ташвиши билан Дехқонобод, Кўкбулоқ, Яккабоғ тоғларида тез-тез бўлиб турарди. Устма-уст кўрғоқчилик бўлган йиллар чорвадорлар ем-хашақдан танқислик тортиб, қийналиб қолардилар. Фузорнинг далаларида ўтўлан анқонинг уруғи бўлиб, қўй-қўзи, эчки-улоқлар яқин тоғлардан нажот топарди. Дагар полвон бундай пайтларда Қизил Мозор томонларга сурувларни олиб чиқарди. Дагар полвон бу ерда Ҳусанбой Сафаралибой ўғли билан дўстлашиб қолади. Тоғда яйлов қилиб юрган кезларида икки ўртада борди-келди йўлга қўйилган. Ўзбек ва тожик оилаларининг дўстлиги, биродарлиги бу ҳудуд аҳолиси учун анъанавий эди. Ота-боболар қадим-қадимдан дўстлик ришталарини боғлаб, тинч-тотув яшаб келганлар. Тўйлар қилиб, бир-бирини айт-



Сафарали бобо
Саттор ўғли (Қизил
Мозор қишлоғи)



**Хусанбой Сафарали
ўгли (Қизил Мозор
қишлоғи)**

ни 1917-1918 йиллар нари-берисида ўтказди. Янги оила Достонкул — Дагар полвон сулоласининг кучли шохобчаси сифатида ҳозирга қадар ўз ўрнига эга бўлиб келади. Гап ана шунда. XX аср бошларида, хусусан, 1917 йилдаги собиқ Шўро инқилоби, қизил салтанат ҳокимиятни зўрлик билан тортиб олгандан кейин амалга оширилган хунрезликлар, қатағонлар юртни хароб қилди, хонадонларни тутдай тўқди. Шўро издиҳомларидан эсон-омон ўтиб келиш ҳамма оилаларга ҳам nasib қилмади. Айниқса, ўзига тўқ, бой ҳисобланган рўзғорлар кўрган ситамларни таъриф қилиш қийин. Бу машаққатлар Дагар полвон силсиласини ҳам тариқдай тўзғитиб юборган эди.

Халқимизда «Қирқ уй қуда бўлса — қирқ йил уруш бўлмас» деган мақол бор. Дагар полвон яхши ният билан Хусанбой дўсти



**Хўжакул Хусан
ўгли (Қизил Мозор
қишлоғи)**

билан, полвон ва чавандозларини сийлаганлар.

Хусанбой тоғнинг таниқли бойларидан эди. Улар вақти-вақти билан бир-бириникида ҳафталаб меҳмон бўлардилар. Бу борди-келдилар қуда-андачилик билан янада мустаҳкамланади. Хусанбойнинг набираси, тожик қизи, 17 ёшли Ойсулув билан ўзбек ўғли Мамадамин янги оиллага асос қўйдилар. Дагар полвоннинг фарзандлари кўп эди. Унинг иккинчи ўғли Мамадамин тармоғи ҳақида бежиз сўз юритилаётган эмас. Дагар полвон ўғли Мамадамин тўйини

билан қудалашиб, тотувликни, ҳамжиҳатликни, қон-қардошликни мустаҳкамлашни кўзда тутган. Унинг тилаги амалга ошди. Мамадамин Дагар полвон ўғли хонадони билан Хусанбой Сафаралибой ўғли сулоласи ўртасидаги қон-қариндошлик ришталари ҳозирда — XXI асрда ҳам узилган эмас, аксинча, йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётир. Воқеалар кечишидан бироз олдинроқ кетиб айтадиган бўлсак, бу икки авлод алоқалари бугунги кунда Мамадаминнинг ўғли Ҳайдарбой билан Хусанбойнинг чевараси Шаҳриёр Равшановлар

моларида узвий давом этмоқда. Ҳайдар ака она томондан боболари руҳини шод қилмоқ учун Қизил Мозорга ҳар йили чиқиб туради. Тоғлик қариндошлар, тоғалар, бўлалар, ҳолаваччалар ҳам Ғузорга вақти-вақти билан келиб турадилар. Дағар полвон боғлаган ришталар ҳеч қачон узилмайди. Ота-боболаримиз оилавий масалаларда узоқни кўзлаб иш тутганлар. Ақлу дониш ила қилинган ишлар хайрли бўлади ва асрларга томир отади.

«РЕПКИН» ПОЛВОН

1924 йил 1 ноябрда Қашқадарё вилояти ташкил топган. Вилоят таркибига 3та уезд киритилган. Қарши уезди — 6та, Ғузор — 3та, Шаҳрисабз — 4та волостлардан иборат бўлган. Бу хилдаги маъмурий бўлиниш Шўрони қониқтирмайди чоғи, кўп ўтмай, Қашқадарё вилояти Бухоро областига қарашли округга айлан-тирилади.

Музофотда Шўро ҳокимияти узил-кесил ўрнатилгач, Қашқадарё округида ҳам фирқа ячейкалари вужудга келади, ревкомлар тузилади. Жумладан, 1922 йилда «Қарши вилояти Пўлоти, Майманоқ, Женов, Касби ва Жума кентлари ячейкаларини қамраган Косон тумани; Кат, Батруф ва Файзобод ячейкалари бўлган Бешкент тумани; Боши, Жумар, Боғча, Камар, Эшоноқробод ячейкалари бўлган Ғузор туманидан иборат эди. Шаҳрисабз вилоятида эса Китоб, Яккабоғ, Шаҳрисабз ва Чироқчи туман кўмиталари бор эди».

Фирқа аъзолари ҳали фаоллик даражасига кўтарилмаган, унинг сафида бўлганлар кўпинча хоҳишдан кўра, вазият тақозасига қараб иш кўрганлар.

Чаноқ қишлоғида ҳам 20-йилнинг қирчиллама қишида «батрақлар» йиғини бўлиб ўтади. «Эришилган ғалабаларни» мустаҳкамлаш учун инқилобий кўмита (ревком) тузиш кун тартибига кўйилиб, муҳокама этилади. «Батрақлар» бир овоздан Дағар полвон Достонкул ўғлини «репкин» раиси қилиб сайлашга қўл кўтарадилар. Дағар полвон шу тариқа, қишлоқдаги шўронинг ишончли вакили — ревком раисига айланади.

Ҳокимият алмашинуви, тарихдан маълумки, зўравонликка асосланган бўлса, узоқ вақт халқнинг тинчлигига, турмуш тарзига жуда катта зиён етказган. Саросималикдан фойдаланиб қолганлар ҳам бўлган. Ўша йилларда қишлоқлар ўзларини-ўзлари

ҳимоя қилишга мажбур эди. Турли ниятдаги тўдалар кутилмаганда қишлоқларга бостириб келар, мол-ҳол, бойликларни талаб, кўздан йўқ бўлар эди. Булар «босмачилар» деб аталган, ватан озодлиги учун курашган кишиларга мутлоқ алоқасиз, одатдаги талончи, қароқчи тўдалар эди.

Дагар полвон ревком раиси бўлганидан сўнг, қишлоқдошларини муҳофаза қилиш, уларнинг қорнини тўйдириш ташвишлари билан банд бўлади. Қўшни қишлоқда фалон бойни сўйиб кетибдилар, бойлигини ўмариб, уйига ўт қўйибдилар, деган ваҳимали хабарлар тарқалиб турарди. Полвон шогирдларини навбатчиликка қўйиб, ўзи тун бўйи мижжа қоқмасди. Шу тариқа, ордан икки йилга яқин вақт ўтади. Шўро ҳокимияти кундан-кунга мустаҳкамланиб борарди.

Қизил салатанат ҳокимиятга келгандан сўнг мамлакатда бошланиб кетган фуқоралар уруши тинкани қуритган, бунинг устига қурғоқчилик, деҳқонларнинг кетмон ўрнига қурол ушлаши катта ҳудудларда очарчиликни келтириб чиқарганди. Қизил ҳукумат миллий ўлкалардан озиқ-овқат, пахта, жун, қоракўл териларни жамлаб, Марказга жўнатишга зўр бера бошлайди. Бухоро 20-йиллар аввалида РСФСР га 1420 пуд пахта, 14 минг пуд жун, 60 минг дона қоракўл терилари, ғалла, дон-дун жўнатади. Волгабўйида давом этаётган очарчилик Қашқадарёни ҳам ҳалокат ёқасига келтириб қўяётган эди.

Шаҳрисабз вилоятида, Қарши шаҳрида одамларнинг оч қолиш хавфи кучайганлиги боис, ғаллани Марказга жўнатиш бобида норозиликлар келиб чиқади. Шаҳрисабзда бу ишга Абдусаломов ва унинг муовини Тоғаев, Қарши вилоятида ревком раиси бўлган Нуриддинхон Аҳмадхон ўгли Оғалиқ эшонлар бошчилик қилади.

Бухоро амирлиги даврида Оғалиқ бек мансабида бўлган, янги тузумга — Шўрога ҳам хизматга таклиф этилган Нуриддинхон Қарши шаҳрида — округ марказида рўй бераётган воқеаларни яхши биларди. У ревком раиси сифатида озиқ-овқат, ғалланинг Марказга эшелонлаб жўнатилаётганлигидан хабардор эди. Аҳвол шу тариқа давом этадиган бўлса, қишлоқларда одамлар очликдан қирилиб битишини англаш қийин эмасди. Ҳатто, уруғлик донларнинг очарчилик авж олган Волгабўйига юборилиши умиди шу ғаллага боғланган бу ердаги одамларни муқаррар ҳалокатга олиб келарди.

Нуриддинхон ўзи билган, таниган эл кайвониларини, шу жумладан, Дагар полвонни ҳам ҳузурига чақиртириб, маслаҳат қилади. «Очарчилик, қаҳатчилик бўлаётган ўлкаларга ёрдам бериш мусулмонлик бурчимиз, — дейди у, — шу сабабли, ихтиёрингизда бўлган жами ғаллани, бор ашёни ҳисоб-китоб қилиб кўрингизлар. Ёзга етадиган захирамиз бўлса, ундан ортганини, майли, Урусияга юборайлик».

1922 йилда РКП (б) нинг XII съезди бўлиб ўтади. Съезд фирқа сафларини ёт унсурлардан тозалаш вазифасини кўндаланг қилиб қўяди. Шўро ҳокимиятининг илк даврида амирлик вақтида катта-кичик амалда бўлган кишилар, бойларнинг аксарияти ихтиёрий равишда мол-мулкидан воз кечиб, унинг хизматига кирган эди. Бу саводли, ҳалол, меҳнат қилишга ўрганган кишилар янги тузум билан чиқишиб кетамиз, у билан ихтилофга бориш бефойда, деб шу йўлни тутган эдилар. Бироқ, ҳокимият мустаҳкамлангани сари эски тузум сарқитларига — шўрога хизматга ўтган «ёт унсурлар»га эҳтиёж қолмаган. Энди улардан қутулиш, баҳридан ўтиш, «соф йўқсиллар» ҳокимиятини вужудга келтириш вазияти етилган эди. Чунки, ички синфий кураш ниҳоятда кескин тус олмақда, миллий ўлкаларда ватанпарварлик ҳаракатлари — қуролли қаршилик кўрсатиш кучайиб бормоқда эди.

Нуриддинхон ҳаракати Шўролар томонидан иқтисодий бойкот, деб қораланади. Бундай ҳаракат тарафдорлари собиқ Бухоро амирлиги ҳудудиде катта кўпчиликни ташкил этарди. Амирлик тузумига барҳам берилгандан кейин деҳқончилик тамомла издан чиққан, экин-тикин деярли қилинмай қўйилганди. Очарчилик қишлоқларни ўз ўпқонига торта бошлаганди. Фирқа бунга қарши қатағон усулини ишга солади. 1923 йилда Бухоро вилояти фирқа аъзоларидан 1505 киши, номзодларидан 154таси «тозаланишдан» ўтказилади. 202 одам фирқа аъзолигидан ўчирилади. 23-йилда «ёт унсурлар» энг кўп кириб қолган фирқа қўмитаси деб Қарши ташкилот эътироф этилади. Бу ташкилотдаги 27 фоиз аъзо фирқа сафидан чиқарилади...

23-йилнинг кузаги хосиятсиз келган эди. Бийдай далаларда ҳосил битмади. Майсалар жавзога етмай, бир қаричлигида қуриб қолди. Устма-уст уч йил баҳор ёгинсиз кечди. Одамлар томорқаларига бир амаллаб сув олиб келиб ғалла ўстирган пайкаллардан қишни чиқарадиган дон ола билдилар, холос. Аввало, кўпчиликда томорқа йўқ, бори ҳам ташландиқ ҳолда да,

ётарди. Дагар полвон йилнинг рафтига қараб, ерни вақтида имкон даражасида чуқурроқ ҳайдаб, бугдой, арпа ва бошқа зиротларни эккан эди. У бундан уч-тўрт йил муқаддам йиғиштирадиган ҳосилнинг ўндан бирини ҳам қўлга киритолмаганидан хуноб эди. Начора, асосан лалмикор ерлардан иборат бўлган вилоят оғир аҳволга тушиб қолган эди. Ҳокимият тепасида турганлар эса темир йўл бекатларига вагонларни тизиб, «янги ҳосил» ғалласини ортасан, деб буйруқ устига буйруқ қилар эди.

Дагар полвон дилдираб турган қишлоқдошларига аввалгидай «эшаги кўтарганча» дон-дун беролмаса ҳам, қишлоқ яланглигига катта дошқозон остириб, атала, гўжа ош, ҳафтада бир марта шўрва пишириб, едирарди. Чаноқ қишлоғи теваарак-атрофнинг пеши эди. Полвоннинг салобати ва обрўси ҳар хил олғир тўдаларнинг бу ерда оралашига монёлик қиларди. Ўша, қора қуюнли 20-йилларда қишлоқлар ҳақида бир-биридан ваҳимали гаплар тез-тез тарқалиб турарди. Чаноқ қишлоғига хатар бошқа ердан келаётган эди.

23-йилнинг илк сентябри кунларидан бирида Қарши шаҳрининг кунгай бўлган шарқий тарафидаги каттакон ҳовли милтиқли кишилар билан ўраб олинди. Бу ҳовлида анча кексайиб қолган Нуриддинхон оғалиқ истиқомат қиларди. У шаҳар ревкомининг раиси сифатида элга кўп яхшиликлар етказишга улгурган эди. Унинг, «халқ ночор, ейишга дони йўқ, йил оғир келаётир, сўнгги ботмон ғалласини тортиб олсак, бизни Аллоҳ жазолайди-ку?!», деган гаплари овоза бўлиб кетган эди. Қўлларига оғир наган ушлаган 6-7 кимса эшикни тегиб очди-да, ичкарига кириб кетди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, елвагай яктак кийган, соқоли оппоқ оқарган Оғалиқ қўллари занжирбанд этилган ҳолда олиб чиқилди.

Оғалиқ қамоққа олинган куннинг эртасига, 4-сентябр кечаси Чаноқ қишлоғига ҳам жазо гуруҳи етиб борди. Дагар полвоннинг уйи қуршовга олиниб, унинг ўзини оёқ-қўлини боғлаб Қаршига олиб кетадилар. Шу кун Шаҳрисабзда Абсаломов ва Тоғаевлар ҳам ҳисбга олинади.

Нуриддинхонинг сўнгги кунлари ҳақида женовлик Абдурашид бобо (ҳозир ҳаёт бўлганларида 100 га кирган бўлардилар) шундай ҳикоя қилган эдилар:

«1923 йил, пишиқчилик даври эди. Отам билан Қаршига бир сурув қўйни сотишга олиб борганмиз. Ўша вақтда 16-17 ёшда-

ман. Пайшанба оқшоми қўй-қўзиларни пуллаб бўлдик-да, тонг вақти шаҳар ичидаги бозорга мева-чева, майиз-ёнғоқ дегандай, харид қилиш учун бордик. Керакли нарсаларни олиб, карвонсаройга ўтамиз деб турганимизда бозорга жарчи оралаб, бир нима деб қичқира бошлади.

Отамнинг рангги қув учиб, «Эй, падарлаънат, бу нима деган гап? Шундай одам ҳам отиладимиз?», деди ўзича гапириниб. Билсам, жарчи, «Халойиқ, бозор олдига тўплан, ҳозир ёт унсур Оғалиқ эшон отилади», деган экан. Мен Оғалиқ эшоннинг кимлигини билмасдим. Одамлар гувиллаб бозор олдига юра бошлади. Шу орада отамдан бу киши ким, деб сўрашга ботиндим. Отам, «эй, ўғлим, бу одам жуда улуғ киши, элнинг қолқони, катта кўприги эди. Ўзимиз оч, ғаллани бировларга бермаймиз, деган эмишлар. Шу гапи учун отиладиган бўлиб турибди», деди кўзига ёш олиб.

Бозор олдида туманот одам тўпланди. Бир палла милиционерлар қуршовида соқоли оппоқ оқарган, оёқ-қўлида занжир бўлган бош яланг Оғолиқ эшонни олиб келдилар. Одамларнинг нафаси ичига тушиб кетган, иссиқ эрталабдан зўр, пешоналардан қора тер қўйилади. Мен отамнинг ёнида турибман, у киши қалт-қалт титрайдилар.

Шапка кийган бирови одамларга қаратиб «халойиқ, биз ҳозир Шўро давлатининг душмани, аксилинқилобчи Оғалиқ эшонни суд қиламиз. У халқнинг молу мулкани еб, яшириб йўқ қилган. Шу билан Шўрога қарши курашган. Унинг тиш-тирноғи билан кўрсатган қаршилиги оқибатида ўн минг пуд ғалла, минг бош мол оч қолаётган ўрус биродарларимизга етиб бормади. Ёт унсурунинг жазоси — ўлим» — деб бақирди.

Кейин билсам, бу учлик суди экан. Учта узун чарм камзул кийган одамлар бири у деди, бири бу деди, бириси бир варақ қоғозни ўқиб, четга чиқиб турди. Елкалари букилиб, кишан оғирлигидан азоб чекаётган Нуриддинхон уларга парво ҳам қилмади. Гапиряпсанми-йўқми парвосини бузмади. Ҳукм ўқиб бўлингач, бир тўда милиционерлар Оғалиқни баланд девор остига судраб кетдилар. Қаердандир пайдо бўлган аскарлар узун милтиқлардан ўқ уздилар. Эшон бова оломоннинг кўз олдида жон бердилар. Оғалиқ эшонни судраб олиб борганлар уни чўк тушиб ўтиришга мажбур қилдилар, чоғи. Эшон бова уларга финг демади, аммо, тиз чўкмади. Тик туриб, ўлимни қарши олдилар».

Нуриддинхон қатл этилганидан кейин, Хожа Абдулазизнинг қамоқхонага айлантирилган мадрасасида унинг иши бўйича айбланиб, ҳисба олинганлар тақдири ҳал этилади. Шаҳрисабзлик ватанпарварлар қаторида Дагар полвон ҳам аксилнқилобчиликда, захира ғаллани давлатга топширмасликда айбланиб, мадраса ҳовлисида тунда отиб ташланади.

Дагар полвоннинг айби Нуриддинхон Оғалиқ мажлисида қатнашганлиги эди. Ўша йиғинда элни очарчиликдан сақлаб қолиш чоралари ҳақида гап бўлган. Мажлисда қатнашганлар сони қанча бўлган, буни аниқ айтиш қийин. Лекин, бир нарса аниқки, ким рўйхатга тушган бўлса, биронтаси ҳам отилмай қолмаган.

БИРИНЧИ ҚАТАҒОН ҚУРБОНИ

Бухоро ва Фарғона водийсида Шўро салтанатига қарши кураш кучая бораётган эди. 1922 йилнинг 13 мартида РКП (б) марказий қўмитаси «Бухоро ҳақида» деган махсус қарор қабул қилади. Мазкур қарорда марказий қўмитанинг Туркистон бюроси барча аъзоларига Фарғона ва Бухородаги «босмачиликни» йўқотишни бош вазифаси қилиб қўйилади. Миллий озодлик ҳаракатининг кенг қулоч ёза бошлагани Марказни қаттиқ ташвишлантиради. РКП (б) марказий қўмитаси 1922 йилнинг 20 апрелида Г.К.Орджоникидзе маърузаси асосида РКП (б) марказий қўмитаси 1922 йилнинг 18 майида «Туркистон — Бухоро ишлари ҳақида» қарор қабул қилиб, унда «босмачиликни» тугатиш тadbирлари белгиланади.

Бухорога катта ваколатлар билан келган Г.К.Орджоникидзе Файзулла Хўжаевни ҳам аяб ўтирмайди, «Биз Бухоро ҳукумати-ни нафақат аксилнқилобчи унсурлардар, шунингдек, қариндошлик алоқаларидан ҳам тозалашимиз керак, — дейди у, — Файзулла ҳозирга қадар ходимларни қариндошлик ва яқинлик даражасига қараб танлаган...»

Қизил салтанат ҳокимиятга келгандан кўп ўтмай, амирликнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши барҳам топади. Инқилобий қўмита раҳбарлик қиладиган 15 вилоят тузилади. Улар Бойсун, Бухоро, Ғузор, Кармана, Нурота, Душанбе, Кулоб, Чоржўй, Қарши, Керки, Шаҳрисабз, Шеробод, Сариосиё, Ҳисор ва Гарм вилоятлари эди. 1921 йилда қишлоқ ревкомлари раисларига, шу



*Ғайрат Пулатов,
тадбиркор*



*Номоз Тошпулатов, Чаноқ
маҳалласи фахрийларидан*



«Мир Жанда» қабристонини обод қилиш чоғида



*Чорсу. Мамадамин Дағар полвон ўғли номидаги
ошхона*



Ертепадаги ташландиқ ерда вузудга келган боғда



Молия соҳасидаги касбдошлар даврасида



Ҳайдар бобо Даминов қурган қишлоқ тегирмони



Дағар полвоннинг қариндош-уруғлари



Дагар полвоннинг ворислари – қишлоқ аҳли



*Қадрдонлар
даврасида*



*Қадрдон дўстлар:
Нормуҳаммад Менглиев ва Ҳайдар Даминов*




Таъмирланган масжид



*Дағар полвоннинг қишлоқдошлари
ва авлодлари*



Маҳалла ариги



Ҳайдар бобо Даминов тераклари

жумладан, Дагар полвонга ҳам экин-тикин қилиш учун 300 минг пуд ғалла йиғиш топшириғи берилади. Чаноқ қишлоғидаги аҳоли зўрға кун кечириб турганлиги боис, полвон ўз омборидан 45 минг пуд арпа-ғаллани давлатга топширади. Қисқа муддатда мажбуриятга тушган доннинг 50 фоизи экиб бўлинади. Бу ҳақда «Известия» газетаси 1921 йил 13 апрел сонида мақтов руҳидаги мақолани эълон ҳам қилади. Ғузур тумани ревкоми Бухоро учун 1350 бош қорамол ҳам жам қилади. Шу молларнинг 30 тасини Дагар полвон ўз ҳисобидан ажратган эди.

Дагар полвон айнаи вақтда аравакашлар иттифоқининг туман бўлими раиси ҳам эди. Бу пайтда туманда 50 арава мавжудлиги қайд этилади.

Бухоро вилоятидаги аҳвол ёмонлашиб борар эди. Қуролли тўқнашувлар катта хавф туғдирмоқда, одамларнинг янги ҳокимиятдан ҳафсаласи пир бўлган эди. Г.К.Орджоникидзе келиб кетганидан кўп ўтмай РКП (б) марказий қўмитаси котиби Я.Э.Рудзутак Бухорога етиб келади. Рудзутак шахсан «ёт унсурлар»дан қутулиш тадбирларини ишлаб чиқади. 1923 йилнинг 23 июнида БКП марказий қўмитаси йиғилишида қабул қилинган, Рудзутак асослаган тадбирлар бириринчи Шўро қатағонига замин ҳозирлайди. Я.Э.Рудзутакнинг миллий масалага ҳаддан ташқари аҳамият бериши Нуриддинхон сингари ватанпарвар, элини ўйлаб иш тутадиган раҳбарларнинг «ёт унсур» сифатида тугатилишига сабаб бўлади.

1923 йилнинг ўзида Бухоро фирқа ташкилоти аъзоларининг 13,4 фоизи ўчириб юборилади. Энг хавфли, «ёт унсурлар» тўда бўлган фирқа ташкилоти деб Қарши фирқа ташкилоти қайд этилади. Қарши фирқа ташкилотидан 27 фоиз аъзо фирқа сафидан чиқарилади. Фирқа сафидан ҳайдалиш сўзсиз отилиш ёхуд Сибирга бадарға билан баравар эди.

Бухорога қарашли вилоятларда «ёт унсурлар»ни тугатиш ишига Москванинг шахсан аралашуви, Марказқўм котибларининг жонҳалак бўлиб келишлари бежиз кетмайди. Қаршида Нуриддинхон Аҳмадхон ўғли (ревком раиси), Райимсўфидан Саиднаби қоравулбеги (ревком раиси), Ғузурдан Дагар полвон Достонқул ўғли (ревком раиси), Шаҳрисабдан Абсаломов (давлат мудофааси раиси), Тоғаев (унинг котиби) ва бошқа ўнлаб 13,4 ва 27 фоизлик «тозалашга» тушган элпарвар раҳбарлар ноҳақ ҳибсга олиниб, отиб юборилади. Биринчи қатағон тўлқини кўплаб беғуноҳ умрларга завол, қирон келтирди.

20-йилларда Шўро давлати ўтказган миллий ўлкалардаги биринчи қатағон гирдобига тушган юртдошларимизнинг аниқлашга имкон бўлган исми шарифларини келтириб ўтиш жоиз бўлади: Маллабек Имом ўғли, Имом Шариф ўғли, Жўраҳон Тугмаев, Нуриддин Раҳмат ўғли, Остон ҳолиқ ўғли, Абдуҳамид Абдурашид ўғли, Бойназар Хўжаназар ўғли, Зиёд Жўра ўғли, Ҳасан Мавлон ўғли. Қаҳҳор Жўрақул ўғли, Мулло Зиё Шомурод ўғли, Мулло Зайниддин, Мулло Наби Ваҳҳоб ўғли, Мурад Мўмин ўғли, Омон Абдурасул ўғли, Холмат Нурмат ўғли, Анвар Хошим ўғли, Холниёз Бобониёз ўғли, Бойна Турсун ўғли, Шомурод Пўлот ўғли, Бозор Ярман ўғли, Риза Жума ўғли, Маманазар Пирназар ўғли, Раҳимқул Чори ўғли, Хўжааҳад Тўхтамурад ўғли, Очил Назир ўғли, Абдуназар Тўрақул ўғли, Турди Сайид ўғли, Қурбон Тўрақул ўғли, Саттор Кенжа ўғли, Сойиб Пирназар ўғли, Аваз Аёз ўғли, Хайит Мирзо ўғли, Бекназар Жомурод ўғли, Суннат Назар ўғли, Хайит Собит ўғли, Тошпўлот Останақул ўғли, Жаббор Маманазар ўғли, Бозор Назар ўғли...

20-йилларда Беҳбудий (Қарши) шаҳрида мадрасаман деганининг ҳаммаси маҳбусхоналарга айлантирилган эди. Тарихшунослар Мустақиллик тарихини яратар эканлар, шўро давлати амалга оширган биринчи қатағон ҳақида ҳали ҳамон номаълум қолиб келаётган хунрезликларни инкишоф этадилар, деб ишонаман. Мен юқорида келтирган рўйхат денгиздан бир томчи, холос.

«Тройка» — уч кишилик суд қутуриб ишлаганини ёши улук кишилар яхши билади. Жиноят аломатига эмас, сиёсий мансублигига қараб ҳукм қилиш одатдаги ҳолга айланган эди. Нуриддинхон ва унинг сафдошлари ана шу «тройка» — учликнинг ҳукми билан «халқ душмани» сифатида сўроқсиз, тафтишсиз отиб юборилган эдилар.

Дагар полвоннинг айби нимада эди? Эли, қишлоғи учун кўксини қалқон қилган, керак бўлса молини ҳам, жонини ҳам берган бу ҳалол, покдомон инсон Қаршида Нуриддинхон ўтказган йиғинда қатнашганлиги учун унинг маслакдоши сифатида ном-нишонсиз йўқотиб юборилади. Бу адолатли, халқ давлатининг иши эдими?

Бутун авлоди яхшиликка, меҳнатга, юртни ҳимоя қилишга камарбаста бўлиб келган Достонқул ва Дагар полвон сулоласи эл қаторида қаттиқ азиятлар чекди. Тазйиқлар, бадарғалар тўфонини бошдан кечирди.

Шўро давлати зўравонлик билан ҳокимиятга келган эди. Мажбуран бирлаштирилган миллий ўлкалар 74 йил давомида истибод остида яшади. Озодликка бўлган интилишни қирқиб туриш учун қизил салтанат вақти-вақти билан сиёсий қатағонларга эрк берди. Ўзининг қаттол, ноҳақ сиёсатини ҳамиша халқ номи билан хаспўшлайдиган шўролар миллатнинг гули бўлган инсонларни турли уйдирмалар, туҳматлар, баҳоналар билан қамоқда ушлашга, жисмоний йўқ қилишга зўр берди.

Биринчи оммавий қирғин мамлакат ичкарасида авж олган озодлик курашини йўқ қилиш мақсадида 23-йилдан бошланган эди. Унинг акс садоси, аниқроқ айтилса, янги тўлқини 29-йилда янада кучайган эди. Энг даҳшатли, бутун шўролар давлатини чўлғаб олган сийсий қатағон 37-йилда авж нуқтага кўтарилади. Бу орада иккинчи жаҳон уруши ўртага тушади. Капиталистик дунёни рад этиш шўроларга қимматга тушади. Неча миллионлаб бегуноҳ кишилар уруш халқасига тортилиб, қирилади.

Урушдан кейинги йиллар ҳам шўро давлатининг қатағон жазаваси тутмай қолмайди. 52-йилда миллатчилик билан айбланиб қанча олимлар, зиёлилар, хуллас, миллатнинг илғор вакиллари яна қамоқларга ташланади, отиб юборилади. Жаҳон афғор оммаси инсон ҳуқуқлари ҳақида декларация қабул қилаётган бир пайтда, қизил салтанат ҳур фикрли фуқораларни таъқиб остига олишда давом этади. Шўро тарихида энг сўнги қатағон — 82-йилда юзага чиқиб, у хусусан Ўзбекистонда қора човутини баралла ёзган эди. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» ҳали ҳамюртларимиз хотирасидан чиққан эмас. Қатағонларнинг қора кўланкаси судралиб ортда қолиб кетди. Ватанимиз Ўзбекистоннинг озодликка эришуви, Мустақилликни қўлга киритиши мислсиз тарихий воқеа бўлди.

Мустақиллик халқимизга истиқлол уфқларини очди. Тарихга бўлган ҳурмат кучайди, қадриятлар, удумлар элга қайтди. Мустақиллик берган имконият сабаб, Оқ подшоҳнинг юртимизнинг босиб олишига қарши ватанпарварлар сафида курашган ғузорлик паҳлавон Достонкул ва унинг элпарвар фарзанди, полвонлик ва ҳунарни улуғлаган инсон Дағар полвон ҳақида сўзлаш, фикр юритиш мумкин бўлди.

Биринчи Шўролар қатағонининг қурбони бўлган ҳамюртларимиз руҳи шодмон бўлсин. Уларнинг чироғи учмай порлаб тургани катта бахт. Дағар полвон авлодлари бугун нафақат Ғузор

балким, вилоятимизда, юртимизда таниқли кишилар. Бу авлод вакиллари ҳамеша ҳалол меҳнат билан обрў-эътибор қозонганлар.

Дагар полвоннинг хотираси унинг қишлоқдошлари ёдидан кўтарилган эмас. Инсоннинг иккинчи умри у қолдирган фарзандларда, яхшиликларда ва хотираларда давом этади.

ЎЧМАС
ХОТИРАЛАР



ПОЛВОННИНГ ОРЗУСИ



**Зойир бобо
Тошпўлатов,
уруш ва меҳнат
фахрийси**

этилган тутзор, собиқ «қишлоқ хўжалик химияси» бирлашмасига қарашли аэродром жойларида Дагар полвоннинг болалиги кечган. Отамизнинг нақл қилишларича, Дагар полвон ўз даврининг ўта тадбиркор, ҳунарманд, элпарвар кишиси сифатида танилганлар.

Мен 1923 йилда ҳозирги «Истиқлол» хўжалигининг Чаноқ қишлоғида туғилганман. Туғилганимдан бери шу қишлоқдан чиқмай яшайман. Мен Дагар полвон ҳақида отам Тошпўлат бободан кўп хотиралар эшитганман. Отамнинг таъкидлашларича, ҳақиқатдан ҳам, Дагар Достонқул ўғли кураги ерга тегмаган полвон эканлар. Қишлоғимизда болалар спорт мажмуасининг қад ростлаб туриши рамзий маъно бўлиб, буларни полвоннинг орзусини амалга ошиши, деса бўлади.

Ширкат хўжалигимизнинг машина-трактор паркиннинг олд томонида ташкил

ҲАМ ПОЛВОН ҲАМ УСТА



**Малла бобо
Худойбердиев,
уруш ва меҳнат
фахрийси**

га, бева-бечораларга бўлиб берган. Полвоннинг бир одати бор экан. У вақти-вақти билан уйма-уй кириб, ким нимага муҳтож, оғриганми, дон-дуни борми, сўраб-суриштириб ёрдам берган. Бо-

85 ёшдаман, шу Чаноқ қишлоғида таваллуд топганман. Дагар полвонни кўрмаган бўлсам-да, унинг шогирдларидан чавандозлик ва кураш илмини ўрганганман. Йигитлик давримда тўйларда олишиб, кўпкари чопганман. Бир куни отам раҳматли мени олдиларига чақириб, «ўғлим, сен от чопсанг, кураш тушсанг Дагар полвондай олиш ва кўпкари чоп», деб насиҳат қилдилар. Сўнг у кишининг полвонлик фазилатлари ҳақида гапириб бердилар. Отамнинг айтишларича, Дагар полвон ерларидан чиқадиган ҳосилнинг бир қисмини қишлоқнинг муҳтожларига,

сийшига иш тушган, аҳволи оғир кишилардан ёрдамини аямаган. Шу сабабли, Дагар полвоннинг ҳурмати катта бўлган. Қишлоқда бўладиган тўйлар унинг баковуллиги сабаб жуда яхши ўтган.

Дагар полвон ақлли, кучли полвон бўлишидан ташқари, ҳунари билан пул топиб бойиган. Йигитга қирқ ҳунар ҳам оз, деганларидек, Дагар полвон моҳир чавандоз, док ўйинининг илдами, кураги ерга тегмаган, довруғли курашчи, уста ва яна нимага қўл урса уддасидан чиқадиган истеъдодли киши бўлган. Унинг мардлиги ва тadbиркорлиги Фузор тўраси Сайид Ақромхонни лол қолдиради. Тўра уни ҳузурига чақириб, туманда кураш, от ўйинлари, чавандозлик ишларини ёшларга ўргатиш, шу соҳага бошчилик қилишни топширган.

Отамизнинг нақл қилишларича, алғов-далғов пайтлари, безорилар, ўғрилар, талончилар кўпайган. Чаноқ қишлоғига Дагар полвоннинг салобатидан биронта нияти бузуқ кира олмаган. Ёдимдан кўтарилмасин, Дагар полвон Фузорда тўранинг боғини ташкил этишда жонбозлик ва раҳбарлик қилган.

Энди, табиатнинг тантилигини қарангда. Дагар бобо ўз умрида спортга зўр аҳамият берган ва тўранинг олд полвони бўлган. У кишининг ёшлиги ўтган жойларда бугун болалар спорт мажмуаси қурилди. Бу ҳам Дагар бобонинг яхши ишлари давом этаётганидан бир дарак. Болаларимиз ажодлари меросини давом эттиришлари қувончли-да.

РУҲЛАРИ ШОД БЎЛСИН

Мен Дагар полвоннинг ҳамқишлоғи бўлганимдан фахрланаман. Болалигимиздан бу исми шарифни яхши биламиз. Отабоболаримиз, қарияларимиз гурунглarda Дагар полвон курашлари, ёш шогирдларни олишга, чавандозликка ва касб-ҳунарга тайёрлаганлиги тўғрисида кўп сўзлаб берганлар. У кишидай мард, кучли, ҳунараманд бўлишни орзу қилиб ўсганмиз.

Дагар полвон олишиб йиқилмаган, кураги ерга тегмаган довруқли полвон бўлган. У кишининг спорт ривожига ҳиссалари жуда катта бўлган. Фузорнинг қай-



Тангри Чориев,
меҳнат фахрийси

си бир қишлоғида бўлсанг, Сайид Ақромхон даврида кураш, док ўйини, чавандозлик, мерганлик авж олганлигини, бу ишларга бизнинг Чаноқ қишлоғимиздан чиққан Дагар полвон бошчилик қилганлигини ҳамон эслаб гапирдилар.

Дагар бобо орзу қилган кунлар келди. Юртимиз мустақил бўлди. Энди спортнинг ривожини кўриб, дилимиз яйрайди. У киши умрини спортга бағишлаган, шу соҳада устозлик, мураббийлик қилган эди. Оқибатда, у киши бу оламни тарк этганидан кейин ҳам руҳи шод бўладиган бўлди.

Яқин ўтмишимизда амалда бўлган спорт тарихимиз Дагар полвон каби ёрқин сиймоларсиз мукамал бўлмайди. Собиқ шўро тузуми даврида ўтмишда яшаган полвонларимиз билан мақтана олмасдик. Шукур, эндиликда улар номини фахр-ифтихор билан тилга олмоқдамиз, номларини абадийлаштирмоқдамиз.

БОБОЛАР ҲИКМАТИ



Нормухаммад
Менглиев (80 ёш),
меҳнат фахрийси

Инсоннинг боши — тегирмоннинг тоши, дейдилар, Болалигимизда шу тева-рак-атрофдан ўтган полвонлар, чавандозлар бой-бадавлат, саховатли кишилар ҳақида кўп суҳбатлар бўларди. Жумладан, бизнинг тоғ тарафларда Сафаралибой ва унинг ўғли Хусанбой номлари яхшилик билан эсланарди. Бу ота-бола инсонлар қўли очиклиги, одамшавандалиги билан танилганлар. Хусанбой билан Дагар полвон чорва туфайли дўстлашиб, қадрдонлашиб қолганлар. Пастда курғоқчилик бўлган йиллари молларни тоққа олиб чиқиш бойларнинг розилигисиз

бўлмаган. Хусанбой, ернинг неъматини ҳаммага етади, деб минглаб қўй-қўзиларни қирилиб кетишдан сақлаб қолган.

Дагар полвон билан Хусанбойнинг қудалашуви икки элни бир-бирига чамбарчас боғлади, азалий дўстликни мустаҳкамлади, десам янглишмайман. Ўзбек ва тожик халқи дунё пайдо бўлибдики, ёнма-ён яшайди, оғирни ҳам, енгилни ҳам бирга баҳам кўради. Қиз бериб, қиз олади, қуда-қудагай бўлиб, тотув-

ликда ҳаёт кечиради. Дагар полвон билан Ҳусанбойнинг қудалашуви хайрли бўлди. Уларнинг авлоди бугунги кунда таниқли инсонлар. Дагар полвоннинг набираси Ҳайдар Даминов бобокалонлари боғлаган ришталарни маҳкам ушлаб келаётир. Қизил Мозор қишлоғимиз Ҳайдар аканинг она юрти бўлади. У киши Қизил Мозорга чиқиб борганларида биз Ҳусанбойнинг авлодлари хурсанд бўламиз. Тарихни эслаб, хотирлаб узун суҳбатлар қурамиз.

Ҳайдар Даминов билан эскидан дўстмиз. Собиқ Кўкбулоқ туманига 1955 йилда Ҳайдар Даминов молия мудирини бўлиб ишга келганлигини эшитдим. Мен ўша пайтда туман халқ маорифи бўлимида бош инспектор вазифасида ишлардим. Ҳайдар Даминовнинг онаси бизнинг Қизил Мозор қишлоғимиздан эканлигини аввалдан билардим. Шу сабабли, у билан тезда танишиб, яқин дўст бўлиб кетганмиз. Мана, ярим асрдан ошибдики, ҳамон дўстмиз, борди-келдимиз мустаҳкам. Боболаримиз боғлаб кетган қариндошлик ришталари ҳеч қачон узилмайди. Боболарнинг кечмиши ва демишида ҳикмат кўп.

БАҒРИ КЕНГ ИНСОН


Жума бобо Қувватов (84 ёшда)

Қизил Мозор қишлоғида туғилганман. Ота-боболарим деҳқон кишилар эди. Ўзим ҳам узоқ йиллар хўжаликда агроном бўлиб ишлаганман. Дуоб фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қизил Мозор қишлоғи ўзининг таниқли кишилари билан машҳур, десам янглишмайман. Хусусан, Сафаралибой, у кишининг фарзанди Ҳусанбойлар фикрим далили бўла олади. Ҳусанбойнинг Заргул, Бойбола, Хўжақул, Норбой, Али исмли фарзандлари бўлган. Отаси Сафаралибойдан катта ер майдонлари, яйловлари мерос қолган. 500 таноб ер, 10 мингдан ошиқ қўй-қўзилари бўлган. Тахминан 1915 йилларда Ғуздорнинг Чаноқ қишлоғида яшаган Дагар полвон Достонқул ўғли саратон пайтларида сурув-сурув қўйларини ўтлатиш учун тоққа олиб чиққан.

Феъл-атворда Дагар полвон билан Ҳусанбой жуда яқин экан. Бу — уларнинг дўстлашиб кетишига сабаб бўлган. Ҳусанбойнинг Ойсулув исмли набирасини (Хўжақулбойнинг қизи) Дагар полвон ўғли Мамадаминга олиб беради.

си Дагар полвон сингари саховатли, бағри кенг инсон бўлган. Бечоралардан, камбағаллардан хайр-эҳсонини аямаган. Йўллар солган, кўприклар қурган, тегирмонлар, ёғ жувозлари қуриб, элнинг корига яратган.

ИБРАТ



**Халил Бойқобилов,
меҳнат фахрийси**

Дагар полвоннинг набираси Ҳайдар Даминов билан қадрдон дўстмиз. Бунинг устига, қуда-анда бўлганмиз, қариндошлик ришталари билан боғланганмиз. Ҳайдар акада бобосининг феъли мужассам: меҳрибон, оилапарвар инсон, дўстликни, ҳалолликни, саҳийликни қағтиқ ушлайди. Ёши бир жойга борган бўлса-да, тиниб-тинчимайди. Қўл қовиштириб ўтириш у кишига ёт. Умрида кўп савобли ишлар қилган. Айниқса, қабристонни ободонлаштиришга бел боғлаши, бу ишни қойил

қилиб адо этишини ҳар қанча мақтасак арзийди.

Яна бир ажойиб фазилати, бу ҳам бобомерос сифатлардан, Ҳайдар ака боғ яратишни жуда севадилар. Кўчат ва ниҳолларни экишдан олдин синчиклаб танлайдилар, ерига қараб экишга ҳаракат қиладилар. Ҳайдар аканинг боғига кирган одамнинг ундан чиққиси келмайди. Турфа навлар, анвойи дарахтлар. Манзарали, мевали дов-дарахтлар боғбоннинг дидидан дарак бериб туради.

Ҳайдар ака кайвони одам, ҳеч кимдан яхши маслаҳатини аямайди. У киши тарихга қизиқадилар. Боболари Дагар полвон ҳақида кексалардан сўраб-суриштириб, кўп нарсаларни аниқладилар. Одам ўз аждодлари босиб ўтган йўлни яхши билса, ҳаётда ҳеч қачон қоқилмайди. Чунки, Президентимиз тўғри айтганлари каби, хотирасиз келажак йўқ. Ҳар ким ҳам, қани эди, қўлидан келса-да, 7 бобоси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлса. Боболаримиз хайрли ишларни қилиб кетганлар. Уларнинг қутлуғ исм-шарифларини билмоғимиз, улуғламоғимиз фарз ва қарз. Бу соҳада ҳам Ҳайдар ака Даминовдан ибрат олсак арзийди.

ЯХШИЛИК

Дагар полвонни боболаримиз доимо эслаб, ёшларимизга ибрат қилиб кўрсатадилар. У кишининг инсоний фазилатлари кўп бўлган. Мени ҳайратга соладигани шуки, Полвон бобомиз чинакамига тадбиркор, замонасининг ўта ақлли инсони бўлган. Бундай ўйлаб кўрсак, Дагар полвон отасидан қолган ер-сув, молу мулк ҳисобига роҳатланиб, жон койитмай яшаши мумкин эди. Дагар полвон, ҳайтовур, «ётиб еса, тоғ чидамайди», деган нақлга амал қилган.

Отадан қолган сурув-сурув қўйларни ўзидан кўпайтириш осон иш эмас. Полвон қийинчиликлардан, меҳнатдан қўрқадиган киши эмасди. Одамлар ўша қурғоқчилик йилларида ўнта қўй-эчкисини боқолмай, ора йўлда қолганларида Дагар полвон тоғдан қўним топади. Бу жойда орттирган дўстлари уни қўллаб-қувватлайди. Бунинг учун замин бўлиши керакми? Дагар полвон умрида бировга ёмонлик раво кўрмаган. Таниш-нотанишга ҳам яхши муомала қилган, зарур бўлса, ёрдамини аямаган. Ким нима экса шуни ўради-да, ўша вақтдаги бойлар ҳам ўзларининг молларини ўйлаб, унчабунча одамни тоққа мол билан йўлатавермаган. Яхшиликдан яхшилик туғилади.

Дагар полвондаги одамийлик фазилатлари тўласича унинг набираси Ҳайдар акага кўчган. Мен Ҳайдар акани софлиги, ҳалоллиги, меҳнатсеварлик фазилатлари учун жуда ҳурмат қиламан. У кишидан ўрнак олишга интиламан. Ҳайдар акадаги саховатпешалик ҳақида узоқ гапириш мумкин. У кишидаги бу ажойиб хислатлар элда обрўлари тобора ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Элга қайишган, ўтганларни эъзозлаган киши асло кам бўлмайди. Бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам обод бўлади. Табаррук ҳадислардан келиб чиқиб, шундай хулоса мавзуга ярашиқ бўлади, деб ҳисоблайман.



Усмон Эшназаров,
туман халқ таълими
ходими

ҲАЛОЛЛИК



**Мейлон Қайнаров,
иқтисодчи**

Дағар полвоннинг набираларидан бири Ҳайдар ота Даминов катта ҳаёт йўлини босиб ўтаётган тажрибали устоз, таниқли иқтисодчидир. Ҳайдар ота ўз соҳасининг билимдони, фидойиси сифатида қирқ йил молия-иқтисод соҳасида ишлаб келди. Турман молия бўлимини узоқ йиллар ҳавас қиларлик даражада бошқарди. Қанчадан-қанча шогирдлар етиштирди.

Ҳайдар ота иродали инсондир. Ҳамкасбларига меҳрибон, улардан билганини аямайди. Хато қилгудек бўлса, собитқадамлик билан уни тўғри йўлга солиб юборади. Шахсан мен у кишининг ҳаёт тарзини ўзимга ибрат сифатида қабул қилганман. У кишидаги сабр-қаноатга қойил қолмай бўлмайди. Етти ўлчаб, бир кесадилар. Шошилмайдилар, ҳар бир нарсага катта-кичик деб эмас, муҳим деб қарайдилар. Чуқур мулоҳаза юритадилар. Ҳайдар ака турмушда кўп қийинчиликлар гувоҳи бўлган. Оталарининг бойнинг ўғли сифатида бадарға — қулоқ қилиниши, Тожикистонда кечган сарсонликлар, машаққатларни енга билиш, илмни эгаллаш осон кечмаган. Устоз ҳеч қачон қийинчиликлардан қўрқмаган. Ҳалол яшаш у кишининг ҳаётдаги шиори бўлган. Иродаси зўр инсонлардан полвонлар, кучли шахслар, раҳбарлар чиқади, деб ўйлайман. Турмуш ташвишлари Ҳайдар акани болаликдан меҳнат қилишга кўниктирди. Ҳаёт синовлари бу хонадонни кўп тоблади, томирида Дағар полвон қони бўлган Ҳайдар ака ҳам уларнинг бири. Элда меҳнати, софдиллиги, сахийлиги билан ҳурмат қозонган устоз ҳамиша соғ-саломат бўлишини тилаб, сўзимга яқун ясайман.

ЎЧМАС ХОТИРАЛАР

Замира Маматқулова, журналист.

Авлонинг ким бўлганлигини насабининг бугунги вакиллари қандайлигига қараб, бемалол айтиш мумкин. Чунончи, Дағар полвоннинг таърифи элда маълум ва машҳур. У

зот ҳақида ўчмас хотиралар сақланиб қолган. Дагар полвоннинг набираларидан бири, Ғузор ва Қашқадарёда таниқли инсон Ҳайдар отани бир сўз билан ўз даврининг меҳнат қадрини чуқур ҳис этадиган кишиларидан дейиш мумкин.

Дагар полвон ёнига 100 шоғирд олиб, уларни курашга, чавандозликка, ҳунарга қандай ўргатган бўлса, Ҳайдар отанинг шоғирдлари ҳам бугунги кунда вилоят ва туманимизда кўплаб топилади.

Ҳайдар ота Мустақиллик берган имкониятларни эрта англаган кишилардан. Қадриятлар тикланиши, аждодларга бўлган ҳурматнинг давлат аҳамияти даражасида юксалиши у кишига қанот ва бардам руҳ бағишлади, десам янглишмайман. Юртимиз озодликка эришган дастлабки кунларданоқ Ҳайдар ота эзгу ва савоб ишлар бошида турди. Туманимиздаги «Мусофир ота», «Мири Жанда» қабристонларини ободонлаштиришда ғайратини ҳам, маблағини ҳам аямадилар. Қабристон улуғ аждодларимизнинг, бобокалонларимизнинг табаррук хилқати. Инсоннинг охирати обод бўлиши кераклигини ҳар сафар тилак қиламиз, дуоларга қўл очамиз. Қабристон ободлигида ўзига хос бир тасалли борлигини инкор этиб бўлмайди.

Ҳайдар отанинг маҳалла-қўйда катта ҳурмати бор. Наврўз байрами кунларида у киши саховатни дариф тутмайдилар. Элга дастурхон ёзиш савобли, албатта. Ҳайдар ота қачон ва қандай тадбир бўлмасин, эзгуликдан четда турмайди. Кам даромадли оилаларга кўрсатилаётган ҳимматни алоҳида қайд этиш лозим. У киши бир сўзли, қатъиятли инсон. Худди боболари каби спорт ишқибози. Худди боболари сингари ўн фарзанднинг отаси, пиру бадавлат киши. Ҳайдар отанинг 38 набираси, 10 та чевараси бор. Келинлар, куёвлар кўпчил. Рўзгорнинг ободлиги ҳалол меҳнатнинг самараси. Ҳайдар отадек азамат, диловор кишилар кўп бўлсин. У кишининг хонадонидан ўрнак олаётган ёшлар юртимиз Ўзбекистоннинг тараққиётига катта улущ қўшадиган фидойи инсонлар бўлишига аминман.

БАХТ АСОСИ



**Ғайрат Шаропов,
туман «Нуроний»
жамғармаси раиси**

Биз Хайдар ака билан бир замоннинг, бир маҳалланинг одамларимиз. Боболари ҳақида ёшлиқдан яхши гаплар эшитганмиз. Дағар полвон авлодларига ҳавас қилсак, арзийди. Аждодларининг руҳини эъзозлаш, уларга муносиб авлод бўлишга интилиш, айниқса, Ҳайдар акада сезилиб туради. У босиб ўтган йўли давомида шаънига доғ тегдирмаслик, меҳнат билан бахт асосини қуриш таомилига риоя қилиб кам бўлмади.

Ҳайдар ака теран мулоҳазали, катта билимли, кўпни кўрган киши. У киши билан суҳбат қурганингда бир янги сўзга, ҳикматга дуч келасан, киши. У кишининг хотирасига қойил қолмай бўлмайди. 50 йил муқаддам Ғузорда ўтган бир йиғилишни эсга олгудек бўлсалар, ипидан-игнасиғача, худди кеча бўлгандек ниҳоятда жонли қилиб сўзлаб берадилар.

У киши кейинги пайтларда туманда катта ишларга бош-қош бўлмоқдалар, хусусан, қабристонларни обод қилиш, масжидларни таъмирлаш, йўллар ва кўприклар солиш, кам таъминланган оилаларга кўмак бериш сингари савобли ишлар ҳурматларига ҳурмат қўшмоқда.

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Баҳодир Йўлдошев, фуқаролар йиғини фаоли.

Бизнинг «Хўжагузар» маҳалламиз туманда энг нуфузли ҳисобланади. Ҳайдар ота маҳалламизнинг муҳтарам отахонларидан бири. У киши маҳаллада ўтадиган катта-кичик тадбирларда фаол иштирок этади, ёшлардан ўз маслаҳатларини аямайди. Маҳалламизнинг ободонлиги, кўкаламзорлаштирилиши бевосита Ҳайдар ака номи билан боғланади. У киши табиатан покизаликни, саришталикни хуш кўрадилар. Уйлари қанча обод бўлса, маҳалла ундан ҳам чиройлироқ бўлишини тилайдилар. Муҳими, Ҳайдар аканинг сўзи билан иши бирлигида. Маҳалла учун бор имкониятларини ишга соладилар, зарур бўлса, моддий жиҳатдан қўллаб турадилар. Кам таъмин

ланган оилаларга саховатини дариф тутмайдилар. Маҳалла аҳли Ҳайдар акани инсонийлиги, кўнгли очиқлиги, ҳалол-поклиги учун қаттиқ ҳурмат қилади. Бу кишининг боболари ҳам улуғ инсонлар бўлиб ўтганлар. Қуш уясида кўрганини қилади, деб халқимиз бежиз айтмаганлар.

ЭЗГУЛИК ВА САВОБ

Бир машойих «қишлоқни уйларига эмас, қабристонлари ободлигига қараб мақтайдилар», деган экан. Қабристонларимиз Мустақилликка қадар қандай хароба ҳолда бўлганлигини эсласам, юрагим увишиб кетади. Қабристонларни обод қилиш, деган тушунча шўро даврида йўқ эди. Қабристонлар ёнига дафн куни демасангиз, бошқа вақт бориб бўлмасди, динга берилдинг, деб жазога тортишар эди.

Ҳайдар ака, чамаси, ўтганлар қадрини болаликдан яхши билган. У боболарининг ким бўлиб ўтганлигини чуқур идрок қилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ, Ҳайдар аканинг қилган биринчи эзгулик ва савоб иши «Мусофир Ота» қабристонини обод қилишдан бошланган эди. Ҳайдар ака гурунгларида ёш раҳбарларга мурожаат қилиб, «ихтиёрингизда етарли куч бор, қабристонларни обод қилишдек хайрли ишдан четда турманг. Мен кўрдим, билдим, мансаб, амал деганлари ўткинчи. Ота-боболаримизнинг хоки ётган ерлар саранжом-сарипта, пок бўлиши керак. Қабристонларда ота-боболаримиз, момоларимиз, яқинларимиз ётибди. Уларнинг забони йўқ. Лекин руҳи уйғоқ. Нимаики яхши иш қилсак, кўриб-билиб туради. Кундалик ишларимизда биз сезмаган ҳолда мадад бўлади», дейдилар.

Ғузурда қабристонлар Ҳайдар ака ташаббуси билан обод қилина бошланди. Бу соҳада у кишига тасанно демай бўлмайди.



**Ўсар Очилов,
маиший хизмат
ходими**

ТАРИХГА ҲУРМАТ



**Шаҳриёр Равшанов,
тадбиркор**

Мен Ҳайдар ота Даминовга она томондан қариндош бўламан. Хусанбой бобом ва Дагар полвон ҳақида тўйларда ёки Гузордан қариндошларимиз келган вақтда кўп гурунглар бўлади. Боболаримизнинг меҳнаткаш, кучли, халқпарвар кишилар бўлганлигидан фахрланамиз. Бу икки улуғ инсон ўзбек ва тожик халқлари дўстлигининг яна бир халқасини асослаб кетганлар. Бу силсила замонлар ошиб ҳам давом этмоқда. Шу жиҳатдан, Ҳайдар ота биз деҳқонободликлар учун ҳам қадрли инсон. У кишининг ҳаётлари ўзи бир тарих. 2000 йилда Ҳайдар ота оналарининг руҳини шод этиш учун Қизил Мозор қишлоғига келган эдилар. Қизил Мозорга қўниқўшни бўлган етти қишлоқ одамларини йиғиб, оналари учун худойи ош бердилар. Ушандан буён бу одатларини қанда қилмай, она қишлоғига келиб турадилар. Бидамизки, ўтганларга ҳурмат, тарихга ҳурмат. Тарихини унутган халқнинг истиқболи бўлмайди. Ҳайдар ота боболари руҳини шод қилиш учун тарихга мурожаат қиладилар. Излаб-ўрганадилар. Дагар полвон ҳақида уни билганлардан, эшитганлардан мисқоллаб хабарлар тўплайдилар.

ЭЗГУЛИКНИ ШИОР ҚИЛИБ



**Рўзибой Раҳмонов,
ўқитувчи**

Дагар полвон тарихини бугунги ёшларимиз яхши билиши керак. Фидойи инсонлар руҳи доимо мусаллам тутилиши жоиз, зероки, шўро даврида қатағонга учраган, номлари бадном этилган қанча ватанпарвар олимлар, шоирлар, адиблар, давлат арбоблари, оддий кишилар исми шарифлари мустақиллик туфайли покланди. Ҳақиқат тикланди, қадриятлар юз очди. Дагар полвон умрида яхшиликни шиор қилиб, элнинг оғирини енгил қилиб ўтган инсонлардан. Ноҳақ қатағон қилинган юз минглаб ватандошларимиз орасида Да-

гар полвоннинг ҳам қутлуғ исми шарифи бор. Унинг ўтмиш спортимиз ривожига қўшган ҳиссасини тиклашимиз, бу ҳақда асарлар ижод қилишимиз ўринли бўлади.

Шу жиҳатдан Ҳайдар ота босиб ўтган йўл — ўзига хос бир тарих. Бобоси руҳини, унинг пок номини шод этиш, тиклаш йўлида қанчалик саъй-ҳаракат қилиб келдилар. Элимизда Дагар полвон каби оддий, фидоний кишилар кўп бўлган. Биз бундан фахрланамиз.

ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ

«Чаноқ» маҳалласининг тарихи олисдан бошланади. Вақтида Фузор атрофида пайдо бўлган қишлоғимиз шажараси кўп асрлар

билан бўйлашади. Чаноқда ўзига тўқ, танти, полвонсифат кишилар истиқомат қилиб келганлар. Қанчалаб чавандозлар, номдор полвонлар етишган. Чаноқликлар азал-азалдан чорвадор ва деҳқон кишилар бўлишган. Қишлоғимизнинг донғини Достонқул полвон ва унинг ўғли Дагар полвонлар бутун Бухоро амирлигига ёйган. Бу ҳақда кексаларимиз ҳали ҳамон завқ билан гапириб юришади. Дагар полвон олиҳиммат, элпарвар, мард инсон бўлган. Қишлоғимизда полвончиликнинг ўзига хос мактабини у киши яратган. Ёнига қишлоқлардан келган 100 та шогирд олиб, уларга кураш ва чавандозлик сир-



Сафар Назаров,
«Чаноқ» маҳалласи раиси

ларини ўргатган. Дагар полвоннинг таълимини олган кўпгина ёшлар XX аср бошларида Қашқа ва Сурхон воҳасида тўйларни қизитган, биринчи табоқ талабгорлари бўлиб тилга тушганлар.

Одамларимиз Дагар полвонни ўз оталаридай ҳурмат қилганлар, у кишининг гапидан чиқмаганлар. Дагар полвон бойлигини ҳам, маслаҳатларини ҳам қишлоқдошларидан аямаган. Тадбиркор, иқтисодни яхши биладиган омилкор киши бўлган. Отасидан қолган мерос ерларни кўпайтирган, мол-ҳоли ҳам зиёда бўлган. Бунинг устига, ҳунардан ажралмаган. Арава яшашни Фузорда биринчи бўлиб йўлга қўйган. Шўро ҳокимиятга келгандан кейин у киши аравакашлар иттифоқининг раиси этиб сайланган. Ўша йилларда «Қўшчилар союзи», «Батраklar союзи» деган уюшма

лар бўлган. Улар касаба ташкилотининг биринчи тузилмалари эди. Дагар полвон кўп ўтмай ревком раиси этиб сайланган. У ўзига топширилган вазифаларни сидқидилдан адо этган. Айниқса, амирлик ағдарилиб, ёмон давр бошлангач, безори, талончи тўдалар ҳам кўпайган. Улар вазиятдан фойдаланиб қишлоқларни талаган. Лекин бизнинг қишлоғимизга биронта ўғри, ёмон ниятли кас доримаган. Полвоннинг ўзи ва шогирдлари қишлоқни қаттиқ ҳимоя қилганлар.

Афсуски, Дагар полвондай эл учун фидойилик қилган инсон қатағон қурбони бўлади. Унинг ҳақидаги хотиралар орадан шунча йиллар ўтса-да, яшаб келади. Эл суйган кишилар ҳеч қачон унутилмайди. Дагар полвон элимиз хотирасида абадий қолган ҳурматли инсонлардан. Яхшидан боғ қолади, деб бежиз айтмайди элимиз. Дагар полвон ўзидан ана шундай, мангу яшнаб тургувчи боғ қолдириб кетди. Ўша боғ теграсида бугун болалар спорти мажмуаси ишлаб турибди. Бу тасодифий ҳодиса эмас. Дагар полвоннинг орзуси ҳам ёшларнинг бақувват, кучли, соғлом бўлиши эди. Шу ният, мана, мустақиллик шарофати билан амалга ошди. Чаноқ маҳалласи болалари, Ғузорнинг ёшлари бу мажмуада чиниқадилар. Уларни полвон боболарининг руҳи кўллаб туради.

Дагар полвоннинг яна бир боғи — унинг набиралари, чеваралари, чироғини ёқиб турган авлодлари. Уларнинг ҳаммаси ҳам одамшаванда, сахий, меҳнатқаш, тадбиркор инсонлар. Лекин Ҳайдар ака Даминов ҳақида алоҳида тўхталиш ўринли бўлади. Дагар полвонни Қаршига олиб кетганларидан кўп ўтмай Ҳайдар ака туғилган. У киши боболарини кўрмаганлар. Лекин оилада бобо ҳақида ҳамиша яхши гаплар айтилган. Бобонинг олижаноб ишлари, элпарварлиги, меҳнатқашлиги онга сингдирилган. Ҳайдар ака Ғузор элига яхши хизматлар қилди. Айниқса, маҳалламизнинг ободлиги бевосита у кишининг саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ. Хайрия ишларига доимо бош-қош, саховатли, бағри кенг инсон. Ёшлари саксондан ошган бўлса-да, тиниб-тинчимайди. Ғузорда у киши ибратли оила бошлиғи. Ўйлаб қоламан, агар ҳамма кишиларимиз Ҳайдар ака сингари ўзларининг ота-боболарини яхши билсалар, улар қилиб ўтган савобли ишлардан хабардор бўлсалар, ҳеч қачон ёмонликка кўл урмайдилар, аксинча, яхшилик сари, яратиш сари ғайрат-шижоат кўрсатадилар.

Дагар полвон Чаноқ қишлоғимиз фахри, Ғузор туманимизнинг ифтихори. У эл учун жонини бағишлаган. Бундай улуғларимиз хотираси мангу яшаши керак. Ўниб-ўсиб келаётган ёш авлод бобокалонлари билан ҳақли равишда фахрланиши лозим. Бунинг учун яқин кечмишимизни, халқимиз тарихини яхши билишимиз керак бўлади.

АВЛОД САДОҚАТИ

*Йиллар ўтиб, келди ҳурлик, истиқлол,
Қудрати-ла айлаб кўнгулларни лол.
Ғузор кечмишини халққа армуғон —
Этмоқ учун берди қутлуғ бир имкон
Ортиқжон Жўраев*

Ғузорлик шоир Ортиқжон Жўраев дилкаш, тамкин ижодкор. Ғар сафар кўришганимизда яхши гурунглар қиламиз. У тиниб-тинчимайдиган, изланадиган шоир. Қачон келса, бир янги асарни камтаринлик билан тақдим этади. Дагар полвон ҳаётига доир манбаларни ахтариб юрган кезларимда у «Ғузор бобо қиссаси» дostonини олиб келиб қолди. Ўқиб жуда мамнун бўлдим. Ортиқжон билан Дагар полвон хусусида ҳам фикрлашдик. У, «эшитганман, уни Ғузор паҳлавони» дейдилар», деди мамнун ҳолда. «Ғузор бобо қиссаси»да юртимизнинг қадимий шаҳри тарихи бадийий ҳикоя қилинади. Шоир бунинг учун қанча изланган, ўрганган. Қувончли жойи шундаки, дoston ғоят самимий, тарихан изчил, гўзал ташбеҳларда баён этилган. Унда Дагар полвоннинг руҳи ҳам талқин этилгандек эди. Ғузорни Ғузор қилган, элга танилган, доврўғини юртга ёйган аслида ана шундай фидоий фарзандлар эмасми? Дагар полвон каби инсонлар бу маъводан қанчалар чиққан, уларнинг аксарияти исми шарифларини унутганмиз. Ёхуд, кўпларининг муборак номлари ўз яқинлари орасида маълуму, элнинг эътиборидан четда қолган бўлиши мумкин. Ахир, мустақилликка қадар Амир Темур бобомиз отини атайин унутиш сиёсати олиб борилмаганмиди?

Амир Темур ҳазратларининг хос амирларидан бўлган Улжойту Апарди хизматларини унутиб бўладими? Амир Ғусайнга қарши Балхда ҳал қилувчи жангда жонбозлик қилган, айирмачи, хиёнаткор амир Ғусайинни орадан кўтаришда ташаббускор

бўлган Апарди Ғузор фарзанди эди. Ғузорда ҳали ҳамон унинг номи билан аталадиган қишлоқ ҳам мавжуд. Бу тарихни қанчалик теранроқ, ичкарироқ кириб ўргансанг, ҳайратга боис бўладиган мавзулар чиқа бошлайди. Ортиқжон Жўраевнинг янги достони шу маънода диққатга лойиқ, Ғузор тарихининг бадиий кашфиёти, дегулик...

Дагар полвон қисмати фожиали якун топгандан сўнг, катта хонадон ҳувиллаб қолади. Полвон серфарзанд киши бўлган. Ўғиллари, қизлари оила бошига тушган жудоликдан қаттиқ саросимага тушади. Шўро салтанати ўч олишга жуда танда қўйган эди. Қатағон қилинган кишиларнинг бутун борлиғи тортиб олинар, уйлари идора ё мактаб қилинар, ер-сув, боғ-роғлари умумлаштирилиб юбориларди. Катта рўзгорнинг кун кечириши, ризқ-рўзи билан ҳеч кимнинг иши бўлмасди. Бу қисмат, афсуски, Дагар полвон хонадонини ҳам четлаб ўтмади.

Бобоси қатл этилгандан икки йилча вақт ўтиб, набира Хайдар дунёга келади. Дагар полвон билан қизилмозорлик Сафаралибой, унинг ўғли Хусанбойлар дўстлиги ҳақида олдинги саҳифаларда сўз юритилди. Тожик қизи Ойсулув билан Мамадамин никоҳидан ширин фарзандлар туғилади. Дагар полвон Мамадамин тўйини қизитган, теварак-атрофнинг атоқли паҳлавонларини, бойу боёнларини таклиф этиб, қўноқлар берган эди. Дўстлик ришталари мустаҳкам бўлсин деб, ҳавас билан элга берилган тўй кўп йиллар нақл қилиб юрилган эди. Афсуски, Дагар полвон бошқа набиралари қатори, Ҳайдаржоннинг этак-чечак қадам босишларини кўра олмади. Шўронинг қадами фалокатли келган эди. 20-йиллар бошларида амалга оширилган қатағон силсиласи яна давом этади. Буни Ҳайдар аканинг оталари Мамадамин бошига тушган кулфатлар мисолида англаш мумкин бўлади.

— Раҳматли отам ҳаёт бўлганларида ҳозир 105 га кирардилар, — дейди Ҳайдар ака мунг билан.

Дагар полвоннинг иккинчи фарзанди Мамадамин XIX аср охирларида таваллуд топади. Мамадамин ҳам жуссали, полвон сифатли киши бўлган. У ота касбини болаликдан яхши кўриб қолади. Арава яшаш, арава ҳайдашга ниҳоятда қизиқади. Мамадамин ўспиринлик чоғларидаёқ пишиқ-пухта аравалар ясаб, отасининг таҳсинига сазовар бўлади. Дурадгорлик ва бошқа ҳунарларга ҳам эпи кўп бўлган унинг. Отаси «халқ душмани» деган

ноҳақ туҳмат билан Қаршига олиб кетилган пайтда Мамадамин ака-укалари қаторида қаттиқ изтироб чекади. Аравасини қўшиб, онасини, укаларини миндириб, Қаршига қатнайди. Ҳеч ким Дагар полвоннинг дарагини айта олмайди. Дагар полвон Хўжа Абдулазизнинг қамоқхонага айлангирилган мадрасасида узоғи билан бир ҳафта маҳбус бўлиб турган. 1923 йилнинг кузида Қарши ревкомининг раиси Нуриддинхон Оталиқ издоши сифатида, Шўронинг озиқ-овқат сиёсатида қарши борган, деган айб билан отиб юборилади.

Қаршига қатнашлар натижа бермагандан кейин, фарзандлар меҳнат билан ғам-андуҳни енгиллатишга интиладилар. Таассуфки, Шўро издиҳомлари пасайиш ўрнига, қутура бошлайди. Мамадамин бир неча фурсат ишчилар артелига раислик қилади. Унинг ҳам меҳнаткашлиги, табиатан мулойимлиги одамларга ёқар эди. Мамадамин 6 йил давомида артелни бошқариб, обрў-эътибор топади. Ғузурда ҳунармандчилик ривожига катта ҳисса қўшади. Бироқ унинг бошида ҳам кўп ўтмай қизил қуюнлар ўйнай бошлайди. «Отаси Шўронинг душмани бўлган», деган тавқи лаънат кўланкаси катталаша бошлайди. Бу даврда шўро салтанати яна бир қонли қатағон поғонасига қадам қўяётган эди. Машъум 29-йил бошланаётганди. Энди «коллективлаштириш деган зуғум амал қила бошлаганди. Аҳоли қўлидаги ер-сувни тортиб олишнинг антиқа усуллари ўйлаб чиқарилган, «қулоқлар», «муштумзўрлар» деган иборалар тез-тез такрорлана бошлаган давр ҳукм сураётганди.

Вилоятдан, шу жумладан, Ғузур туманидан, хусусан, Чаноқдек кичик бир қишлоқдан ҳам қанча одамлар қулоқ қилиб юборилмади, дейсиз. Ер-сувидан, мол-ҳолидан ажралгани бир сари, қулоқ қилиниб, олис ўлкаларга сургун этилганлар, қамоқларга ташланиб қайтиб келмаганлар сонини ҳам, номини ҳам бугун тиклаш жуда қийин... бунинг учун архивларда узоқ ишлаш, чанг босиб, моғорлаб ётган «дело»ларни кўтариш керак бўлади. Бир нарса аниқки, ўша йилларда бу издиҳомлардан биронта оила четда қолган эмас.

Мамадамин ақлли-хушли, сиёсатнинг қаёққа бораётганини тез англайдиган хушёр киши эди. Қизил қуюнлар гирдобига тортмасдан бурун у неча кун тайёргарлик кўриб, бир кечада 4-5 аравага қариндош-уруғларини миндириб, қайдасан Душанбе деб

йўлга чиқиб кетади. Мамадамин қисматнинг қора човутидан бу сафар қутулиб қолади. Улар Тожикистонга жўнаб кетганларидан бир ҳафта ўтиб, Чаноқни узун шинел кийган, узун милтиқ ушлаган каслар оёқ ости қилади. Улар қишлоқ одамларини тўплаб, «Мамадамин қулоқни топиб берасизлар», деб дўқ-пўписи қиладилар. Мамадаминнинг қишлоқда қолган қариндошларини уриб-туртиб, унинг қаёққа кетганини айтасанлар, деб қаттиқ турадилар. Мамадамин ҳам ишини пухта қилган. «Афғонистонга кетдим», деб тайин қилган эди. Йўқса, Шўронинг қўли Тожикистонга етмай қолармиди? Тожикистонда ҳам шу савдолар кечаётган эди бу пайтда.

Мамадамин Душанбега келиб жойлашади. Аввал аравакашлик касбини давом эттиради. Битта-яримта арава ясаб кун кўради. Бирга келган яқинлари бу ишда унга кўмакдош эдилар. Душанбе у вақтларда Ғузордан нари-бери шаҳар эди. Мамадаминнинг меҳнаткашлиги, одамийлиги тезда уни танитади. У шаҳарда ташкил топган аравакашлар артелига аъзо бўлади. Тоғли ҳудудларга юклар ташийди. Мамадамин ўзининг довураклиги, кучли ва эпчиллиги билан энг қийин топшириқларни ҳам яхши уддалайди. Душанбе ва унинг атрофларида изғиб юрган тўдалар аравакашларга тез-тез ҳужумлар қилиб турарди. Ўлдириб кетилган, юклари талаб олинган аравакашлар оз эмасди. Душанбедаги ҳаёт Ғузордагидан-да оғир ва мушкулроқ эди.

Мамадамин Дагаров кўп ўтмасдан Душанбе аравакашлар артелининг раиси этиб сайланади. Унинг номзоди яқдиллик билан маъқулланади. Шу вазифада у 30-йиллар охирларига қадар фидойиларча меҳнат қилади. Қизил қатағоннинг иккинчи энг баланд, энг даҳшатли тўлқини 30-йиллар охирларида юз беради. «37-йил» деса ҳамон суяклар қақшайди, вужудни қўрқувдан титроқ босади. Кейинги авлодлар 1937 йил ҳақида фақат эшитганлар, китоблардан ўқиб билганлар. Миллатнинг гуллари қириб ташланган 37-йил даҳшати бошига тушган одамлар, оилалар, қишлоқлар, туманлар, вилоятлар, республикалар Шўро салтанатининг мамлакат ичкарасидаги энг машъум хунрезлиги сифатида бу йилни тарих саҳифасига абадул абад битиб қўйганлар. Авлодлар буни билиши, ёдда сақлаши фарз ва қарздир. Абдулла Қодирийни, Усмон Носирни комига тортган 37-йил қатағони то иккинчи жаҳон уруши бош-

лангунга қадар давом этган эди. 39-йилда ҳам қамоққа олишлар авж нуқтада эди...

37-йиллар қатағонининг интиҳоси Мамадамин Дагаровни ҳам ўз ўпқонига тортиб кетди. 39-йилнинг охирларида кимдир унинг ҳақида «отаси Шўрога қарши бўлган, ревком раиси бўлиб, озиқ-овқат сиёсатига тўғоноқ бўлган», деган чақувни қилади. Ўша пайтда бундай чақувлар Шўронинг ажал тегирмонига қўйилган сув эди. Мамадамин Дагаров — Душанбе аравакашлар артелининг раиси шу тариқа қатағон қурбонига айланади. Оддий бир меҳнаткаш, касби-ҳунари орқасидан ҳалол кун кечириб келган инсон тақдири фожиали якун топади. Бу қисмат аслида кўпнинг бошига тушган, ҳўлу қуруқ баравар ёнган маҳаллар эди. Зўравонлик билан барпо этилган салтанат ҳукм суриш учун бундан бошқа йўл бўлиши мумкин эмасди. Шўро давлати то умрини тугатгунига қадар қатағон сиёсатидан воз кечмаганлиги ҳам фикрни далолат этади.

Мамадамин Дагаровни қишнинг ўрталарида, ярим кечада олиб кетишган эди. Жўжабирдай оила чирқираб қолаверди. Фузорга ҳам бу нохуш хабар кўп ўтмай етиб келади. Қариндош-уруғлар Мамадамин оиласини Фузорга олиб келиш маслаҳатини қиладилар. Ҳайдаржон бу вақтларда 14-15 га кириб, дастёр бўлиб қолган эди. Рўзғор ташвишлари унинг зиммасига тушади.

Ҳайдар Даминов Мамадаминов ўша даврнинг жуда оғир кечганлигини унута олмайди. «Мен 1925 йилда туғилганман, — деб секин сўз бошлайди Ҳайдар бобо, — 1944 йил феврал ойида, энди ўн етти ёш остонасига қадам қўйганимда армияга олдилар. Иккинчи жаҳон урушининг авжга олган даври эди бу йиллар. Бу ҳақда гапирсам ўзи алоҳида бир дoston бўлади. Урушнинг заҳматини чекиб, милтиқ кўтариб, ҳар қадамда жон хавотирини қилиб, ғалабага ҳам етиб борганмиз. Қанча куролдош дўстларимиз жанг майдонларида қолиб кетди. Боболарим руҳи қўллади, Германия қадар бориб омон қайтдим. 1947 йилда, тўрт йиллик хизматдан сўнг қадрдон қишлоғимга, уйимга қайтиш насиб этди.

Нечоғлик машаққатлар билан ўқиганимни ҳам айтиб, дилни хира қилмоқчи эмасман. Олий ўқув юртларига у пайтлар анке-



Эрмат Дагаров —
набира

талар жуда синчиклаб тўлдиртирилар, бобонг ким, отанг ким, келиб чиқишинг ким — бу саволларга жавоб беришнинг ўзи бўлмасди. Қишлоқ шўросида ўтирганлар ҳам оддий маълумотномани унча-бунчага беравермасди.

Самарқанд молия техникумини тугатиб келганимдан сўнг, Фузор тумани молия бўлимида назоратчи бўлиб ишлай бошладим.



Бахтиёр Дагаров —
чевара

Касбимни жуда севардим. Ўша йилларда молия соҳасида махсус билим олган кишилар кам эди. Амал пиллапояларидан кўтарилиш фирқа аъзолиги билан ўлчанар эди. Мен ҳам касбдошларим тавсияси билан фирқа аъзолигига бир эмас, икки марта ариза берганман. Икки сафар ҳам қайтаришган. Жуда алам қилган. «Ҳали ёш экансиз, ўқинг, ишланг, вақти соати келганда, ўзимиз чақирамиз», деб жавоб беришган. Орадан бир-икки йил ўтди ҳамки, қани чақиринса. Бундай суриштириб

кўрсам, туман фирқа қўмитасининг каламушларидан бири «Укам, оёғингни билиб боссанг-чи, фирқага бойларнинг набираларини қабул қилишмайди», деди очиқчасига.

Ошқора камситишлар иззат-нафсимга теккан. Ўшанда шундай жаҳл отига минганманки, қўлимда автомат бўлса, фирқа қўмитасини тутдай тўкишга ҳам қодир эдим. Хайрият, яхши одамлар бор экан, улар менга насиҳат қилдилар, ўқишингни давом эттир, дедилар. Уларнинг гапи билан 1950 йилда Тошкент молия-иқтисод институтига ўқишга кирдим. Олийгоҳни 1954 йилда тугаллаб, Фузор молия бўлимида бош солиқ назоратчиси бўлиб ишлай бошладим. «Халқлар отаси» — Сталин вафотидан кейин қатагон қилинганлар оқлана бошлаган эди. 1956 йилда республикамиздан ноҳақ қамалган, отилган, «халқ душмани» деган тавқи лаънат осилган кишиларнинг аксарияти пок номлари тикланган, судловлар бекор этилган эди. Бунини фақат сўраб-суриштирган, кам доирадаги кишиларгина биларди. Бошқача айтганда, оқлаш энг учиди амалга оширилганди. Нима бўлганда ҳам, вазият ўзгара бошлаган эди.

1955 йилда фирқага аъзо бўлиш учун яна, учинчи марта ариза ёздим. Бу сафар туман фирқа қўмитаси бюросида аввалги ғараз гўй кимсалар қолмаган эди. Энг муҳими, Шўро давлатида юз

бераётган ўзгаришлар туманларга ҳам етиб келган, сиёсий иқлим бироз бўлса-да, юмшаган эди. Жавобларим русча бўлган. Жавобларимнинг эътирозга ўрин қолдирмаганлиги фирқа сафига қабул қилинишимга сабаб бўлган.



Ҳамро Аминов –
набира

1955 йилда собиқ Кўкбулоқ туманига, молия бўлими мудирлиги вазифасига юборилганман. Бу ерда бир йилча ишладим. Туман тугатилиши муносабати билан 1956 йилнинг августида Ғузор тумани молия бўлимини бошқариш зиммамга юклатилди. Оз эмас-кўп эмас шу вазифада 30 йил фаолият кўрсатдим, 1988 йилга қадар ишладим. Меҳнат фахрийси бўлганимдан кейин ҳам уйда қўл қовуштириб ўтирганим йўқ. Бизнинг авлодга бу бобомерос, десам адашмайман. Олти йил Ғузор тумани кооперативлар уюшмасига раҳбарлик қилдим. Кейин «Гулистон» кичик корхонасини бошқардим. Ҳозир ҳам ёшим 80 дан ошган бўлса-да, тадбиркорлик фаолиятимни тўхтатганим йўқ».

Ҳайдар бобо Ғузорнинг пиру бадавлат инсонларидан. У кишининг беш ўғли, беш қизи бор. Фарзандлар ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топган. Ҳайдар Даминов узоқ ва шарафли ҳаёт йўлини босиб ўтган, ҳамон қадди тик, бардам. Томирида кураги ерга тегмаган паҳлавонлар қони бор эмасми, ёшлар сингари серғайрат. Ғузорда молия бўлими бошлиғи бўлиб юрган кезларида у кишининг олдини унча-бунча одам кесиб ўта олмаган. Ўша маҳалларда обрў-эътибори фирқа қўмитаси биринчи котибникидан қолишмаган. Одамлар Ҳайдар Даминов билан ҳисоблашганлар. Ундан маслаҳат олганлар.

Ҳайдар бобо ўз умрида қанча яхши одамлар билан бақамти, елкани елкага бериб ишлаган. У туман фирқа раҳбарларидан Мамат Аҳмедов ва Аёз Рўзибоевларни яхшилик билан эслаб юради. Фирқа раҳбарлари орасида тўғри, ишбилармон, халққа қайишадиганлари кўп эди. Яхшини яхши деб эслаш савобли ишлардан бўлади. Ҳайдар Даминов бирга ишлаган яхши инсонлар орасида Ўсар Суяров, Назар Холмирзаев, Момашо Аллаёров, Қурбон Ҳақбердиев, Равшан Муҳаммадиев, Райим Раҳмонов каби эл-юрт ҳурматини қозонган фидоий кишилар кўп эди.

Ҳайдар бобо томирида Дагар полвон қони жўшиб туради. Йўқса, у ҳузур-ҳаловатда тинчгина кексалик гаштини суриши мумкин эди. Мустақиллик арафасида «Истиқлол» хўжалиги ҳудудидаги Ертепа қишлоғидан дарё ёқасида ташландиқ бўлиб ётган, қамиш босиб узоқ йиллар қаровсиз бўлиб келган 10 гектар ер олади. Катта меҳнат эвазига ер яроқли ҳолга келтирилади. Бобоси бир вақтлар боғ-роғ яратиб, Чаноқ доврўғини ёйган эди. Қишлоқда ҳозиргача Дагар полвон асос солган «тут сайили» ҳақида нақллар юради. Полвоннинг марварид тутлари пишганда бутун қишлоқ, дўст-ёронлар йиғилиб сайил қилишар, байрам қилиб яйрашар эканлар.

Очилган ерга экин-текин қилишдан ташқари, ҳар хил мевали дарахтлар қадалган эди. Ҳозир бу дарахтлар кўзни қувонтиради. Уч мингга яқин теракларни демайсизми? Бу жой бундан ўн йилча аввал тўқайзор эди деса биров ишонмайди. Одам қўли гул, деб шунга айтадиларда.

Ҳайдар бобо саховатли одам, қишлоқнинг ободончилиги бобида кучини ҳам, маблағини ҳам аямайди. Одамларнинг оғирини енгил қилсам, тегирмон курсам, жувозни ишга тушурсам, деб тиниб-тинчимайди. Асаларичиликни ҳам йўлга қўйиш ниятлари бор. Пачкамар сув омборидан келадиган катта анҳор устига ўз ташаббуси билан кўприк қурдирганлар. Бу чиройли, замонавий тархда қурилган кўприк бугун элнинг хизматида. Ўз соҳибига қанчалар савоб келтирмоқда. Одамларнинг дуосидан, раҳматидан билиб олиш қийин эмас буни. «Мусофир ота» ва «Мир Жанда» қабристонлари Ҳайдар бобонинг раҳнамолигида обод қилинди.

Йўл соҳасида ҳам Ҳайдар бобо тилга тушган. Қишлоқ ҳудудида янги ер очиб, одамларни қатновига қулай бўлсин учун 2 км. йўлни тош тўкиб асфалтлаб берди. Эҳтиёжманд кишилар Ҳайдар бобонинг бағри кенлиги, қўли очиқлигини таъриф қиладилар.

Меҳнат фаҳрийси, Ғузорнинг кайвони ва оқсоқолларидан бири Ҳайдар бобо Даминов ана шундай хайрли ишларни амалга оширяпти.

Ҳайдар бобо босиб ўтилган йўлга назар солади. Бобоси, отаси қизил тузумнинг қурбони бўлди. Улар эл-юрт учун фақат яхшилик йўлини тутган инсонлар эди. Ўзи ҳам бутун меҳнат фаолияти давомида тўғри ва ҳалол ишлашга интилди. 30 йил молия соҳасида

ишлаш унча-бунча одамга насиб қилавермайди. Касбини яхши билганлиги, меҳнаткашлиги, камгарлиги, тўғри ва одиллиги унга ҳурмат-эҳтиром келтирди. У ҳеч қачон қисилиб ишлаган эмас. Таъмадан, тил ёғламачиликдан, хушомаддан узоқ юрадиган бу инсон раҳбар бўлган кезларида ўзига бир гард юқтирмади. Ҳолбуки, унинг соҳасида ўзини идора қилолмаган қанча кишилар обрўсизланган, лавозимидан кетган эдилар.

80-йиллар бошларида Қашқадарё воҳасида Гдлян ва Ивановлар пашшадек айланиб қолган пайтда унга ҳам қийин бўлган. Гарчи Ҳайдар Даминовнинг пахтачилик соҳаси билан бевосита алоқаси бўлмаса ҳам, сўроқ беришига тўғри келган. У ҳам туҳматлардан қуруқ қолмаган. Таъқиблар оз эмас-кўп эмас, 3-4 йиллаб чўзилган. Ҳайдар бобо ўша кунларни ёдга олгиси келмайди. Замон ўзгармаганда, Қизил салтанат сўнгги қатағонини кенгайтирган, ўзининг қирғоқсиз ўпқонига яна қанча бегуноҳ кишиларни тортган бўлур эди. Ҳайдар Даминов ана шу сўнгги қатағондан омон қолган юртдошларимиздан бири. 40-йилдан ортиқ молия ва кооператив соҳасида самарали, фидокорона меҳнат қилган Ҳайдар бобо Даминов бугун бахтли ҳаёт кечирмоқда. У умрининг азиз ва лазиз йилларини қишлоғига, унинг ободонлигига, хайр-саховатга бағишлади. Умр мазмуни, деб шуни айтадилар. Ҳайдар бобо йўли шарафли, файзли, ҳавас қилгудек нурли йўл. Пиру бадавлат инсон бундан бошқача яшашни ҳаёлига ҳам келтира олмайди. Топганини эл билан баҳам кўриш, аслида, унинг ота-боболаридан мерос. Полвонлар мард келади, уларнинг насли эса янада мардонороқ бўлади. Бу Достонкул бобо, Дагар полвон, Мамадамин ота, Ҳайдарбой ота силсиласида анъанавий тарзда давом этади деб ишонамиз. Ҳайдар бобонинг фарзандлари авлод эстафетасини бардам давом эттиради, албатта.

«Дагар полвон» қиссасига сўнгги нуқта қўйиш пайти келди. Ҳайдар бободаги жонкуярлик бўлмаганда, эҳтимол, бу асар ёзилмаган бўлур эди. Бу инсоннинг ўз авлодларига, бобо ва аждодларига бўлган камоли эҳтироми, ростини айтсам, мени ҳайратга солди. Ўзининг ота-боболаридан бунчалик фахр туйиш, уларнинг пок руҳларини эъзозлаш ҳамма фарзандларда, набира ва эвара, чевараларда бирдек кўриладиган хусусият дейиш қийин. Ёши бир жойга бориб бобоси-отаси кечмишини билишни, уларнинг қадр-қимматини тиклаш учун ингилишни таърифлаш учун биргина «фидоийлик» деган сўз камлик қилади.

Қани эди, ҳаммамиз ҳам энг аввало ўз авлодимиз тарихини яхши билсак эди. Ўтганларини қадрлаган хонадон камлик кўрмайди. Боболар, аجدодлар руҳи уларни ҳамиша қўллаб туради. Авлодининг яхши фазилатини билган фарзанд ҳеч қачон ёмонлик йўлига кирмайди. Бунда ҳикмат кўп. Ҳайдар бобо ўз авлодлари номини абадийлаштириш учун, уларнинг эл олдидаги хизматини кўрсатиш учун ғайрат камарини белга боғлаган экан, бунга фақат олқишлаш лозим бўлади. Ўзбекона ғурур шу эмасми?! Ғурурсиз киши бориб турган муте бўлади. Шукронаким, мустақиллик юртимизга қадриятларимизни қайтарди, ўтмишимиз билан фахрланиш бахтини берди.

Ҳайдар бобо Даминов хонадони ҳақли равишда эл-юртга фидоий бўлган боболаридан ифтихор қилса арзийди. Қолаверса, Ҳайдар бобонинг фарзандлари, набиралари ҳам ундан ғурур туйсалар ярашади. Бундай олижаноб, камтарин, ҳақгуй, саховатли инсон ҳар кун тугилавермайди. Умрингиз узоқ бўлсин, Ҳайдар бобо!

ХОТИМА

Она Ватанзимизнинг яқин кечмиши ибратли бир тарих. Бу тарих теран ва чуқур ўрганилганда, миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиши муқаррар. Ўзбек халқи орасида етти бобони билиш ўғити ҳукм суриб келади. Бу камида 200-250 йиллик кечмишни англаш деган гап. Ҳолбуки, собиқ қизил салтанат даврида авлод-аждодларимизни, келиб чиқишимизни унутишга мажбур этилган эдик. Авлоди бой-боён ўтганлар, қоровулбеги ёки жевачи бўлганлар, муллолар, аминлар набиралари ўзларининг ижтимоий мансублигини «деҳқон» деб кўрсатиши андоза эди. Қиссамиз қаҳрамони Дағар полвоннинг набиралари ҳам ўзларининг шахсий варақаларини шу тахлит ёзишга кўникиб қолган эдилар. Ҳақиқий ҳолатни қайд этиш кўнгил хираликларга сабаб бўлмай қолмасди.

Ватан мустақиллиги қадриятларимизни тиклади. Юртимизга унут бўлган улуғларимиз руҳлари файз бағишлади. Ўзлимиз қайтди. Ўзини ҳурмат қилиш пировардида ўзгаларни эъзозлаш фазилати рўёбга чиқади. Ўзини англамаган бошқаларга мурувватли бўла олмайди. Бир мақолда «аввал хеш, кейин дарвеш», дейилган. Кечаги кунни эсда тутиш, ўтганлар ёдини мусаллам сақлаш инсоний хусусиятларнинг энг олий кўриниши ҳисобланади. Шу маънода Дағар полвон қиссасининг ибратли жиҳатлари бўртиброқ кўзга ташланади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалом «қариндошларига оқибат қилмайдирган одам қариндош эмас, балки узулиб қолган қариндошлик алоқаларини тикловчи одамгина қариндошдир», деб табаррук ҳадисларда бежиз айтмаганлар. Сир эмас, қизил тузум даврида ўтмиш билан, авлод аждодларимиз билан алоқаларимиз узилиб қолган эди. Боболаримизнинг доврўғли, шон-шавкатли кечмишидан ифтихор туйиш тақиқлаб қўйилган эди. Шукроналарким, Ватан озодлиги бу кам

ситишларга барҳам берди. Бугун авлодлар Амир Темур, Баҳоддин Нақшбанд, Имом Исмоил Бухорий сингари жаҳоншумул боболаримиз билан ҳақли равишда фахрланадилар. Бундай ғурурга ҳар бир хонадон, ҳар бир сулола мушарраф бўлиши вожибдир. Зеро, қайси бир оила тарихини кўздан кечирманг, босиб ўтган йўли ибратли кечган боболар бўлади. Фақат уларни турли важлар сабаб, тор доирадаги кишилар билади, эъзозини қилади. Инсон, Алишер Навоий ҳазратлари ибораси билан айтилса, шариф зотдир. Улар руҳини улуғламоқ, чироғини ёқмоқ кейинда қолганлар учун фарз ва қарз ишдир.

Ҳайдар Даминов хонадониди сулола силсиласи шундай: Дархон бобо — Достонкул — Дагар полвон — Мамадамин — Ҳайдар ота.

Дагар полвон ўз даврининг элпарвар, доврўқли кишиларидан бири эди. Топганини қишлоғи билан баҳам кўриш, унинг оғирини енгил қилиш мардлик аломатларидан ҳисобланади. Бундай улуғ кишиларнинг ардоқланиши ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутади. Назаримда, Дагар полвон қилиб кетган ибратли ишлар ҳақида мактабларда бўладиган учрашувларда, кураш мусобақаларида, турли йиғинларда ваъз айтиш жоиз. Бунинг амалий фойдаси жуда катта бўлади.

Қатағонлар ўпқони жуда катта эди. Дагар полвон қанча умр кўрган дерсиз. У ниҳоятда кучли одам бўлган. Полвоннинг умрига завол бўлганларида унинг ёши олтмиш нари-берисида эди. Дагар полвоннинг ўғли Мамадамин эса янада қисқа умр кўрди. Уни қамоққа олганларида 44-45 ёш устида эди. Қирқдан ошганида қатағон этилган оддий косиб, умр бўйи аравакашлик қилган, азбаройи истеъдоди, ташаббускорлиги сабаб артел раиси даражасига кўтарилган бу инсоннинг айби меҳнатқашлигида эди, холос.

Қандай нодон замонлар бўлган экан-а, деб ўйлаб қоласан киши. Билмадим, бунга замон гуноҳқорми, ёхуд ўзимиз сабабчими? Шўро даврида чақимчилик, «дебсан» кўп одамларга қирон келтирган. Ҳасад, кўролмаслик, бўҳтон собиқ шўро айғоқчиларига жуда кўл келган. Тарихнинг хатоларидан хулосалар чиқармоқ лозим. Бир-биримизнинг қадримизга етиш миллатимизни улуғлаш бўлади. Ҳайдар бобо бу жиҳатларни нозик фахм қиладиган инсон. Ёши саксондан ошиб, ўтганлари руҳларини эъзоз қилаётганлиги савобли иш. Бу дунё қайтар дунё. Ким нима экса,

албатта, шуни ўради. Ҳайдар бобо Даминовнинг ибратини элимиз билишини истар эдим. Ҳар бир хонадоннинг ўз муқаддас нарсалари, шу жумладан, табаррук инсонлари бўлади. Уларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш фақат яхшиликлар келтиради. Эзгуликларга сабаб бўлади. Зотан, Ватан оиладан бошланади. Оила тарихи юрт кечмишининг бир саҳифасидир. Бу саҳифага фақат ва фақат яхшиликларни битмоқ насиб этсин!

МУНДАРИЖА

Кечмишга бир назар	3
Юрт паҳлавони	9
Достонқул достони	12
Достонқулнинг омади	19
Гузор паҳлавони	26
Дарёободдаги док ўйини	30
Мунаввар ойим	32
Довруқ	33
Тегирмон тоши	40
Қўқон арава	43
Обрў ва бойлик калити	47
Қирқ уй қуда бўлса	50
«Репкин» полвон	53
Биринчи қатағон қурбони	58
Ўчмас хотиралар	63
Полвоннинг орзуси	64
Ҳам полвон ҳам уста	64
Руҳлари шод бўлсин	65
Боболар ҳикмати	66
Бағри кенг инсон	67
Ибрат	68
Яхшилик	69
Ҳалоллик	70
Ўчмас хотиралар	70
Бахт асоси	72
Қуш уясида кўрганини қилади	72
Эзгулик ва савоб	73
Тарихга ҳурмат	74
Эзгуликни шиор қилиб	74
Ҳеч қачон унутилмайди	75
Авлод садоқати	77
Хотима	87

Адабий-бадиий нашр

ПОЁН РАВШАНОВ

ДАГАР ПОЛВОН

Муҳаррир
Даврон РАЖАБ

Бадиий муҳаррир
Баҳриддин БОЗОРОВ

Техник муҳаррир
Елена ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ
Алимурод ТОЖИЕВ

Компютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 05.01.2007 й.да руҳсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 2,875+вкл 0,25. Шартли босма тобоғи 4,83+вкл 0,42.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 232.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.